

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ
URGANCH INNOVATION UNIVERSITETI NTM
РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ

САЙЁРА САМАНДАР
УМИД БЕКМУҲАММАД

ХОРАЗМ ЖАДИД НАМОЯНДАЛАРИ:
ҲАЁТИ, ФАОЛИЯТИ ВА АДАБИЙ
МЕРОСИ

(Монография)

“Milleniumus print” нашриёти
Урганч – 2024

УЎК: 821.221.13.09 (092)

83.3

С 28

**Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад,
Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси;
Хоразм: "Milleniumus print" нашриёти, 2024. – 200 б.**

КБК: 83.3

Хоразм жадид намояндалари ҳаёти, фаолияти ва адабий меросига бағишиланган ушбу монографияда, жадидчилик ғояларининг воҳага кириб келиши, Туркистон ва Бухородаги жадидчилик ҳаракатидан фарқли томонлари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда ўхшаш жиҳатлари, намояндалар томонидан олиб борилган ислоҳотлар, ижодкор жадидлар томонидан яратилган асарлар тадқиқ қилинади.

Шунингдек, Хоразм жадид намояндаларининг давлат бошқаруви, мактабларни ташкил этиши, таълим соҳасига киритган ўзгаришлари, жамиятни кенг қамраб олишга интилган тараққийпарвар ислоҳотлари, ўша даврга оид қўлёзма асарлар, архив хужжатлари асосида таҳлил этилган.

Монография нафақат олий ўқув юртларининг бакалавр ва магистрлари, докторант ва тадқиқотчилар учун, балки тарих ва адабиётга қизиқувчи кенг оммага ҳам мўлжалланган.

Сўзбоши муаллифи:

**Жавлон Жовлиев, филология фанлари бўйича фалсафа доктори,
доцент.**

Масъул муҳаррир:

**Хондамир Қодирий, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият
ходими, Абдулла Қодирий уй-музейининг директори.**

Тақризчилар:

**Дилноза Жамолова, Ўзбекистон Фанлар академияси тарих
институти директори ўринбосари, тарих фанлари доктори,
доцент.**

Баҳром Ирзаев, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент.

**Мазкур монография Хоразм Маъмун академиясининг 2024
йил 28 июндаги № 5 сонли ва Urganch Innovatsion Universiteti
НТМнинг 26 июндаги № 9-сонли Илмий кенгаши
қарорларига кўра нашрга тавсия қилинган.**

ISBN 978-9910-9010-8-9

**© С.Самандар, У.Бекмуҳаммад, 2024.
© "Milleniumus print" нашриёти**

ЖАДИД НАМОЯНДАЛАР ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР (СЎЗБОШИ ЎРНИДА)

Тарихда шахснинг тутган мавқеи, шахсларнинг воқеликларни, жараёнларни ҳаракатга келтиришдаги ўрни ғоятда муҳим ва бунга мозийдан ҳоҳлаганча мисол келтириш мумкин. И smoил Гаспралиниг шахсияти, фаолияти эса феномен даражасига етган ва унинг таъсири нафақат Россия империяси, туркий давлатлар, балки жаҳонда ҳам ўзига хос нуфузга эга эди.

Профессор Бегали Қосимов ҳақли равишда ёзганидек “Бу ном юз йил муқаддам туркий дунёдаги энг машҳур ном эди. Уни Қашқардан Лондонгача, Санкт-Петербургдан Бомбейгача билар эдилар. У чиқарган “Таржимон” газетасининг 1908 йилдаги 25 йиллик тўйида Хитойнинг “Таранча”сидан табрик телеграммаси келган. 1910 йили эса Франциянинг энг эътиборли журналларидан “Ревю де монде мусулман” унинг миллат олдидаги буюк хизматлари учун номзодини “Тинчлик борасидаги халқаро Нобель мукофоти”га тавсия қилган ва буни хорижий мамлакатлардаги жуда кўп матбуот нашрлари қўллаб-қувватлаб чиққан эди”. (И.Гаспринскийнинг “Ҳаёт ва мамот масаласи” китобига ёзилган “Учинчи муаллим” номли сўзбошидан, “Маънавият” нашриёти, Тошкент-2006 йил, 3-бет).

Эътиборли жиҳати, И smoил Гаспралиниг шахсияти сингари, унинг ғоялари ёйилган ҳар бир худуднинг ўз етук намояндалари-лидерлари етишиб чиқди. Натижада мавжуд вазият, воқеликлар, тарихий шароит етиштирган ушбу лидерлар ўз ҳудудидаги таъсирчан, нуфузли шахсга айландилар.

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Бунга Беҳбудий, Фитрат, Усмон Хўжа, Файзулла Хўжа, Убайдулла Асадуллахўжаев сингари кўплаб Туркистоннинг турли ҳудудларидағи етук намояндалар фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин.

Хоразмда ҳам ўша даврда жадидлар ғоясини жамиятга тадбиқ этиб, бошқарув тизимида, ҳалқ ҳаёти ва турмушида маълум бир ўзгаришлар қилган намояндалар этишиб чиқди.

Бунга Исломхўжа, Бобоохун Салимов, Ҳусайнбек Матмуродов, Отамахзумохун Муҳаммадраҳимов ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Афсуски, шу пайтгача ушбу намояндалар фаолияти тўла қамраб олинган фундаментал илмий ишлар қилинмай келаяпти. Тўғри, Исломхўжа тўғрисида матбуотда айrim мақолалар нашр этилди, шунингдек ,бадиий публицистик, ҳамда ҳужжатли фильм ҳам ишланди.

Бундан ташқари Бобоохун Салимов ҳақида ҳам турли даврларда Жумабой Раҳимовнинг (“У Ленин билан учрашган эди-1988, 1990 йилларда чоп этилган китobi, “Ўзбекистон тарихини ўрганишда архив манбаларидан фойдаланиш” қўлланмаси ва “Ўзбекистон тарихи-8 синф дарслиги”да айrim маълумотлар), Матюсуф Салимовнинг эса мақолалари нашр қилинди.

Шу сингари Худойберган Девонов тўғрисида Ошиқ Эркин (Эркин Мадраҳимов)нинг “Чақмоқ” номли ҳужжатли қиссаси, Наим Каримовнинг китobi, матбуотда эса турли олимлар, ижодкорларнинг мақолалари чоп этиб борилди.

Бироқ шу ва бошқа китоблар, мақолаларда ҳам Исломхўжа, Бобоохун Салимов, Худойберган Девоновларнинг фаолиятини улар иштирок этган жадидчилик ҳаракати билан боғлиқ тарзда маҳсус илмий тадқиқот ишлари олиб борилмай келинмоқда эди. Бошқа

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

жадид намояндалар фаолияти эса ҳозиргача умуман ёритилмай, айрим ишларда номлари, фаолияти қисқача қайд этилганча келинаётганди.

Эътиборли жиҳати, шу пайтгача фанда тадқиқ қилинмаган Хоразм жадидчилик ҳаракатини ўрганиб, илмий изланишлар олиб бораётган ва айтиш мумкинки катта натижаларга эришаётган Умид Бекмуҳаммад, Сайёра Самандарлар томонидан Хоразм жадид лидерларига бағишиланган янги монография ёзилиби.

Монографияда намояндаларнинг фақат жадидчиликга оид фаолиятларигина эмас, уларнинг ҳаётида кечган воқеликлар, Хоразм тарихида муҳим ўрин тутган жараёнлардаги иштироки, таъсирига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Бу мавзуни ёритишда ўша даврга оид матбуот нашрларига, мемуарлар, илмий адабиётлар ва янги архив ҳужжатлари, қўллёзмаларга асосланилган. Улардаги факт ва фикрларни бир-бирига таққослаган ҳолда, тарихга, ушбу шахсиятларнинг фаолиятларига холисона баҳо беришга интилишган.

Боя катта натижа деб таъкидлаётганим шундаки-Умид Бекмуҳаммаднинг заҳматли илмий меҳнат, ақлий салоҳияти билан якка ўзи-“Хоразм жадидчилик ҳаракати энциклопедияси”ни (Сайёра Самандар масъул муҳаррирлигига) чоп қилдиргани ва ҳаммуаллифларнинг “Хоразм жадидчилиги: ислоҳотлар, таълим ва адабиёт”, “Бобоохун Салимов-жадид, давлат арбоби ва шоир”, “Хоразмдаги жадид мактаблари”, “Хоразмлик жадидларнинг советлар даврида қатағон қилиниши” сингари монографияларни бир йил-2024 йилдагина нашр этдириши фандаги салоҳиятли кўрсаткич.

Демак, изланса, интилса ҳар қандай тадқиқотчи катта мувафаққиятга эришиши ва фанда тадқиқ этилмаган мавзууни очиб бериш мумкинлигини исботлаб беришди

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

ҳаммуаллифлар. Ана шундай экан, бу салоҳият билан яна кўплаб илмий натижаларга эришиш имкони мавжуд. Табиийки, бу интилишларни ҳар томонлама мутасаддилар қўллаб қувватлашлари зарур. Яратилган асарлар катта ададларда чоп этилиши, тарғиб ҳам қилиниши, яъни халқ тарихи халққа халқона услубда оммалаштирилиши ва ушбу нашрларнинг медиа варианти ҳам яратилиши керак.

Мен жадидлар мавзусини тадқиқ қилиб, худди жадидлардек фидойилик билан илмий изланишлар қилаётган ҳаммуаллифларнинг бундан кейинги фаолиятларига омадлар тилаган ҳолда, яна янги асарлар кутиб қоламан.

**Жавлон Жовлиев,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори, доцент, "Келажак
бунёдкори" медали соҳиби.**

КИРИШ

Исмоил Гаспрали томонидан Қримда бошланган ва туркий мусулмон халқлар ҳаётига шиддат билан кириб борган жадидчилик ўз даври учун феноменал ҳодиса, ҳаракатга айланибгина қолмай, миллий уйғонишга, келажакдаги ҳурриятга эришишга замин тайёрлади.

Профессор Бегали Қосимов таъбири билан айтганда “жадидчилик ғоялари эрта баҳорнинг шиддатли шамоллари сингари пўпанак босиб, билжираб кетган ўрта асрчилик турмушини энг пастки қатламларигача очиб ташлади. Момагулдирак бўлиб, миллат ва Ватаннинг ҳаёт-мамот масаласи кун тартибига қўйилгани ҳақида бонг уради.Чақмоқдек чақнаб, унинг бағридаги жароҳатларини ёритди. Обираҳмат бўлиб, она Туркистон кўксидаги маориф, матбуот, театр ниҳолларига ҳаёт бахш этди. Бу ғояларнинг асосида миллий уйғониш, миллий мустақиллик учун кураш ётар эди. Жадидчиликнинг моҳиятини Миллат ва Ватанинг англашдан улар манфаати учун курашишгача бўлган қизғин ва ҳаяжонли жараён ташкил қилди. Айни пайтда, бу ҳаракат миллатни ҳам тарбиялаб борди. Уни ўз бошига ёғилган ҳар бир оғатни тақдир деб таъбир этишдан таҳлил қилиб, чорасини излай олиш даражасигача кўтарди. Хусусан, жадидларимиз миллатнинг яшамоғи, тараққий топмоғи учун, биринчи навбатда, озод, мустақил бўлмоғи лозимлигини англаб етдилар ва кенг халқни уйғотишга алоҳида эътибор бердилар” (“Миллий Уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик” “Маънавият” нашриёти, Тошкент-2002 йил, 4-бет).

Ана шундай жараёнда Исмоил Гаспралининг ғоялари Хоразмга ҳам кириб келди ва жадид мактаблари ташкил этила бошлади.Ана шу ғоялар асосида даврнинг

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

ўзгараётгани, дунё билан баҳамжиҳат, тараққийпарварлик асосида қадамлар ташлансагина жамият, давлат, халқ ҳаётида ўзгариш бўлиши, Россия мустамлакачилигидан воз кечиш мумкинлигини мулкдор бойлар, тараққийпарвар олиму уламолар, савдогарлар англаб етишди. Натижада Хоразмнинг жадидчилик ғоялари асосидаги лидерлари етишиб чиқди ва улар томонидан хонликда тараққиёт томон кескин ислоҳотчилик руҳидаги қадамлар ташланди.

Эътиборлиси шундаки, Хоразмда жадидчилик ғояларига дастлабки даврдаёқ Хива хони Ферузхон, валиаҳд Асфандиёрлар ҳайриҳоҳлик билан қарашган. Ҳаттоқи Хоразмдаги жадид мактабларининг ташкил қилиниши ва ўқиш жараёнидан хабардор бўлиб туриш ҳам айнан хон, валиаҳд билан боғлиқ эди.

Шунингдек бош вазир Исломхўжа, қозикалон ноиби Бобоохун Салимов, савдогарлардан Полвонниёзҳожи Юсупов, Ҳусайнбек девонбеги Матмуродов, Мамат маҳрам ва бошқа кўплаб зодагон табақа вакиллари жадидлар ғояларини қўллаб қувватлашган ва ўзлари шу таълимотнинг Хоразмдаги лидери даражасига эришишган. Шунингдек, улар ташкил этилган мактаблардаги ўқиш жараёнини ҳам назорат қилиб боришган. Вақт ўтиб, 1914 йилдан ҳаракат, кейинчалик сиёсий партия даражасига етган “Ёш хиваликлар” ташкилотининг дастлабки 50 дан ортиқ аъзолари ҳам Хоразмнинг турли ҳудудларидағи бой табақа вакиллари эди.

Ҳа, ана шундай фавқулодда ҳодиса-феномен саналмиш жадидчилик ҳаракати табиийки Хоразмни ҳам шу тариқа қамраб олган ва воҳа халқлари ичидан етук намояндалар етишиб чиқди ва уларнинг таъсири билан

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

жамиятда кескин ўзгаришлар рўй бера бошлади ҳамда бу жараён тарихда ўзига яраша из қолдирди.

Ушбу монографияда жадидчилик ҳаракати, унинг мақсад ва ғоялари, Хоразмдаги жадидлар ҳаракатининг бошқа ҳудудлардан фарқли жиҳатлари, олиб борилган сиёсий курашлар, ҳуқуқий-маъмурий ва иқтисодий ислоҳотлар ва маърифий жараёнлар, энг етуқ намояндалар-жадид лидерларининг фаолияти, тақдири тахлил қилинади.

Маълумки, ҳозирда тарих фанида Хоразмдаги жадидчилик ҳаракати, ёки Хоразм жадидларининг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ илмий муаммонинг ўрганилганлик даражаси бевосита умумий маънодаги жадидчилик ҳаракатининг ўрганилишидан ҳам қийин масала ва ғоятда долзарб мавзу бўлиб келди.

Негаки, шу пайтгача Ислом Гаспрали ёки Туркистон ва Бухородаги жадидчилик ҳаракати, кўплаб жадид намояндаларининг ҳаёти, фаолияти, ҳаттоқи рақиб сифатида кўриладиган қадимчилик ҳам илмий жиҳатдан тадқиқ қилинди ва қилинмоқда. Жадидлар мероси, хусусан кўплаб намояндалар асалари қайта-қайта нашр этилди ва чоп қилишда давом этмоқда.

Шунингдек, жадидлар фаолиятига оид давлат даражасидаги халқаро конференциялар ўтказилмоқда, улар фаолиятига бағишлиланган ҳужжатли ва бадиий фильмлар суратга олинмоқда, кўрсатувлар, эшитдиришлар тайёрланмоқда. 2024 йил 1 январдан эса “Жадид” газетаси нашр этилаётгани мавзунинг ғоятда долзарблигини кўрсатади ва бу нашрнинг оммалашиши жадидлар фаолияти, уларнинг мақсад, ғояларининг кенг оммага етиб боришини таъминлайди.

Бироқ Хоразм жадидлари, уларнинг фаолияти шу пайтгача “очилмаган қўриқ” тарзида умуман ёритилмай

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

келинмоқда эди.. Тўғри тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, жадидшунос Баҳром Ирзаев томонидан жадид намояндалари тўғрисида бир қанча мақолалар чоп этилди ва жадидшунос, фидойи бу олимнинг бу борадаги фаолияти ҳануз давом этмоқда.

Бундан ташқари, тарих фанлари докторлари, профессорлар Рустамбек Шамсутдинов ва Қаҳрамон Ражабовнинг кўплаб фундаментал тадқиқотларида, монографияларида ҳам жадидчилик ҳаракати, намояндаларнинг совет даврида қатағон этилиши тадқиқ қилинган ва улар орасида бир қанча Хоразм жадидларининг тақдири ҳам ёритилган. Шу сингари филология фанлари доктори, профессор Зайноибиддин Абдирашидовнинг ҳам бир қанча монографиялари, хусусан “Туркистонда жадидчилик” (“Академнашр”-Тошкент-2023 йил) монографияси, “Таржимон” газетасининг 1883-1916 йиллардаги библиографиясига бағишлиланган тадқиқоти ҳам ўзбек жадидшунослигига қўшилган катта ҳиссадир.

Бундан ташқари жадидлар лидери И smoил Гаспралиниң “Ҳаёт ва мамот масаласи” (танланган асалар), (“Маънавият” нашриёти, Тошкент-2006 йил) ва “Дорур-роҳат мусулмонлари” (“Академнашр”-Тошкент-2022 йил) асари жадидчилик ҳаракати, унинг моҳияти, ғоясини ва йўлбошчининг ҳаёти, фаолияти ва ижоди, адабий меросини ўрганиш сари катта имконият бўлди. И smoил Гаспралиниң ушбу асаларини нашрга тайёрлаган профессорлар Бегали Қосимов, Зайнобиддин Абдирашидовлар жадидшуносликни тадқиқ қилишда муҳим вазифани бажаришди.

Шунингдек, 2024 йил давомида ушбу монография ҳаммуаллифи Умид Бекмуҳаммад томонидан Ўзбекистонда биринчи маротаба “Хоразм жадидчилик

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

ҳаракати энциклопедияси” ва филология фанлари номзоди, доцент Сайёра Самандар билан ҳамкорликда “Хоразм жадидчилиги: ислоҳотлар, таълим ва адабиёт”, “Бобоохун Салимов-жадид, давлат арбоби ва шоир” номли монографиялар, матбуотда кўплаб мақолалар ёритилди ва бу изланишлар ҳануз давом этмоқда.

Аммо шу билан Хоразмдаги жадидчилик ҳаракати ва намояндалар фаолияти тўлиқ ёритилди дея олмаймиз. Шу боис ҳам ушбу асарга зарурат туғилди ва табиий эҳтиёж туфайли мана шу монография яратилди. Мазкур монографияда асосан Хоразм жадидлари орасидаги энг етук намояндалар-лидерларнинг ҳаёти, фаолияти ва улар орасидаги ижодкор жадидларнинг адабий меросини тадқиқ қилишга интилдик. Табиийки, жадидларнинг “Ёш хиваликлар” ҳаракати (партияси)сафида ҳам бошқа жадидлар фаолият кўрсатган ва уларнинг ҳам Хоразм тараққиётида, ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий жараёнлардаги ўрни катта эди. Ана шу лидерлар фаолияти ҳақидаги тадқиқотларимиз эса кейинги монографиямизда акс этдирилади.

І БОБ. ЖАДИДЧИЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ТУРКИЙ МУСУЛМОН ЎЛКАЛАРГА ТАЪСИРИ ВА ТАРИХДА ТУТГАН ЎРНИ

1.1. Жадидчилик ғояларининг Туркистон, Бухоро ва Хоразмга тарқалиши ҳамда унинг фарқли жиҳатлари.

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент Шаҳноза Назарова тадқиқ қилганидек, “19 асрнинг охири ва 20 асрнинг биринчи чорагида юз берган миллий уйғониш даври 18 асрда Европада кенг қулоч ёйган маърифатчилик ҳаракатига ўхшаш бўлса-да, биз уни бевосита Европадаги турли сиёсий ўзгаришлар таъсирида юзага келди дея олмаймиз. У мумтоз адабиётга, кўп жиҳатдан Навоий анъаналарига боғланган маърифатпарварлик адабиёти, сўнг миллий уйғониш кайфиятидаги татар, турк, озар адабиётлари таъсирида шаклланди. Айни жиҳатига кўра жадидчилик ўз маънавий илдизларига эга эди” (“XX аср бошлари ўзбек шеъриягининг янгиланиш тамойиллари. Янги ўзбек шеърияти контекстида”, “Академнашр”, Тошкент-2022 йил, 14-бет).

Айниқса, давлатчилик бошқаруви, миллий анъаналари, адабиёти, фольклори, фалсафаси, етишиб чиқсан алломалари билан дунё тамаддунида ўз нуфузига эга бўлган туркий халқлар ҳаётида, афсуски сўнгги асрларда рўй берган таназзул, улар яшаган худудларни мустамламлакага айлантирганди.

Ана шундай вазиятда, таназзулдан чиқиш, ҳарбий қудрат ва давлатчиликни қайта тиклаш учун таянадиган энг биринчи даражали қадам-таълимдан бошланиши 19 асрнинг охирларига келиб миллат ойдинларига аён бўлганди.

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

Радикализм, фанатизмдан воз кечиш орқали таълимни тараққиётга юксалтириш ва бунинг натижасида мустамлакачиликка қарши курашни юзага келтириш айни давр заруратига айланганди.

Тарихдаги реал вазиятдан келиб чиқиб, ҳақиқат нуқтаи назаридан эътироф этиш жоизки, бу борада хориждан, бироқ қардош турк халқи ойдинларининг таъсир кучи ҳам бўлган. Яъни жадидчилик ҳаракати ва бу жараён туркий мусулмон халқларни замонавий дунё тамаддуни, маърифати, илғор илмий салоҳияти даражасига қўтариш ғояси билан суғорилган ва бунга Усмонийларнинг туркий дунёдаги ўрни, нуфузи ҳам таъсир қилганди. Чиндан ҳам, Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-сиёсий тараққиётида бурилиш бўлган жараён, фақатгина Қrimдаги Иsmoил Гаспрали таълимоти билангина эмас, Усмонийлар салтанатидаги “Ёш турклар”нинг ислоҳотчилик фаолиятлари таъсири остида ҳам бурилиш босқичи бўлди.

Тарихдаги реал фактлардан бири шуки, айнан “Ёш турклар”нинг таъсирини шундан ҳам сезиш мумкинки, Ўрта Осиёдаги жадидлар “Ёш бухороликлар”, “Ёш хиваликлар” номи билан ўзларининг сиёсий ҳаракатини атагандилар. Ваҳоланки, бу сафдаги тараққийпарварларнинг кўпчилиги ўрта ёшдаги шахслар бўлишган. Масалан, Хоразмдан мисол келтирадиган бўлсак, Полвонниёзҳожи Юсупов 1914 йилда “Ёш хиваликлар” ҳаракатига асос солинган даврда 53 ёш, Бобоохун Салимов 37, Худойберган Девонов 35, Назир Шоликов 33 ёшда бўлишган. Ана шу мисоллардан ҳам билса бўладики, таълимдан бошланган жараённинг сиёсий ҳаракат, куч сифатида сиёсий майдонга келишида “Ёш турклар”дан таъсирланиш юқори бўлган.

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Шу тарзда, таълим соҳасидан бошланган ҳамда ижтимоий, сиёсий, маърифий ҳаракат сифатида жамиятнинг барча қатламларини қамраб олган ва Миллий Уйғонишга асос солган жадидчилик 1880-йилларида Россия мусулмонлари, хусусан Кавказ ва Волга бўйида ёйилган шу номдаги тараққийпарварлик ҳаракати сифатида пайдо бўлди. Бунда Қримлик Исмоил Гаспрали асос солган “Усули жадид” мактаблари ва “Таржимон” газетаси катта роль ўйнади ва ҳаракатга асос бўлиб хизмат қилди ҳамда унинг ғоялари Туркистон, Бухоро амирлиги, Хива хонлигига ҳам шиддат билан кириб келди.

Табиийки ҳар қандай янгилик, тараққийпарварлик ғоялари ҳали назария пайтидан бошлаб ҳар бир даврда тўсқинликларга учраган ва бунга тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шу тарзда жадидчилик ҳаракати пайдо бўлганидан бошлаб шаклланиши, ривожланиши давридан нафақат Туркистонда, балки Қримнинг ўзида, Исмоил Гаспралига нисбатан ҳам консерватив кучлар, мустамлакачилар томонидан турли тўсиқ қўйилган ҳолда, қаршиликлар қилинганди.

Шу билан бирга у даврнинг ўзида ва шундан бошлаб ҳозирги пайтгача жадидчиликга бўлган муносабат жамият ва илму фанда турлича бўлган. Яъни жадидшунослик, айни ҳаракатнинг ўзи билан тенгдош ҳамдир. Аниқроғи ўша давр матбуотида, хусусан “Таржимон”, ёки Туркистондаги дастлабки матбуот нашри “Тараққий” ва бошқа газета-журналларда жадидчилик ҳаракати, мақсаду вазифалари, ғоялари, ёки қадимчилар билан муносабати, шуларга оид воқеликлар, жараёнлар ёритиб борилган.

Тарих фанлари номзоди, доцент Неъматжон Полвонов ўша даврдаги жараёнларни тадқиқ қилган олим сифатида

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

Хоразм жадидчилигининг қуидаги жиҳатларига эътибор қаратган::

“Туркистон ўлкасининг бошқа худудларидаги каби Хива хонлигига ҳам жадидчилик ғояларининг тарқалиши ва янги усул мактабларининг очилишида татар миллатига мансуб зиёлиларнинг хизматлари катта бўлди. 1905 йилда Нижний Новгородда бўлиб ўтган мусулмонлар қурултойидан кейин улар Холисжон (Галисджан) Борудий раҳнамолигига Туркистон, Бухоро ва Хоразм билан алоқаларни йўлга қўйиб, бу ерларга ўз тарбияланувчиларни юбора бошладилар. Дастваб Борудий хон ва амалдорлар болаларини ўқитиш учун Биккулин Тавфиқ ва Юсуф Аҳмедовларни Хоразмга юборган (Ўзбекистон Миллий архиви, И-71-фонд, 1-рўйхат, 128-иш, 6-вараж). Бу пайтда Хива хонлиги худудида 8 та жадид мактаби бўлган.

Муҳаммад Раҳимхон Феруз фармонига мувофиқ 1904 йил 10 ноябрда Урганчда дастлабки янги усул мактаби очилган. Унда Истамбулдан келган Ҳусайн Кўшаев деган ўқитувчи ёшларга таълим берган. Қисқа вақтда ўқувчилар сони 55 тага етган. Ҳусайн Кўшаев ташаббуси билан 1906-1907 ўқув йилида илғор маърифатпарвар кишилар ва оқсоқоллар истак ва ёрдамлари билан Урганчда қизлар мактаби очилган. Ферузхон Урганчга бориб, мактаб иши билан танишиб, Ҳусайн Кўшаевга сарупо кийгазган, хазина ҳисобидан ёрдам ажратган.

Янги усул мактабларига дарс бериш учун келган жадид зиёлилари бу ҳаракат (жадидчилик)нинг отаси Исмоилбек Гаспрали ғояларини Хоразм халқи орасига ёйиш учун фидойилик кўрсатиб ишладилар. Улар ўзаро урушлар, Россия мустамлакачилиги сиёсати натижасида истибдодга, маънавий инқирозга юз тутган мусулмон халқлари хонадонларига маърифат чироғини ёқдилар.

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Тинч йўл билан, маърифат ва маданият орқали тузумни ўзгартириш, мустамлакачилик сиртмоғидан қутулиб, озодлик-истиқололга эришишни тарғиб қилган бу зиёлиларнинг яна бир хизмати улар Россиянинг турли шаҳарлари ва бошқа жойлар (Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Усмонийлар салтанати, араб мамлакатлари)да чиқаётган “Вақт”, “Иттиҳод”, “Таржимон”, “Юлдуз” газеталари, ва бошқа нашрлар, ҳамда қўпгина ижтимоий-сиёсий адабиётларни хонлик ҳудудида тарқатиб, ерли аҳолининг, хусусан зиёлилар сиёсий онгининг уйғонишига, дунёда юз бераётган воқеалардан боҳабар бўлишларига имкон яратдилар.

Хива хонлигида жадидчилик ҳаракатининг шаклланишига завод ва фабрикаларда, банк ва компанияларда, армияда хизмат вазифаларини бажариш ёки сургун муддатларини ўташ учун келган саводли, демократик кайфиятдаги кишилар ва уларнинг маҳаллий аҳоли билан алоқаси ҳам маълум даражада таъсир кўрсатди” (Н.Полвонов, “Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи” (1900-1924) ” (“Академнашр”, Тошкент-2011 йил, 36, 37, 38 бетлар).

Яъни, Исмоил Гаспралининг Кримдан, таълим соҳасидан бошланган жадидчилик ҳаракати бошқа туркий мусулмон ўлкаларда бўлгани сингари, Хоразмга ҳам кириб келди. Табиийки, жадидчилик ғояларига Хива хони Ферузхон, валиаҳд Асфандиёрхон, қозикалон Салимохун, Мамат маҳрам, бош вазир Исломхўжа сингари давлат арбобларининг ҳайриҳоҳлиги, мойиллиги боис Хива, Янги Урганч ва бошқа ҳудудларда жадид мактаблари ташкил топа бошлади.

Бора-бора таълимдан бошлаган ҳаракат бошқа ҳудудлардаги сингари маърифий ҳаракат, сўнгра эса ижтимоий, кейин бўлса сиёсий ҳаракат, партия –“Ёш

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси
хиваликлар” ташкилотининг вужудга келиши ва мустамлакачиликка қарши, давлатчиликни ислоҳ қилишдек сиёсий кураш марказига айланишига сабабчи бўлди.

1.2. “Таржимон” газетасида Хоразмга оид мақолаларнинг ёритилиши ва уларнинг тарихни ўрганишдаги аҳамияти.

Матбуотнинг тарихни ўрганишдаги аҳамияти катта бўлиб, бошқа манбалар-қўлёзма асарлар, архив хужжатлари, мемуарлар билан қиёсий таққослаш, тадқиқ қилиш орқали ўтмишда бўлган жараёнларни холис, ҳаққоний тасвирлашга имкон яратади. Қолаверса матбуот нашр этилган давр манзарасини орадан йиллар, асрлар ўтиб ҳам ўқувчи қўз ўнгидага яққол намоён қилувчи қўзгудир.

Айнан шу боисдан ҳам туркий мусулмон халқларда миллий уйғонишни юзага келтирган жадидчилик ҳаракатининг “Таржимон” газетаси ҳам ғоят катта аҳамиятга эга.

Дастлаб мактаб соҳасини ислоҳ қилиш орқали бошланган жадидчилик вақт ўтиб жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олди ва ўша даврдаги реал вазиятда ўз ғояларини тарғиб қилиш, оммалаштириш ва туркий халқларни жипслаштиришда матбуот, хусусан “Таржимон” нашри воситачи, умид кўприги вазифасини бажарган эди. Айнан ана шундай масъулиятли вазифани “Таржимон” газетаси тўлақонли бажариб ўзининг тарих, туркий халқлар олдидағи миссиясини бажарди ва бу борадаги дастлабки нашр бўлди. Ана шундай эзгулик воситачиси бўлган жадидлар лидери Исломил Гаспралиниң тараққий парварлик ғоялари руҳидаги

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

“Таржимон” газетаси 1883 йил 10 апрелдан Қримнинг Боғчасарой шаҳрида чоп этила бошлайди.

“Таржимон” газетаси чиқа бошлаганидан то 20 йил давомида Россия империясидаги ягона мусулмон матбуоти-эрку ҳуррият кўйчиси бўлиб қолди. Бу давр мобайнида газета ҳафтасига 1-2 марта кичик ҳажмда нашр бўлди. Лекин бу кичик газетанинг туркий миллатларга кўрсатган таъсири катта эди. “Таржимон”нинг таъсири остида Россия империясининг турли ҳудудларида мусулмонлар тарафидан кўп сонли янги мактаблар очилди, қўплаб хайрия жамиятлари ташкил этилди, ва ҳаттохи янгича руҳдаги жадид адабиёти шаклланди.

Бош муҳаррир Исмоил Гаспрали катта ҳаётий тажриба ва етук илмий салоҳиятга эга жуда моҳир сўз устаси эди. У газетадаги мақолаларни нашрга тайёрлашда ўқувчига мавзудаги моҳият тез, осон етиб бориши учун, жумлаларни содда, қисқа ва лўнда ифодаловчи услуг қўллади. Натижада барча туркий халқларнинг турли табақалари ҳам тушунадиган “Таржимон”нинг ўрта умумий турк тилини яратди.

Ўз даврида қанчалик туркий халқларнинг амирлари, хонлари бўлишига қарамай, дунёда эътироф этилган туркий халқлар лидери айнан Исмоил Гаспрали эди. У етук адаб сифатида бутун туркий миллатларни “Таржимон”нинг ягона адабий тили остида бирлаштиришни орзу қилди. Бунинг учун умрининг охири-1914 йилга қадар “Тилда, фикрда, ишда бирлиқ” шиори остида асорат, мустамлака ҳолга тушиб қолган туркийларни таназзулдан чиқариш учун курашди. Профессор Бегали Қосимов ёзганидек, “Исмоил Гаспрали тарғиб қилган тил ўз вақтида Қримда, Истанбулда, Тошкент ва Бокуда ҳам бирдек тушунарли эди”. Яъни

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

“Таржимон”ни даштдаги қозоғу, чўл сахро атрофидаги Бухоролику Хоразмлик, туркман ҳам, Қозонлик татару Эдил, Волга бўйларидағи бошқирду нўғай, Ўрта Осиёдаги қирғиз ҳам bemalol тушунар, мақолалар моҳиятидаги озодлик шабадаларини англашга уринарди.

“Таржимон” газетаси маҳаллий ва рус тилида чоп этилиб, бири иккинчисининг айнан таржимасидан иборат бўлган. Вақт ўтиб, И.Гаспрали мақолалардаги мавзулар доирасини ўзгартириб, газетани Россия империясидаги туркий мусулмон халқларининг миллий нашри даражасига эриштирди. “Таржимон” 1914 йил 11 сентябргача, яъни Гаспралининг вафотигача унинг ноширлиги ва бош муҳаррирлигида, вафотидан кейин эса ўғли Рифат ва сафдоши бўлган Ҳасан Сабрий томонидан чоп этдирилган. Газета 1903 йилдан ҳафтада икки, 1905 йилдан уч маротаба ва 1912 йилдан эса кундалик газетага айлантирилган ва жами бўлиб 2826 та сони чиққан. Россия империяси ва Усмонийлар империяси бўйича “Таржимон” обуначилари сони 5 минг нафаргача етган эди.

Обуначилар орасида Туркистоннинг турли ҳудудларидағи турли табақага мансуб инсонлар ҳам бўлишган. Хусусан Хива хони Ферузхону валиаҳд Асфандиёру, Бухоро амирларидан Абдулаҳад, Олимхонлар ҳам иштиёқ билан газетани кутишарди.

Маълумки, Туркистонда биринчи матбаахона 1868 йилда Туркистон генерал-губернаторлигининг Тошкентдаги округ штабида ташкил қилинганди. Бироқ матбаахона кичик бўлганидан унда босма имкониятлари чекланган эди. Шу боис матбаахонада Туркистон генерал губернаторлигининг турли буйруқ, иш ҳужжатларигина чоп этилиб борган. 1870 йилга келиб босмахона ускуналари кўпайтирилади ва генерал

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

губернаторликнинг рус тилидаги “Туркестанская ведомости” газетаси ташкил этилиб, нашр ишлари йўлга қўйилади. Ўша йили яна маҳаллий аҳоли учун “Туркистон вилоятининг газетаси” ҳам араб ҳарфида чоп этила бошлади. Табиийки ҳар иккала нашр генерал губернаторлик маҳкамасининг газетаси бўлганидан мустамлакачилик мафкураси ва ғоялари, тарғиботи асосидаги газеталар эди.

Ана шундай вазиятда “Таржимон” фақат Қрим, Волгабўйи, Кавказдаги мусулмонлар учунгина эмас, Туркистон ахли, шунингдек Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги аҳолиси учун ҳам миллий руҳдаги, зиёли қатлам севиб мутоалла қиласиган, мушоҳада юритадиган газетага айланди.

“Професор Зайнобиддин Абдирашидовнинг тадқиқотига кўра, “Таржимон” газетаси туркистонда “янги адабиёт”, “адабий тил” ва ниҳоят уларни тарғиб этадиган вақтли матбуотнинг шаклланишида жуда катта аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бу газета замонавий ўзбек адабиётининг шаклланиш ўзакларини тадқиқ этиш ва ўрганишда асосий манбалардан бири сифатида муҳим ўрин тутади. “Таржимон” газетаси Туркистон ўлкасининг географиясидан тортиб ундағи мавжуд сиёсий тузумлар, унинг ўтмишидан тортиб янги тарихигача, урф-одатидан тортиб тилигача қизиқди ва бу мавзуларда салмоқли ва ҳозирги илм-фан учун янги фактлар бера оладиган материалларни чоп қилди”(З.Абдирашидов, “Туркистонда жадидчилик” “Академнашр”, Тошкент-2023 йил , 84-бет).

“Таржимон”нинг ғоялари сабаб вақт ўтиб Туркистоннинг турли ҳудудларида “Тараққий”, “Хуршид”, “Ойина”, “Садойи Фарғона”, “Хуррият”, “Нажот”, “Турон”, “Эл байроғи” сингари жадид тараққийпарварлари

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

томонидан кўплаб газеталар чоп этилиб, уларда ҳам миллат дарди, жамиятни ислоҳ қилиш истаги, муаммоларга ечим сифатидаги таклифлар ёритилган мавзулар нашр қилинди. Натижада профессор Бегали Қосимов тадқиқ қилганидек, “ жадидчилик оқим эмас, ҳаракат. Ижтимоий, сиёсий, маърифий ҳаракат”даражасига етди.

1) Жамиятнинг барча қатламларини жалб эта олди. Уйғониш мафкураси бўлиб хизмат қилди;

2) Мустақиллик учун кураш олиб борди. Унинг ғайрат ва ташаббуси билан дунё қўрган Туркистон мухторияти бу йўлдаги амалий ҳаракатнинг дастлабки натижаси эди;

3) Маориф ва маданиятни, матбуотни ижтимоий-сиёсий мақсадларга мослаб чиқди” .

Айнан ана шу мақсадларга эришишда матбуот, хусусан “Таржимон” ва бошқа жадид газеталари катта роль ўйнади ва вақт ўтиб бугунги кунда тарихимизни ўрганишда энг аҳамиятли, таққослаб ўрганувчи манбага айланди.

Қrimda яшаб фаолият кўrsatgan va dunёning kўplab давлатларига сафарлар қилган жадидлар лидери ва “Таржимон” асосчиси Исмоил Гаспрали табиийки Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги вазият билан танишиб борди. Негаки, “Тилда, фикрда, ишда бирлик” шиори остида фаолият кўrsatgan Гаспрали туркий dunёning катта бир ҳудуди ва dunё цивилизациясига катта ҳисса қўшган ўлкага истиқболли минтақа сифатида қараган.

Эътироф этиб, тарихдаги нашрни бугунги ўқувчига яқинлаштирган ҳолат-филология фанлари доктори Зайнобиддин Абдурашидов ўзининг илмий фаолиятида жадидчилик ҳаракати ва “Таржимон”ни тадқиқ қилган

холда, газетанинг Туркистон билан боғлиқ библиографиясини нашр этдирди.

Професор З.Абдурашидовнинг таъкидлашича, “мазкур библиографияни тузишда профессор Ё. Оқпинар архивида сақланаётган “Таржимон” газетаси коллекциясидан фойданилган. Ушбу коллекция 1883 йилдан 1917 йилгача сонларини ўз ичига олади. Афсуски, газетанинг 1917 йилги сонлари тўлиқ эмас ҳамда 1918 йилги сонлари умуман мавжуд эмас. Профессор Ё.Оқпинарнинг ҳаракати билан газетанинг турли йиллардаги йўқ сонлари дунё кутубхоналари ва архивларидан топилиб имкон қадар тўлиқ ҳолга келтирилган. Мазкур коллекция ҳозирда “Таржимон” газетасининг тўлиқ архиви ҳисобланади.”

Маълумки, Хоразм тарихининг 19 аср охири ва 20 аср бошларидағи даврини ўрганиш, тадқиқ қилиш, қиёслашда Баёнийнинг “Шажарайи Хоразмшоҳий”, Полвонниёзҳожи Юсуповнинг хотиралари, шунингдек ўша даврдаги ижтимоий ва адабий жараён, бундан ташқари Ферузхон ва Асфандиёрхон саройидаги муҳит манзарасини теран англашда Бобожон Тарроҳнинг “Хоразм навозандалари”, Лаффасийнинг “Тазкираи шуаро” асарлари муҳим ўрин тутади.

Ёки 20 аср бошларидан жадидларнинг етук намояндаси Худойберган Девонов ҳам ўз фотосуратлари, кинолавҳалари билан Огаҳий ва Баёнийларнинг муаррихлигини кинотасмага муҳрлади. Бироқ “Таржимон” газетасидаги Хива хонлигига оид ёритилган мақолалар, лавҳалар айнан юқоридаги асарларда .кинотасмаларда йўқ маълумотлардан, шу пайтгача ҳаттоки тарихчилар ҳам билмайдиган ноёб воқелик, жараёнлардан иборат. Шу боис ҳам “Таржимон”

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси
газетасининг Хоразм тарихини ўрганишдаги аҳамияти каттадир.

Газетада чоп этилиб борган Хива хонлиги билан боғлиқ кўплаб мақола, хабар ва лавҳаларда Хоразм ва хоразмликларга оид кўплаб мавзулар ёритилган. Табиийки, Кримда яшаётган, аммо икки бора Туркистон ва Бухорода бўлган Гаспрали воҳадаги вазиятни Россиянинг турли ҳудудларида чоп этилган, шунингдек “Туркестанские ведомости”, “Туркистон вилоятининг газетаси”даги материаллар орқали кузатиб борган. Вақт ўтиб эса бевосита Хоразмдан ҳам маҳсус “Таржимон”газетасига мақола, хабар ёзадиган муҳбирлар этишиб чиқди. Шулардан бири Хоразмдаги жадид мактабида ўқитувчилик қилган Рамазон Сайдашев эди. Натижада “Таржимон” газетасида юқоридаги нашрлар ва Рамазон Сайдашевнинг мақола, хабарлари орқали Хоразмга боғлиқ кўплаб мақолалар ёритилди. Гаспрали баъзида Хоразмдаги жараёнларга оид ўзининг таҳлилий мақолаларини ҳам ёритиб борди. Бу борада Гаспрали ва Хива хонлиги бош вазири, тараққийпарвар, ислоҳотчи Исломхўжа ўртасидаги хат орқали фикрлашувлар ҳам катта аҳамият касб этди. Шулардан келиб чиққан ҳолда “Таржимон”газетасида Хоразм билан боғлиқ ҳолда ёритилган мавзуларни қуидаги турларга ажратиш мумкин:

- 1.Хива хони ва амалдорлари, валиаҳдининг Россия империясига сафари билан боғлиқ хабарлар;
- 2.Хон ва амалдорларининг Туркистон, хусусан Тошкентга ташрифига оид лавҳалар;
- 3.Хива хонлигидаги жадид мактаблари ҳолатига оид хабарлар.
- 4.Хоразмдаги ижтимоий-иктисодий, сиёсий вазият тўғрисидаги мақола, хабарлар.

5. Жадидчилик ҳаракати ва воҳада олиб борилган тараққийпарварларнинг ислоҳотларига оид мақолалар таҳлили.

Бироқ, 1883-1917 йилларга оид “Таржимон” газетасидаги 150 дан ортиқ мақолалар, хабарлар, лавҳаларда шу даврда кечган жараёнлар, воқеликлар ёритиб ўтилганки, бу тарихимизни ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “Таржимон”даги мақолалар, хабарлар, лавҳалар фақатгина Хоразмда фаолият қўрсатган жадид мактаби ўқитувчиси Рамазон Сайдашев ва бошқаларнинг маълумотларига асосланиб қолмасдан, Тошкент, Санкт Петербург, Оренбург, Қозондаги нашрлар асосида ҳам тайёрланган. Баъзида эса шу ва бошқа нашрлардаги мақолалар айнан кўчирилиб, баъзида эса “Таржимон” таҳририяти томонидан изоҳлар билан чоп этилган.:

“Туркистон вилоятининг газети”, “Туркестанские ведомости”, “Окраина”, “Санкт Петербургские ведомости” ва бошқа нашрлардаги Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига оид мақолалар бевосита “Таржимон”да чоп қилиниб турилган. Яъни Гаспрали уларни чоп этиш орқали турк дунёсини ва Ўрта Осиёдаги жараёнлар билан таништириб турувчи воситачи вазифасини ҳам бажарган.

Мақолалар сарлавҳаси ва мавзусидан ҳам кўриниб турибдики, уларнинг Хоразм тарихини ўрганишда аҳамияти беқиёс. Бу маълумотларни Баёний, Бобожон Тарроҳ, Лаффасий, Полвонниёзҳожи Юсуповнинг асарларидан ҳам топиб бўлмайди . Шу боис ушбу мақолаларни “Таржимон” газетасида Хоразмга оид мақола ва лавҳалар” номи билан китоб ҳолида чоп этиш, шу билан бирга “Исмоил Гаспралининг “Таржимон”

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси
газетасидаги мақолалар ва уларнинг Хоразм тарихини ўрганишдаги аҳамияти” мавзусида илмий тадқиқот қилиш зарурати бор.

Энди ушбу Хоразмлик илк журналистлар тўғрисидаги маълумотларга эътибор қаратсак:

САЙДАШЕВ РАМАЗОН-19 аср охири ва 20 аср бошларида Хоразмда фаолият кўрсатган педагог ва журналист. Рамазон Сайдашев Хивадаги дастлаб рус тузем, кейинчалик Мамат маҳрамнинг жадид мактабида фаолият кўрсатган.

Рамазон Сайдашевнинг мактабдаги педагогликлидан ҳам аҳамиятли томони Хоразмдан Қrimга-“Таржимон” газетаси бош муҳаррири Исмоил Гаспралига мақолалар ёзиб турганидир. Исмоилбек Гаспрали Рамазон Хоразмдан келган ҳар бир хабарни газетада “Хивадан мактуб” рукнида чоп этиб турган.”Мулла Рамазон”, Рамазон Сайдашев”, Р.Сайдашев” номлари билан воҳада кечаётган ҳар бир жараён, воқеликлар газетада нашр қилиниб турилган. Олдинлари Россия, Кавказ, Туркистондаги газеталар ва мухбирлар орқали ёритиб борилган Хоразм билан боғлиқ жараёнлар бевосита Рамазон Сайдашевнинг журналистлик фаолияти орқали Қrimда нашр этилиб, минглаб мухлислар ва турли ҳудудларга этиб борди. Рамазон Сайдашевнинг педагоглик ва журналистик фаолияти тарих фанида умуман тадқиқ қилинмаган.

УСМОНИЙ ҒОФУР-Хоразмдаги жадид мактабларида фаолият кўрсатган педагог ва журналист. XX аср бошларида Хива, Янги Урганч шаҳарларида жадид мактабларида ўқитувчилик қилган. Рамазон Сайдашевнинг таълим ва матбуот соҳасидаги шогирди.

“Вақт”, “Таржимон” газеталарида Хоразмдаги таълим, тиббиёт ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тўғрисидаги

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

мақолаларини чоп этдириб турган.Фофур Усмонийнинг ҳаёти ва фаолияти тарих фанида тадқиқ қилинмаган.

Гарчи ушбу иккала таълим ва матбуот фидойиларининг ҳаёт ва фаолиятлари тўлиқ тадқиқ қилинмаган бўлсаларда, уларнинг “Таржимон” газетасида чоп этилган мақолалари, Рамазон Сайдашев ва Фофур Усмонийларнинг Хоразмнинг биринчи журналистлари бўлганликларининг тасдиғидир.

Қолаверса Хоразмлик жадидларни етуқ намоянда, лидер даражасига чиқарган, дунёқарашини кенгайтирган, дунёдаги жараёнлар моҳиятидан воқиф қилган восита ҳам ўз даврида “Таржимон” газетаси эди.

Бундан ташқари, Қозонлик татару, Фарғона водийсию, Тошкентлик ва Самарқандлик, Эдилбўйи, Волгабўйидаги нўғайу, бошқирдга, ҳамда жамики туркий халқларга “Таржимон” газетаси Хоразмдаги жараёнлардан огоҳ қилиб борди. Шунингдек хоразмликларни ҳам Қрим, Москва, умуман олганда дунёда кечаётган воқеликлар моҳиятидан хабардор қилган ягона нашр кўп йилларгача “Таржимон” эди.

Вақт ўтиб эса “Таржимон” нашри Огаҳий, Баёний асарлари, Полвонниёзҳожи Юсупов мемуарларидана Хоразм тарихини ўрганиш, тадқиқ қилишда кўп аҳамиятга эга эканлиги аён бўлди.

Шу боисдан ҳам “Таржимон” газетасида ёритилган мақолаларнинг Хоразм тарихини ўрганишда аҳамияти катта эканлигини инобатга олиб, мақолалар мавзуси, изоҳларини келтириб ўтсак.

“Хива хони Муҳаммад Раҳимхон ва Бухоро валиаҳди Абдулаҳад Россия императорига қимматбаҳо совғалар ҳадя қилгани ҳақида”(10.06.1883 йил), “Хива хони ва Бухоро валиаҳди Москвадан Петербургга кетган; кўрганларидан ибрат олишлари кераклиги

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

ҳақида”(1.07.1883),” Хива хони Петербургда ҳар кун театр томошаларига боргани ҳақида” (2.08.1883), “Хива хони ва Бухоро валиаҳди Россияда кўрганларидан жуда ажабланган; Хива хони дарё пароходчилиги очиш ниятида”(25.08.1883), “Хива 1873 йилги уруш натижасида тузилган шартномага кўра 1885 йил учун Россия хазинасига 150000 рубл пул тўлаши лозим “ (21.10.1884), “Хива почтаси хусусида”(27.10.1884), “Хива ва Россия тиҷорий алоқалари; Петро-Александровск билан Хива орасида телеграф ва почта алоқаси йўлга қўйилиши ҳақида”, “Амударё ва Афғонистон тарафларида бўлган Бухоро ерларини Россия олиб, эвазига Хива ерларини берар эмиш; Хива хони норози бўлиб саёҳатидан қолгани ҳақида”(15.08.1886), “ Хива хонининг укаси Ашхобод, Тифлис ва Истанбул орқали Маккага кетгани ҳақида”(9.06.1887), “ Хивада хон тарафидан мактаб очилиб, унда болалар рус тили ўрганадилар; мактаб хон сармояси билан таъминланади; мактаб учун 34хонали бино қурилган; 2 йил олдин Хива хони дунёвий илмлар ҳам ўқитиладиган янги мадраса очмоқчи эди, бу ишнинг боши бўлса керак” (15.08.1887),” Темир йўл орқали юклар тез олиб борилишига қарамай Хивадан жўнатилаётган юклар эски усул, туялар билан жўнатилмоқда; бу усул темир йўлдан анча арzonлиги ҳақида”(6.09.1887), “Хива, Бухоро ва Туркистон далаларида бу йил пахта ҳосили жуда яхши бўлгани ҳақида” (6.09.1887), “Хива, Бухоро ва Туркистондан Макария бозорига борган тожирлар вилоят губернатори Бараповга ўз миннатдорчиликлари битилган ёрлиқ топширгани ҳақида” (14.09.1887), “Бухоро ва Хива Россия божхонаси ҳудудига киритилиши муносабати билан бу мамлакатларда давлат банкининг шўъбалари очилади; рус тиҷорати учун жуда яхши; чет эл молларини сиқиб чиқаради; Бухоро амири жуда ақлли

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

сиёsat олиб бораётгани ҳақида” (8.01.1888), “Хива хони Зйилдан бери эълон қиладиган Европа саёҳати бу йил ёз бошларида амалга ошиши ҳақида” (31.01.1888), “Кудрин ва ширкати Қўқон вилоятида пахта экишни якунлаган ва биринчи ниҳоллар чиққан; Хива хонлигида ҳам пахта экинзорлари 2 баравар кенгайгани ҳақида” (8.05.1888), “Хиванинг Россия билан тижорати ривожи туфайли хон Хивага телеграф олиб келишга қарор бергани ҳақида” (27.07.1888), “Хива шахзодаси Иноқ Муҳаммадёр Хива бекларидан Иброҳим ва хўжаси Ҳаким оталиқ билан Тошкентга келиб кетган; Тошкентни сайр қилган, гимназияда бўлган, дарслар билан танишгани ҳақида” (23.08.1888), “Кудрин Хивада пахта тозалаш заводи очган; хон бу ишдан жуда мамнунлиги ҳақида” (31.01.1889), “Ҳозирда мавжуд Тошкент, Бухоро, Чоржўй ва Керки телеграф йўлига Хива ҳам қўшилади; ёғоч камлигидан устунлар темирдан бўлиши ҳақида” (24.03.1889), “Кудрин ва ширкати хондан 12500 таноб ер ижарага олиб пахта эккан; Хивада пахта тозалаш заводи очилган ва уни газеталар Кудрин ва ширкати қурди деб ёзди; аслида завод хоннинг истаги билан қурилган; заводнингқурилган ери номуносиб кўрилиб, Хива тоҷирларидан Яъқуббеков тасарруфига ўтказилган ва Урганчга кўчиришга қарор қилинган; пахта иши тараққий етиб аҳолининг ҳоли ҳам яхшиланмоқда; бу йил сув тошқини сабабли пахта ҳосили ўтган йилгидан кам бўлгани ҳақида” (28.09.1889), “Туркистон генерал-губернатори барон Вревский пароход билан Петро-Александровск шаҳрига борган, Хива хони билан кўришган; музокара мавзулари: Амударёни эски ўзани бўйича Каспийга буриш; шаҳар яқинидаги Амударё қирғоқларини мустаҳкамламоқ, агар бу сув тошқинига фойда бермаса шаҳарни Хива тарафига кўчириш

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

ҳақида”(23.11.1890), “Руслар Хива билан тижоратларини кенгайтириш мақсадида Петро-Александровск шаҳрида катта карвонсарой қуришлари ҳақида”, (27.01.1891), “Хива, Бухоро ва Туркистон пахтасидан ҳар нарса ишлаш мумкин бўлганидан Россияга бу йил янада кўпроқ пахта олиб борилади ва чет элдан келтириладиган пахта камайиши ҳақида”, (2.04.1891), “Хива хони болаларга рус тили ўқитиш учун бир мактаб очган; Тошкент ўқитувчилар семинариясини тугатган Ҳусайн Иброҳимов мактабга муаллим етиб тайинлангани ҳақида” (30.08.1891), “Хива валиаҳди Тошкентга келиб губернатор билан учрашгани ҳақида” (19.09.1891), “Хива хони ва валиаҳди Россия ичкарисига саёҳат қилиши учун Петербургдан рухсат олган; Бухоро амири ҳам Россияга сафар қиласи, улар биргаликда саёҳатга чиқиши ҳақида” (27.09.1891), “Хива валиаҳди Асфандиёр тўранинг Туркистон губернатори билан учрашуви ҳақида” (27.09.1891), “Хива валиаҳди Тошкентнинг мусулмон қисмини зиёрат қилди, мадрасаларда бўлди, катта зиёфатда қатнашди” (18.10.1891), “Бухоро ва Хива халқи учун рус тили ўрганиш фойдали эканлигидан хонларнинг иродаси билан катта мадрасаларда маҳсус дарсхоналар очилиши ҳақида” (17.09.1892), “Бухоро амири ва Хива хонининг Россияга саёҳатлари сиёсий йўсинда эмас; Бухоро амирининг мақсади ўғлини ҳарбий мактабга жойлаш, Хива хони эса Европага саёҳат қилиши ҳақида” (25.10.1892), “Бухоро ва Хивадаги руслар Россия консулига тобеъ, бирор даъво иши бўйича бу маъмурга мурожаат қиласи; руслар кўпайиб ораларида ёмон иш қиладиганлари ҳам бор, уларни бадарға қилиш ҳуқуқи Туркистон генерал-губернаторига берилгани ҳақида” (25.03.1893), “Рязань-Урал темир йўли ширкати Уральск шаҳридан Амударёга қадар темир йўл қуришни ўйлаб бу

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

йили муҳандисларни жой кўриш учун юбориши ҳақида” (18.04.1893), “З-октябрда Туркистон генерал-губернатори барон Вревский Петро-Александровск шаҳрига келиб Хива хони билан учрашган; губернатор хон ва валиаҳд шарафига катта зиёфат бергани ҳақида” (29.10.1893), “Рязань-Урал темир йўл ширкати Уральск шаҳридан Хиванинг Кўнғирот шаҳрига қадар темир йўл қуриш ва Амударёда пароход юргизиш учун ҳукуматга мурожаат қилгани ҳақида”(7.11.1893), “Хива хони Туркистон генерал-губернатори билан кўришганда Петербургга бориб императорга валиаҳдини қўрсатиш ниятида эканлигини айтгани ҳақида “ (19.11.1893), “Хива хони 1894-йил ёзда Россияга сафар қилиши ҳақида” (26.11.1893), “Хива хонлигидан Россия ҳудудига кумуш танга олиб киришга император рухсат бергани ҳақида” (10.12.1893), “Хивадан Бухорога анча озиқ юборилган; Хива пахтасининг нархи баландлиги ҳақида” (21.12.1893),“Ёз бошида Хива хони Россияга бориши ҳақида” (10.04.1894), “Хивага темир йўл қуриши ҳақида “ (23.08.1894), “Хива хонининг укаси Сайийд Аҳмад Отажон тўра Тифлисда анча кун мусофири бўлгани ҳақида” (2.09.1894) , “Хивага бир форс тожири келиб, ҳамманинг ишончига кирган ва пул олиб ғойиб бўлган; хонга шикоят қилишган; форс тожирини олиб келган саррофни чақирирган ва барча харажатларни тўлашни юклаган; сарроф ҳам қўлидаги омонат пуллар билан ғойиб бўлгани ҳақида” (30.11.1894), “Рус муҳандисларидан Покарский Бухоронинг шарқида катта олтин конини аниқлаган; маҳаллий аҳоли олдиндан олтин олади, усул эски; у амирга мурожаат қилган, янги усул билан кўпроқ олтин олиш мумкин; император тахтга ўтирганлиги ҳақида Бухоро амирига шахсан ёзиб юборган, ташқи ишлар вазири Хива хонига ёзгани ҳақида” (11.02.1895),

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

"Тошкентга Исломхўжа бошчилигида Хива элчилари келиб кетгани ҳақида" (23.04.1895), "Хива хонининг Петро-Александровскдаги муқим вакили Муҳаммадюсуп Ясовулбоши хоннинг бизнинг номимизга айтган сўзлари ва ҳадяларини юборган, хон газетамиздан жуда мамнун" (28.01.1896), "Хива хонининг амри билан одамларнинг рус тожирларидан сотиб олган молларидан закот олинадиган бўлди, русларга бу ёқмади; Амударё губернаторига арз қилдилар, Хива ҳукуматидан жавоб олинди; 1873-йилгача Россиядан мол олиб келган хиваликлар бож тўлаган, руслар келгандан кейин аҳдномага мувофиқ рус тожирлари бож тўламайди, хиваликлар энди руслардан бу ерда мол олганлари учун закот тўлайди, руслар бу жавобдан қониқмаган" (3.03.1896), "Бухоро амири ва Хива хони катта ўғиллари билан тож кийим маросимига Москвага бориши ҳақида" (10.03.1896), "Императорнинг тож кийим маросимида иштирок етиш учун мусулмонлардан 100 га яқин одам келган, улар орасида Бухоро амири ва Хива хони ўз валиаҳдлари билан бирга боргани ҳақида" (5.05.1896), "7-майда Бухоро амири император билан учрашган, валиаҳд ҳам бирга, саройга кетиш тафсилотлари; шу кун Хива хони Муҳаммад Раҳимхон ва валиаҳд ҳам император қабулида бўлган, Хива хонига генерал лейтенант унвони берилгани ҳақида" (26.05.1896), "Тошкент, Хива ва Бухорода ийди қурбон 10-май жума куни бўлгани ҳақида" (26.06.1896), "Бухоро амири ва Хива хони Москвада бўлиб ўтган барча тадбирларга таклиф қилинган; амирга "Его величество", хонга "Его светлость" мартабалари ва яна Хива хонига Оренбург казак аскари генерал лейтенанти унвони берилгани ҳақида" (2.06.1896), "Бухоро амири ва Хива хони Москвадан Нижний Новгород кўргазмасига кетгани ҳақида" (30.06.1896), "Хива хони Москвадан Нижний

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Новгородга борган ва Хивага қайтган. Хивада биринчи марта нишон таъсис этилган ва уларни тайёрлашга Москвада буюртма берилгани ҳақида” (30.06.1896), “Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Нижний Новгород кўргазмасидан босма машинасини барча ҳарфлари билан сотиб олган ва Хива мадрасаларидан бирига вақф қилиш ниятида эканлиги ҳақида” (7.07.1896), “Хива хони Москвада бўлган вақтда Амударё эски ўзанига қайтаётганинни билдирган; комиссия юборилган; дарё Каспийга қуйилса арzon сув йўли очилиши ҳақида” (27.10.1896), “Амударёни Каспийга буриш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқловчи комиссия Хивага кетгани ҳақида” (3.11.1896), “Хивага борган комиссия Красноводскгача йўл қурилиши кераклигини таклиф килгани ҳақида” (3.11.1896), “Хивага темир йўл қурилиши учун маҳсус бир ширкат тузилгани ҳақида” (22.12.1896), “Хива экспедицияси феврал бошида Петербургга қайтади; унинг қарорига кўра, Амударёни Каспийга буриш мумкин, Оренбург-Тошкент темир йўлидан арzonроқ тушиши ҳақида” (14.01.1897), “Хивадан савдо моллари карvon йўли билан тўғри Красноводскка олиб бориладиган бўлди, темир йўл маркази бу шаҳарга кўчирилгани ҳақида” (24.02.1897), “Туркистон генерал-губернатори Бухоро амири ва Хива хони билан олиб борган сўзлашуви натижасида вабо тарқагани боис бу тарафлардан ҳажга боришга рухсат берилмагани ҳақида” (11.03.1897), “Хивадан карvon йўли билан Красноводск портига юқ олиб борилиши, тижорат илгарилаши ҳақида” (8.04.1897), “Мудофаа вазирлиги полковник С.Д.Геснет орқали Хива хонига бир қанча қиммат ҳадялар юборгани ҳақида” (26.05.1897), “Хивага рус аскари кирганига 25 йил тўлди; император амрига биноан урушда қатнашган

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

офицерлар тақдирланган; Туркистоннинг ҳамма ерларида байрам қилинган; "Таржимон": Хива истилоси катта воқеа; хонлик 4 тарафдан чўл билан ўралган, руслар ўтиб Хивага борди; маорифсиз, низомсиз ва силоҳсиз Хива русларга қарши кураша олмади, руслар келгани аҳолига ҳам яхшилик олиб келди"(5.06.1898), "Помирнинг Бухорога қарашли ерида инглиз сайёҳи қўлга олинган; Бухоро амири Андижон қўзғолонидан кейин қолган солдат етимларига 1000 рубл ва қатл қилинган темир йўл қоровули бевасига 600 рубл иона қилган; Хивадан Туркистон генерал-губернатори Духовскойни табриклаш учун Тошкентга элчи келган, бошлиқ валиахд Асфандиёр тўра, зиёфат берилгани ҳақида" (27.09.1898), "Хива элчиларининг Тошкентга сафари тафсилотлари" (11.10.1898), "Муҳандис Кендл Хивадан Красноводскка темир йўл қуриш учун рухсат олиш мақсадида ҳукуматга мурожаат қилгани ҳақида" (11.10.1898), "Саратов шаҳридан Хиванинг Кўнғиротига ва ундан Чоржўйга қадар темир йўл қурилади; Андижон уездидан қўзғолон қўтарган Минг тепа, Тожик ва Қошғар қишлоқлари бузилиши бошланди, аҳоли кўчирилган; 200 рус оиласи келтирилади, ерлар рус муҳожирларига бўлиб берилади; Тошкентдан Чимкентгача темир йўл қурилади" (6.04.1899), "Хонликда ўғрилиқ ва йўлтўсарлик кўпайган, воқеалардан баъзилар келтирилган" (16.05.1899), "Хивадан Каспий бўйигача қуриладиган йўл режаси Йўллар вазирлигига тақдим қилинган. Бир америкалиқ муҳандис Мирзачўлга Сирдарёдан сув олиб бориш режаси билан келган, сарфи 150 млн рубл" (22.08.1899), "Бухоро ва Хива пахталари ҳосили жуда кўп, экинзорлар 30% кўпайгани ҳақида" (22.08.1899), "Хива хони Россияга йиллик контрибуция тўлайди, бу йил 1480113 рубл топширилгани ҳақида", (3.12.1899), "1900-йилдан

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

эътиборан Хива Россияга контрибуция тўламайди, бу пуллар Хива тараққиёти учун ишлатилишини умид қиласиз” (20.12.1899), “Хива валиаҳди Асфандиёр тўра Петербургга саёҳат қилиши ҳақида” (12.06.1900), “18-июнда Хива валиаҳди Петербургга келди, кутиб олингани ҳақида” (28.06.1900), “Хива валиаҳдининг Петербургдаги ташрифлари ва учрашувлари тафсилоти” (7.07.1900), “Валиаҳднинг Петербургдаги учрашувлари ҳақида” (14.07.1900), “Туркистон янги генерал губернаторини табриклаш учун Хива валиаҳди бошчилигига элчилик Тошкентга келган” (31.03.1901);” Хива валиаҳди Тошкентда турли мактабларни, музей ва фабрикани зиёрат қилган, унга Ўқитувчилар семинариясида туркий тилга таржима қилинган китоблар совға қилинган” (8.04.1901); “Ўтган йил Хива валиаҳди Асфандиёр тўранинг Петербургга саёҳати тафсилотлари” (29.04.1901), “Мудофаа вазири Куропаткин Туркистон вилояти идораларини тафтиш қилмоқда, Чоржўйда Бухоро ва Хива маъмурлари тарафидан кутиб олингани ҳақида” (7.10.1901), “Хива валиаҳди хазинадан 40 минг рубл ажратиб Урганч ва Хивада почта ва телеграф ташкил этишга қарор бергани ҳақида” (25.01.1902), “Хивадан Тошкентга келаётган Туркистон генерал-губернатори Янги Бухорога келди, рус аҳолиси қаршилади, амир билан учрашиш учун Карманага кетгани ҳақида” (10.08.1902), “Туркистон буюк волийсининг Хива тарафина саёҳати” (10.08.1902), “Туркистон генерал-губернатори Ивановнинг Хива тарафларига саёҳати тафсилотлари, қайтишда Бухоро амири билан кўришуви ҳақида” (15.09.1902), “Императорнинг Хива хонига йўллаган мактуби, хонга “светлость” валиаҳдга “святельство” мартабалари берилган, хоннинг касаллиги туфайли тез соғайиши тилаги ҳақида” (7.01.1893), “15-январда Янги

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

Урганчда почта ва телеграф очилди; карвонсаройларнинг тор ва қоронғу дўконларидан чиқиб, Москва дўконлари кабилар қурила бошлади, машина ва янги ускуналар олиб келина бошланди, тараққиёт бошланди, валиаҳд бу ишларни ўз ҳимоясига олгани ҳақида"(24.01.1903), "Муҳаммад Раҳимхон тахтга ўтирганига 40 йил бўлди,adolатли, улмоларни ҳимоя қилиб келди, араб ва форс тилларидан кўп китобларни туркийга таржима қилдирди, хаттотлик тараққий қилди, уламодан домулла Салим Охун ва қози калон машҳур, мадрасаларда атрофдан келган талаба кўплиги ҳақида" (21.03.1903),"14-март куни Хива элчилари Тошкентга келган, баъзи маъмурлар қабулида, губернатор ҳузурида зиёфат, 17-март куни Хивага қайтгани ҳақида" (4.04.1903), "Хиванинг олинганига 30 йил тўлган, мамлакат ҳақида маълумот" (7.07.1903), "Хива ва бошқа ерларда бу йил пахта ҳосили яхши бўлади"(28.07.1903), "1.Хива хонлигига ерли танга ўрнига 20 копейклик рус кумуш тангаси муомалага киритилган, тез тарқалди. 2) Шоҳобод атрофида чигиртка тарқаган, кўп экинларни еб битирган" (22.09.1903)," Бу йил пахта ҳосили яхши, вабодан 8 мингга яқин одам ўлди, валиаҳд январда Петербургга боради, совғалар тайёрланмоқда; "Таржимон":вабодан емлаш мумкин, Хивада маълум эмасми?" (24.11.1903),"Хива хони тарафидан валиаҳд бошчилигига Петербургга элчилик юборилгани ҳақида" (27.01.1904), "Хива валиаҳди Петербургга яхши бориб келганларига ташаккур билдириб Туркистон генерал губернаторига телеграмма юборгани ҳақида"(19.03.1904), "Хива хони уруш мажруҳларига 3000 рубл иона етгани ҳақида" (16.07.1904), " Император валиаҳди туғилган куни муносабати билан Бухоро амири 100 минг рубль иона қилган эди, Хива хони рус аскарига 2000 тўн ҳадя

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

қилгани ҳақида” (31.08.1904), “Хивада тараққиёт унсурлари, завод, фабрикалар янги усул машиналари билан жиҳозланган, европача бинолар, кўчаларда фойтуналар, бу йил ҳаво жуда яхши, ҳосил ҳам яхши эканлиги ҳақида” (12.10.1904),” Туркистон генерал-губернатори Хива элчиларини қабул қилган, хон “Қизил хоч” жамиятига анча маблағ иона қилган, Хива савдогарлари 300 тўн бергани ҳақида” (12.10.1904), “Урушда ҳалок бўлган аскар оиласига Хива хони 5 минг рубл иона қилган” (5.04.1905), “Туркистон генерал губернатори Амударё вилоятига борганда Хива хони валиаҳд билан бирга келиб учрашган, зиёфатлар берилгани ҳақида”(5.08.1905), “Император Хива хонига қўкракка тақиладиган олмосли портретини бергани ҳақида” (27.09.1905), “Хива валиаҳди бошлилигида элчилик Тошкентга келгани ҳақида” (24.03.1906),”Хива хони хайр ишларга ишлатиш учун Туркистон генерал губернатори хотинига 1000 рубль юборган” (31.07.1906); “Хива хони 63 ёшга тўлади, катта зиёфат ва тўйлар бўлади, валиаҳд ва вазирлардан Исломхўжа тайёргарликка бош бўлмоқда, ҳар хил томошалар ҳам бўлади; ”Таржимон”:хонни ва Хива халқини табриклайди, Хива қадимдан илм маркази, бу замонда ”Мадрасаи диния ва ҳунария” бўлса барча бундан ҳам хурсанд бўларди, биз ёрдам беришга тайёрмиз” (12.01.1907),”Хива валиаҳди усули савтия мактаби очдириш учун Барудий мадрасасини тамомлаган икки муаллимни чақиртириди, 25-февралда келдилар, келишлари билан мактабда дарс бошлаганлари ҳақида” (30.03.1907), “Хива валиаҳди янги губернаторни табриклаш учун Тошкентга келиб кетгани ҳақида” (13.04.1907),” Машҳур Хива шоири Муҳаммад Ризо Мироб Эрниёз ўғлининг шеър ва ғазаллари тўпланиб ”Таъвизул-ошиқийн” номида девон чоп етилди,

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

Хива хонига тақдим қилинди, хон ҳадялар берган, ушбу китобни 1000 нусхада чоп қилиб тарқатилса яхши бўлар эди, бир парча шеър келтирилган" (27.09.1907), "Хивалик шоир Муҳаммад Ризо Мироб Эрниёз ўғлиниң "Таъвизул-ошиқийн" девони Хива хони ёрдамида босмахонада чоп етилди, Хивада усули жадид мактаби, босмахона очилиши буюк тараққийдан далолат эканлиги ҳақида" (21.12.1907), "Хивада усули жадида мактаблари". 1898-йил декабрда Оренбургдан Муҳаммад Рифо Карвонбоши билан муаллим Абдураҳмон афанди Хивага келди ва бир ой турди, таассуб қучлилигидан Урганчга кетди ва усули савтия мактаби очиб, 1 йил бола ўқитди, вафот этди, кейинроқ Муҳаммад Маҳрам очган мактаб халқ тарафидан яхши қабул қилинди ва халқ 1907-йили валиаҳдга мурожаат қилди, яна Муҳаммад Рифо Карвонбоши воситасида Қозондан икки муаллим келтирди, мактаби маҳрамий ва мактаби жадидага муаллим қилиб тайинланди, бу мактабларга нозир тайинланди, май ойида имтиҳонлар бўлди, валиаҳд буларни кўриб Қозондан бир муаллим чақириб яна 1 мактаб очди, келаётган май ойида рушдия мактаби очилади, унинг соҳиби вазирлардан Исломхўжа, муаллими Аҳмад Нуриддин; "Таржимон": валиаҳднинг маорифпарварлиги тарихга битилади" (18.01.1908), "Ўтган йил Хива хони Қозондан икки муаллим чақириб 2 усули жадид мактаблари очган, муаллимлар Юсуф ва Ҳусайн афанди, 4-5 ой ўтгач имтиҳонлар бўлди, Ҳусайн афандининг мактаби яхши натижалар кўрсата олмади, уни ишдан бўшатди, янгидан Қозондан 3 муаллим чақирилди, улар ишга жиддий киришдилар" (4.04.1908) "Бухоро, Хива ва туркман вилояти ҳақида маълумот йиғиши учун Петербург олимларидан Самойлович Тошкентга келгани ҳақида" (1.07.1908), "Россия билан

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

инглизлар орасидаги битилган музокаралар натижасида Бухоро ва Хива хонликлари Россиянинг сиёсати остида бўлишига келишилган, кейин рус божхоналарининг афғон чегараларига олиб келиниши натижасида иқтисодий мустақиллигини ҳам йўқотди, Бухоро рус консулининг рухсатисиз сиёсий, иқтисодий ва адлий ишларни амалга оширолмайди, буни бориб қўрган одам дарҳол сезади, Бухоронинг келажаги ҳақида фикрлар” (30.06.1909), “Хива хони қаттиқ касаллиги ҳақида” (11.06.1910), “Бухоро ва Хива ҳукмдорларидан нишон ва ҳадя олиш рус маъмурларига император тарафидан таъқиқланди, ҳукмдорлар хизматидан бўлганларгина олиши мумкинлиги ҳақида” (16.07.1910), “Хива валиаҳди Сайид Асфандиёр тўрага император тарафидан генерал майор унвони берилгани ҳақида” (6.08.1910), “Нижний Новгород ярмаркасида Бухоро ва Хивадан келтирилаётган қоракўл териси тижорати ҳақида” (13.08.1910), “Ўтган ҳафта Хива хони вафот этган, таҳтда бўлган вақтининг қисқа тарихи, Асфандиёрнинг хон таҳтига ўтириши ҳақида”, (3.09.1910), “Тошкентда чиқадиган “Ташкентцкий Куръер” газетасидаги Бухоро ва Хива хонликларни тугатиб губернаторлик ёки вилоятга айлантириш вақти келган мазмунидаги мақолага эътиroz” (3.09.1910), “Хиванинг янги ҳукмдори номаи олия эълон қилган ва давлатда ислоҳотлар амалга оширилиши айтилгани ҳақида” (29.10.1910), “Самарқанд губернатори Хивага борган ва хонга император тарафидан “светлость” лақаби берилганини билдиргани ҳақида” (28.01.1911), “Хива хони ва савдогарлари Еттисув вилоятида зилзиладан зарар қўрганларга 6 минг рубль иона қилган; Хиванинг янги хони мамлакатнинг ҳар тарафига телеграф симлари тортишга қарор қилгани ҳақида” (11.03.1911), “1) Хиванинг янги хонини

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

табриклиш учун Самарқанд губернатори Галкин бошчилигига бир ҳайъат Хивага борган, императорнинг хонга "светлость" мартабасини бергани билдирилган, зиёфат берилган, хон император номига Галкинга ташаккурнома хати берган; 2) Хива янги хони май ойида Петербургга, император ҳузурига боради, вазир Исломхўжа бирга боради; 3) Хиванинг янги хони ислоҳотларни молия ишларидан бошлаган, патент солиғи икки баравар ошган, ердан олинадиган солик ер майдони ва ҳосилига қараб олинадиган бўлди, кузда барча экин майдонлари ўлчаниб, танобига янги солик белгиланади, туркманлар бунга қарши, рус аскарлари хонга ёрдамчи бўлади; 4) Молия ислоҳоти амалга ошгач Хива хазинасига 2 млн рубл ортиқча тушади, 1 млн рубли маориф ватадрис ишларига сарф етилади, ҳозирда 200 минг рубл"(11.03.1911), "Хива хонининг амри билан мамлакатда телефон тармоғи қурилиши бошланган" (11.03.1911),"Хива хони май ойида Петербургга сафар қиласи, қайтишда Қrim ва Кавказга келиши ҳақида" (29.04.1911),"6-майда Хива хони Петербургга келган, катта давлат маъмурлари билан учрашган, император қабулида бўлган, генерал-майор даражаси ва "баёз қартол" нишони берилгани ҳақида"(3.06.1911), "1. Бухоро ва Хиванинг янги хонлари Петербургга келиб император қабулида бўлди, берилган зиёфатлар оталарига берилганидан кам эмас эди, икки хон тахтга ўтиргандан бери мамлакатларида ислоҳотларни амалга ошироқда, Бухоро ва Хиванинг ислоҳи ва тараққийси учун икки муҳим шарт бор: русга қарши бўлмаслик, аҳолига маъқул бўлиш, қилинадиган ишлар саналади" (24.06.1911), "Хива хони Хивада 150 кишилик касалхона қуришга қарор берган, Москва касалхоналари тузилмасини кўриш учун шаҳар бошлиғига мурожаат қилган, вазир билан кезган,

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

куриладиган касалхонага 100 минг рубль кетиши ўрганилгани ҳақида” (24.06.1911), “Бухоро амирининг ўғли Қозон аскарий армиясига ва Хива хонининг ўғли Оренбург казак аскарий армиясига қайд қилингани ҳақида” (21.10.1911), “Хива хони молиявий ислоҳот ўтказишга фармон берган эди, мулк ва бойлик нисбатига қараб солиқ олиш, хон сафардалигида 7 бой маъмурлар хоннинг бу фармони шариатга хилоф, деб фитна чиқаришган, туркманларни ҳам солиқ тўламасликка тарғиб қилишган, хон қайтгандан кейин ҳамма нарсани аниқлаб, фитначиларга тегишли жазоларини бергани ҳақида” (1.01.1912), “Хива вазирларидан Саййид Исломхўжага ҳукуматга садоқат хизмати учун хон тарафидан “Вазири акбар” даражаси берилган, Исломхўжа Хивада таъсисоти хайрия вужудга келтириш учун ўзидан 100 минг рубл иона етгани ҳақида” (24.02.1912), “Хива хонининг даъвати билан Хивада янги усусли катта хастахона ва бир неча кўприк ва бошқа шу кабилар қурилиши учун Москвадан архитектор Роп келган, қилинадиган ишлар учун 1 млн рубль ажратилган” (2.03.1912), “Бухоро ва Хива хонликларининг Россия истилосидан бери бўлган тарихларига бир назар” (29.06.1912), “Хивада Янги Урганчдаги мадраса қошида русча ўқитмоқ учун шаҳодатномали бир мусулмон муаллим керак, уйланмаган бўлиши керак, ойлик 50 рубл, ётиш жойи тайин, йўл пули берилади, Салимжоновга Баққоловномига телеграмма бериш керак” (13.10.1912), “Хива шаҳрида почта ва телеграф очилган, олдин Янги Урганчга, 60 верст масофага борилар эди” (21.11.1912), “Бухоро ва Хива хонликларига нисбатан Россиянинг сиёсати таҳлили” (22.12.1912), “Хива хонига император фармони билан “Олият” унвони берилгани ҳақида”(23.02.1913), “Бухоро амири ва Хива хони

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

Романовлар сулоласига 300 йил тадбирларида иштирок етиш учун пойтахтга келгани ҳақида” (26.02.1913), “Хива хони мамлакатида ер ва солик тизимини бир низомга келтирмоқчи, ердан олинадиган солик ер миқдори ва сифатига қараб белгиланади, хон бир муддат олдин руслардан бу борада маслаҳат ва ёрдам сўраб мурожаат қилган, руслар таклифни қабул қилиб керакли мутахассисларни юборгани ҳақида” (28.02.1913), “Рус бойларидан бир нечаси Хивага ва ундан Бухорога қадар темир йўл қурдириши ҳақида” (30.04.1913), “Хива шаҳрида мусулмон қироатхонаси ва почтахона очилгани ҳақида”(15.06.1913),“Бухоро ва Хива аҳолисининг тараққийси учун лозим бўлган нарсалар ва тавсиялар” (29.06.1913), “Хива хони русча мактаб биноси учун 3 минг рубль хайр қилгани ҳақида” (19.07.1913),“Хива ва Бухоро хонликларида ислоҳотларни амалга ошириш кераклиги ва айрим насиҳатлар” (17.08.1913), “Хива бош вазири Исломхўжа қатл қилинган, унинг қилган ишлари, ҳаёти” (25.08.1913), “Хивада қурилган касалхонага Саратовдан доктор чақирилган, йилига 9000 рубл маош, Тошкентдан сарой ва хастахонада табиблиқ қилиш учун мусулмон тўралардан Жаъфар Исфандиёровнинг қизи Марям хоним таклиф қилинган, бу қиз Петербургда табибликни битирган” (21.09.1913), “9-августда ваҳшиёна ўлдирилган Хива бош вазирининг расмини берган, қотиллари аниқланмагани ҳақида” (26.09.1913), “Марҳум Исломхўжа ўрнига тайинланган ўғли янги усул мактабларни ёптиргани ҳақида” (28.11.1913).” Сайийд Исломхўжанинг расми, қилган ишлари тафсилоти” (18.12.1913), “Рус фабрикалари пахтага муҳтоҷ, ҳукумат Туркистондаги барча бўш ерларга пахта экиш тарафдори, ариқлар орқали сув олиб бориш, бу Бухоро ва Хивага ҳам таъсир етмоқда, булар ҳам чўлларга сув олиб бориш тарафдори,

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

бу масалада Туркистон генерал губернатори билан ҳарбия вазири орасида ихтилоф чиққан, вазир Россиядан рухсат олинмагунча губернатор янги ариқлар қазишига рухсат бермаслиги кераклиги ҳақида” (15.01.1914), “Хива хонининг расми Самойловичга тақдим қилинган асл нусхадан босилган, маорифпарварлиги, ислоҳоткорлиги ҳақида” (8.02.1914), “Хива хони тарафидан амалга оширилган ишлар, Россиядан буғдой келтириб тарқатган, янги усул мактаблари очган, европача усулда хастахона қурдирган, почтахоналар, яқинда катта мадраса қуришга киришган, кутубхона ва қироатхонасибўлади, зироат соҳасида, ариқлар тозаланди, сув етарли” (3.04.1914), “Хива мусулмонлари уруш мажруҳларига 500 рубль йиғиб юборгани ҳақида” (2.05.1914), “Комил Мутиъий 17-апрелда Янги Урганчда концерт берган, халқ жуда кўп эди, эртасига нўғойлар масжидида имомлик қилиб жуда гўзал ваъз этгани ҳақида” (6.05.1914), “Ўтган йил исён қилган Ёмут туркманларига қарши жангда ўзини кўрсатган Шайхназар “Ясовулбоши” этиб тайинлангани ҳақида” (25.05.1914), “Туркманларнинг ёвмуд қабиласи исён кўтарган эди, тинчтилди, қочиб келган аҳоли жойларига қайтарилди” (19.06.1915), “Хивада таълим, мактаб, мадраса ҳаётлари, вақфлари ҳақида” (15.08.1914), “Хива хонлигида илк черков Янги Урганчда бу кунларда очилди ва ишлай бошлагани ҳақида” (12.11.1915), “Хива валиаҳди Саййид Темурғози тўражон 18-январда 13 ёшида вафот этган, кейинги валиаҳд Саййид Бобожон тўра З ёшда” (29.01.1916), “Сенат тарафидан фармон чиқарилиб, император тасдиқлаган, Хивада тартибни муҳофаза қилиш ва Амударё бўйида тинчликни таъминлаш учун мазкур ерларда идораиъ урфия (ҳарбий ҳолат) эълон этилади, сенат бу хусусда лозим тадбирларни кўриб чиқиши керак” (12.03.1916), “Хива

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

хони ер ва солиқ тизимида ислохот ўтказиб бир низомга келтириш ишларини бошлаган, бунинг натижасида туркманлар солиқ тўламаслик учун исён қўтарган, рус аскарлари киритилгани ҳақида” (24.03.1916), “Туркистон генерал губернатори Куропаткин Хива ва Бухородаги русларнинг аскарликка олиниши ҳақида буйруқ бергани ҳақида” (3.09.1916).

Ана шу мақолалар мавзуси ва изоҳидан кўриниб турибдики, И smoил Гаспрали туркий мусулмон халқлари, шу жумладан Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги жараёнларни қузатиб турган ва Россия империясидаги қайсики нашрда бу ҳудудларга доир мақола чоп этилган бўлса, уларни “Таржимон”да кўчириб босган. Баъзида эса изоҳ бериб, ўз фикр мулоҳазаларини ҳам билдириб турган.

Мақолалар мавзусидан ҳам кўриниб турибдики, уларнинг Хоразм тарихини ўрганишда аҳамияти бекиёс. Бу маълумотларни Баёний, Бобожон Тарроҳ, Лаффасий, Полвонниёзҳожи Юсуповнинг асарларидан ҳам топиб бўлмайди . Шу боис ушбу мақолаларни “Таржимон” газетасида Хоразмга оид мақола ва лавҳалар” номи билан китоб ҳолида чоп этиш, шу билан бирга “И smoил Гаспралининг “Таржимон” газетасидаги мақолалар ва уларнинг Хоразм тарихини ўрганишдаги аҳамияти” мавзусида илмий тадқиқот қилиш зарурати бор.

II БОБ. ХОРАЗМ ЖАДИД НАМОЯНДАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ, ЖАМИЯТДАГИ НУФУЗИ ВА ТАРИХДА ТУТГАН ЎРНИ.

2.1. Хоразмдаги жадидчилик ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари.

1873 йилдаги Россия босқинидан кейин мустақилликнинг йўқотилиши, сиёсий ҳукуқсизлик ва адолатсизлик табиийки вақт ўтиб бора-бора бутун жамият аҳлини Россия империясига қарши кучли мухолифатга айлантирди. Мустамлакачиликка қарши курашга интилган шахслар асосан маҳаллий юқори табақаларнинг илғор вакиллари бўлиб, озодлик ғоялари борган сари реал вазиятга қараб кучли сиёсий ирода, қаътиятли кучга айлана бошлади. Уларга куч қувват, сиёсий ирода берган ҳолат дунёдаги кескин ўзгаришлар ва буларнинг Россия империясига таъсири натижасида мустамлакачиликнинг ожизлана бошланиши эди. Қолаверса Исмоил Гаспралининг жадидчилик ғоялари Хоразмлик таракқийпарварлар сиёсий фаолиятининг асосини ташкил этарди.

Хоразмдаги жадидчилик ҳаракатининг намояндадаридан бири Полвонниёз ҳожи Юсупов ўзининг хотиралардан иборат мемуарида шу даврдаги сиёсий воқеликлар, зиддиятли жараёнларни ёритиб ўтган эди.

Маълумки, барча туркий мусулмон ўлкаларда бўлгани сингари жадидчилик ҳаракати Хива хонлигига дастлабки даврда-яъни 19 аср охирларида таълим соҳасидан бошланди. Фақатгина 20 аср бошларидангина жадидчилик Хоразмда ижтимоий-сиёсий жараёнга

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси
айланди. Табиийки бу жараён нафақат Ўрта Осиё, балки дунё давлатларидаги вазият билан боғлиқ эди.

Қолаверса Ферузхон ҳукмронлигининг сўнгги 10 йили, (яъни 1900-1910йиллар) ва Асфандиёрхон ҳокимиятдалигининг дастлабки З йиллик даврида, яъни 1900-1913 йилларда хонликка бош вазирлик қилган Сайд Исломхўжа (1872-1913) ҳам жадидларнинг раҳнамоси бўлган. Исломхўжа тараққийпарвар бош вазир сифатида, жадидлар лидери Исмоил Гаспралига бир неча бор хат орқали мурожаат қилиб, ғоявий маслаҳатлар олиб турган. Ана шу боис ҳам, яъни бевосита бош вазир Исломхўжанинг тараққийпарвар эканлиги боис ҳам хонликда жадидчилик ғоялари амалиётга айлана бошланади.

Натижада Исломхўжа ва Асфандиёрхоннинг ҳам 1913 йилгача бўлган даврда таълим ва маърифатпарварликдан бошланган жадидчилик ғояларини қўллаб қувватлаши туфайли хонликда кўплаб ислоҳотлар ўтказилди.

Маълумки жадидчилик давлат, тузум, бошқарувни ислоҳ қилиш ва миллатни ривожлантириш орқали жамиятни янги тараққиёт босқичига олиб чиқишни мақсад қилиб қўйган ғоя ва аниқ амалий тадбирларни ўзида мужассамлаштирган тизим эди.

Табиийки бу жараён туркий мусулмон халқларни замонавий дунё тамаддуни, маърифати, илғор илмий салоҳияти даражасига кўтариш ғояси билан суғорилганди. Яъни Ўрта Осиё халқлари ижтимоий тараққиётида бурилиш бўлган жараён, фақатгина Кримдаги Исмоил Гаспрали таълимоти билангина эмас, Усмонийлар салтанатидаги “Ёш турклар”нинг ислоҳотчилик фаолиятлари таъсири остида ҳам бурилиш босқичи бўлди.

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Қолаверса Туркистон, Бухоро ва Хивада кечган бу жараён чоризм мустамлакачилиги асоратидан қутилиш имконини ҳам яратишга замин ясаган эди. Шунингдек миллий зиёлилар, тараққийпарвар кучларни хонликлардаги инқирозли аҳвол, бу ўлкаларнинг умумжаҳон тараққиётидан тобора ортда қолаётгани, жамиятни ислоҳ қилиш ғояларининг уйғонишига ҳам сабабчи бўлди. Натижада жадидлар томонидан бундай эзгу ғояларни назариядан амалиётга айлантириш учун фақатгина мактаб, матбуот, театр, турли маърифий жамиятларгина эмас, ҳаттоқи сиёсий партиялар (“Ёш бухороликлар”, “Ёш хиваликлар”) таъсис қилиниш даражасига эришилди.

Ана шундай жараёнда Хоразмдаги жадидчилик ҳаракатининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, бошқа ҳудудлардан ажralиб турадиган жиҳатларга эга бўлган.

Бу фарқли жиҳатлар қуийдагилардан иборат:

1.Хивада 1874 йилдан бошлаб шахсан Ферузхоннинг ҳомийлиги билан кўплаб бадиий ва таржима асарлари, ҳужжатлар чоп этиладиган , Эронлик Иброҳим Султоннинг матбаахонаси ташкил қилинган, уста ўз юртига қайтиб кетгач Отажон Обдалов унинг ишини давом этдираётганди. Бироқ 20 аср бошларида Туркистоннинг турли ҳудудларида кўплаб жадидчилик ғоялари акс этган газета-журналлар нашр қилинсада, Хоразмдаги матбаахонада то 1920 йил 8 марта биронта матбуот нашри фаолият кўрсатмади. Яъни матбуот то монархияга асосланган хонлик тугатилиб Хоразм Ҳалқ республикаси ўрнатилмагунча ташкил этилмади.

2. Хоразм воҳасида азалдан мусиқа ва санъатга ихлосмандлик аҳоли орасида кенг тарқалган бўлсада, бу борада санъаткорларнинг театрга жипслashiши ва

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

пьесалар саҳналаштириши ҳам рўй бермади. Яъни Беҳбудий, Авлоний, Фитрат сингари жадид драматурглари етишиб чиқмади ва театр ҳам то хонлик тугатилгач-1922 йилдагина ташкил этилди.

Маълумки, Хива хони Ферузхон (1844-1910) маърифатпарвар ҳукмдор бўлишига қарамай, ўз саройига ижодкорларни тўплаб уларга ҳомийлик қилсада, халқ оммаси учун зарурат, эҳтиёж бўлган биронта матбуот нашри ва театр ташкил қилмади.

Қолаверса кўплаб ижодкорлар ва санъаткорлар томонидан матбуот, театр ташкил этиш бўйича ташаббус қўрсатилгани ўша даврга оид Лаффасийнинг “Тазкираи шуаро”, “Бобожон Тарроҳ Ходимнинг “Хоразм навозандалари”, Полвонниёзҳожи Юсуповнинг хотираларида, Бобожон Сафаровнинг “Хива хонлиги бўйича тарихий маълумотлар” (ЎзРФА ШИ. инв. №10231) ва яна шу муаллифнинг “Асфандиёрхон ҳукмронлик қилган даврларда бўлиб ўтган баъзи бир воқеалар ҳақида” (Ўз РФАШИ, Ф-№ 11254/III) қўллёзмаларида қайд этилмаган.

Ферузхоннинг 1910 йилдаги вафотидан сўнг ҳокимиятга келган Асфандиёрхон ҳам шоир бўлсада, отаси сингари биронта газета-журнал, театр ташкил этишга ҳаракат қилмади. Ваҳоланки, бу пайтлари 20 асрдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар тезлашган бўлиб, Туркистоннинг турли худудларида Хива хонлигидан фарқли равишда кўплаб матбуот нашрлари, театр трупалари фаолият қўрсатар эди.

Бироқ шундай бўлсада, 19 асрдаги Хоразмда яшаб ижод қилган шоир, тарихчи, таржимонларнинг кўплиги, уларнинг асаларидағи ғоялар ва ташқи савдо-маданий алоқалар жамиятда илғор фикрли, тараққиёт тарафдорлари бўлган кишилар гуруҳи-

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

маърифатпарварларнинг шаклланишига, яъни жадидчилик ғояларининг етишиб чиқишига замин ясади.

Тарих фанлари номзоди, доцент Неъматжон Полвонов ўзининг “Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи” (“Akademnashr” нашриёти, Тошкент-2011 йил) рисоласида Хоразм жадидчилигининг бошқа худудлардан фарқли жиҳатларининг яна бириси бу ғояни қўллаб қувватлаган инсонларнинг бой-бадавлат инсонлар эканлигига эътибор қаратган эди.

Яъни, хонлиқда катта таъсирга эга бўлган қозикалон Бобоохун Салимов, девонбегилар сулоласига мансуб Ҳусайнбек Матмуродов, Асфандиёрхоннинг қайноталари - шоир Комил Хоразмийнинг мирзабоши эканлиги, Исломхўжадек ислоҳотчининг бош вазирлик қилиши, Полвонниёзҳожи Юсупов, Назир Шоликоровларнинг катта савдогарлиги, Худойберган Девонов, Жуманиёзҳожи Бобониёзов, Мулла Жуманиёз Султонмуродов ва бошқаларнинг ҳам бой-бадавлат табақага мансуб эканлиги, улардаги маърифатпарварлик Хоразмдаги жадидчилик ҳаракатининг ўзига хослигини ташкил этган эди. Яъни Хоразм жадидчилик ҳаракатининг ушбу намояндалари вазият тақозаси боис фақатгина мактаблар ташкил қилишга ҳомийлик қилишган.

Меним шу даврдаги манбалар, хусусан Полвонниёз ҳожи Юсуповдек Хоразм жадидлари етакчисининг мемуарини таҳлил қилишимдан келиб чиқадиган фикрим шуки, қолаверса тарихда бўлган реал тарихий жараёнлар шуни кўрсатадики, бой-бадавлат бўлган жадидчилик ғоясидаги шахсларнинг фаолияти Хоразмда асосан сиёсий курашлар билан кечди.

Масалан, 1910 йилда ўзи ишлаб чиқсан 10 бандлик дастурни Асфандиёрхонга имзолатган Исломхўжа ва

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

унинг маслақдошлари ҳам асосан жамиятни ислоҳ қилиш, замонавийлаштириш борасида сиёсий фаолият билан шуғулланишди. Қолаверса, 1913 йилдаги Исломхўжанинг вафоти, Асфандиёрхон саройидаги зиддиятларнинг кучайиши ва гурухбозликнинг ортиши туфайли хонликда консерватив куч бўлган қадимчилар, мустамлакачилар мавқеининг таъсири ошиб кетди.

Натижада бадавлат табақадан чиққан Хоразмлик жадидлар-Полвонниёзҳожи Юсупов, Назир Шоликоров, Ҳусайнбек Матмуродов, Жуманиёз Султонмуродов, Бобоохун Салимов ва бошқаларнинг асосий фаолияти энди фақат Асфандиёрхон, мустамлакачиларга қарши сиёсий кураш бошлашларига сабаб бўлди.

Отамурод Қўшжонов ва Неъматжон Полвонов ўзларининг “Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар”, (“ABU МАТВИОТ-KONSALT” МЧЖ, Тошкент-2007йил). номли ҳаммуаллифликда яратган асаларида Хоразм жадидчилигидаги яна бир фарқли жиҳатларга эътибор қаратишган:

-Туркистон ва Бухородаги каби хонлик ҳудудида жадидчилик ғояларининг ёйилишида турли сабаблар билан бу ерга келган татар зиёлилари ташвиқот ва тарғиботининг ҳам катта таъсири бўлган;

-шу билан бирга, жадидчилик Хива хонлигига мухолифат даражасида бўлиб, эски тартиб тарафдорларига қарши янгилик, ислоҳот тарафдорлари ҳаракати эди;

- жадидчилик ҳаракати қатнашчилари орасидан “Ёш хиваликлар” ташкилоти партия сифатида ўсиб чиқди.

Хуллас, Хоразм жадидчилиги ана шу каби Туркистон ва Бухордан фарқли, ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, маърифий ҳаракатдан ижтимоий ва сиёсий ҳаракат даражасига кўтарилиб борган. Умуман олганда Хоразм

жадидлари фаолияти ўша давр манбалари асосида, бошқа ҳудудларга таққосланган ҳолда тадқиқ қилиниши бугунги даврнинг энг муҳим мавзуси бўлиб қолмоқда.

2.2. Жадид намояндадарни фаолияти ва уларнинг тарихда тутган ўрни

ИСЛОМХЎЖА

Исломхўжа Хоразмда энг нуфузли бўлган Сайд Отойи хўжалардан Сайд Муҳаммадхўжа мутаваллиининг набираси бўлиб, асли Хонқа беклигидан эди ва 1872 йилда туғилганди. Отаси Иброҳимхўжа Хива хони Ферузхоннинг тоғаси, қолаверса Хонқа ҳокими, кейинчалик бош вазир лавозимида фаолият кўрсатган нуфузли шахс эди.

Айтиш мумкинки, олийнасаб сулола вакили бўлган Исломхўжа агар ўша даврдаги ҳаёт тарзи ва давр манзарасида анъанадан чиқолмайдиган аристократ бўлиб қолиши табиий эди. Аммо у ботинидаги, сийратидаги тараққийпарварлик боис анъаналар, одатий сулола тарзидаги ҳаёт, турмуш тарзини рад этди ва давр зарурати, дунё ўзгаришларини эрта англагани боис, тарихда ислоҳотчи шахс сифатида қолди. Исломхўжанинг ислоҳотлари ўз даври учун кескин қарама-қаршиликлар, босимлар, тазииклар билан кечмасин, у ортга чекинмади ва жамиятда, хонлик бошқарувида кескин ўзгаришлар қилди.

Бу ўзгаришлар эса жадидчилик ғояларига асосланган эди ва унга умидни, матонатни Исмоил Гаспралининг далдаси, фикрлари берди.

Ислоҳатчининг фаолиятига назар солсак, Хивадаги мактаб ва мадраса таҳсилини олган Исломхўжа олдинига

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

хон саройида закотчи сифатида ишлайди. 1889 йилда эса 17 ёшли Исломхўжани Ферузхон Хивадан кейин иккинчи ўринда турувчи Ҳазораспдек муҳим стратегик, савдо шаҳрига ҳоким қилиб тайинлайди. Орадан вақт ўтиб, давлат бошқарувида маълум бир тажрибага эга бўлган Исломхўжа 26 ёшида Ферузхоннинг бош вазири сифатида яна Хивада фаолиятини давом этдиради.

Хонликдаги тамойилга кўра, отаси Иброҳимхўжа вафотидан сўнг тараққийпарвар ва маърифатпарвар Исломхўжани бош вазир лавозимига тайинлаганди. Гарчи, у хоннинг яқин маслақдоши бўлсада, Подшо Россияси мустамлакаси бўлган хонликда ўз ислоҳотларини фақатгина Ферузхон вафотидан кейин амалга оширишга киришди. 1910 йилда Ферузхон вафот этгач, тахтга унинг ўғли Асфандиёрхон чиқди. Асфандиёрхон бош вазир Исломхўжанинг куёви эди. Аввало, шуни айтиш керакки, Исломхўжа бош вазир бўлгани учун ўз куёвини тахтга ўтқазмаган. Негаки, 1891 йил 4 сентябрда Ферузхоннинг Россия императорига Асфандиёрни валиаҳд этиб тайинлаш ҳақида йўллаган илтимоси, айнан хоннинг бошқа ўғиллари қолиб, уни хон қилиб кўтаришга асос бўлганди.

Хуллас, Исломхўжа ўз куёви Асфандиёрхон билан мустамлака даврида ислоҳотлар ўтказишга киришди. Аввало қайнота Исломхўжа ва куёв Асфандиёрхонлар tengdoш эди. Бу эса ўша даврдаги реал шароитда табиий ҳодиса сифатида қараларди.

Асфандиёрхон агарки И smoил Гаспралининг “Таржимон” газетасидаги мақолаларга асосланадиган бўлсак, ҳали валиаҳдлик давридаёқ жадидчилик ғояларига ҳайриҳоҳлик билан қараган. Ҳаттоқи, Хоразмдаги дастлабки жадид мактаблари ҳам айнан Ферузхон ва Асфандиёрхонлар саъии-ҳаракати билан

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

ташкил этилганди. Шунингдек Асфандиёр отаси билан Москва, Санкт-Петербург ва Нижний Новгород шаҳарлари ҳамда Туркистон генерал-губернаторлигининг пойтахти Тошкентда ўтказилган турли кўргазмаларда иштирок ҳам қилганди.

Бундан ташқари, у Хоразмдаги жадид мактаблари фаолиятига ҳам қизиқиб, таълим жараёнини назорат ҳам қилиб борганди. Ана шу боис ҳам Исломхўжа қуёви Асфандиёрнинг отаси сингари салтанатни одилона бошқаришига ишонар, негаки, қуёви отаси каби шоир, қолаверса соатсоз ва қиличбоз уста, эл кезган савдогар, рус тузем мактабида яхши ўқиган зиёли эди. Географияни яхши билгани, Петро-Александровск ва Тошкентдаги кўплаб илмий семинарларда фаол қатнашгани учун Асфандиёрхон Россия география жамиятининг аъзоси этиб ҳам сайланганди.

Асфандиёрхоннинг айнан 1910 йил рамазон ойининг биринчи кунида чиқарган фармонида "бозорлар тартибга солинсин, кўприклар қурилсин, йўллар обод қилинсин, вақф ерлар қайта ҳисоблансин, фуқароларимизнинг бундан кейинги осойишта ва фаравон турмуш кечириши билан боғлиқ масалалар ўрганилиб, тез фурсатда ҳал қилинсин. Биз томонимиздан амалга оширилиши лозим бўлган бу ишларга ҳеч ким тўсқинлик қилмаслиги шарт. Ушбу ишларни амалга оширишни ҳурматлик Исломхўжа Иброҳимхўжа ўғлига тобширдик", дейилади.

Асфандиёрхон фармони кучга кириб, солиқлар бирмунча камайтирилган, ободончилик ишлари олиб борилган.

Бош вазир Исломхўжа қуёвнинг ҳокимиятга келганидан жамиятда кескин ўзгаришлар ясадиган қуйидаги учта йўналишда ислоҳот ўтказишни тавсия қилган эди:

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

1. Хазинадаги даромаднинг бир қисмини мамлакатнинг умум фойдали ишларига-ер тузиш, йўл қурилиши, почта алоқаси, тиббий ва агрономия хизматига сарфлаш;
2. Маҳбусларни ўрта аср услубида жазолашни бекор қилиш;
3. Хонликка қарашли ерларни турли тоифадаги одамларга тақсимлаш, тарқатиш, уларни ер солиғидан озод қилиш, ирригация ишларига эътиборни кучайтириш ҳамда натурал мажбуриятларни бекор қилиниши керак "(Ўзбекистон Миллий Архиви, ф 1, оп 17, д 231, 133-134 бетлар).

Ўша йилнинг ўзида Исломхўжа хонликда амалга ошириш зарур бўлган ислоҳот режасини ишлаб чиқади. Ислоҳот дастури 10 банддан иборат бўлиб, ўша вақт учун тараққийпарварлик мезонларига асосланганди. Асфандиёрхон ислоҳотчилик дастурини кўздан кечириб, 10 бандни ҳам тасдиқлади:

1.Хонлиқдаги барча мансабдор шахслар давлат томонидан маош билан таъминланадилар.Олдинги қоида бўйича, солиқлардан тушган даромаднинг бир қисмини маош тариқасида харажат қилиш бекор қилинсин.

2.Деҳқонлардан олинадиган ер солиғи, қазув пули, йилига бегор қазувда давлат ҳисобига 12 кун текин ишлаб бериш бекор қилинади. Солиқ тўловчиларнинг тоифаси қаътий белгилаб қўйилади.

3.Закот, бож ва хирож солиқлари қайта кўриб чиқилади, савдо сотиқ солиқлари мувофиқлаштирилади.

4.Сувдан фойдаланиш тартибга солинади. Сувдан фойдаланиш мироблар ёрдамида ҳукумат назорати остига олинади.

5. Бозор тўловлари тартибга солинади.

6. Йўл қурилиши ва ариқлардаги кўприкларни яхшилашга киришилади.

7. Барча шаҳар ва ноибликларда bemорларни даволаш учун замонавий касалхоналар қурилади, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланади.

8. Барча турдаги вақф ерлар қайта ҳисоб-китоб қилинади ва улардан тушган даромадлар маданият ва маорифни ривожлантиришга сарфланади.

9. Барча мактабларда ўқитиш дастурига, шунингдек, янги усулдаги жадид мактабларида рус тили, география, тарих дарслик сифатида киритилади.

10.Хон хазинасида ҳисоб китоб қаттиқ назорат қилиниб, алоҳида кирим-чиқим дафтарлари юритилади.

Ушбу ислоҳотларнинг ўтказилиши хонликда қаттиқ тартиб-интизом ўрнатиш, давлат мулкини талон-тарож қилмаслик, солиқ тўловчиларнинг уни ўзлаштириши, олдинлари солиқ туфайли келиб чиқадиган исёнларнинг олдини олишга сабаб бўларди. Шу каби ислоҳотлар Хоразмга жадидлар орзу қилган тараққий этган давлатларнинг илму-фан техника ютуқларини олиб киришга имкон яратар, хизмат қиласади.

Ислоҳот хон томонидан тасдиқлангач, ҳаётга жорий қилина бошланди. Олдинлари саройдаги ва бекликлардаги солиқ ундирувчиларининг халқдан йиғиб олган солиқнинг маълум бир фоизини ўзига олиб қолиши каби талон-тарожликка чек қўйилди. Солиқ тўлашнинг қаттиқ назорат остига олиниши , туркман ва қорақалпоқларнинг доимий равища бўлиб турадиган исёнларининг олдини олди. Давлат ер эгалиги, мулк ер эгалиги, вақф ер эгалигининг аниқ ҳисоб-китобини қилишга киришилди. Россиядан қурувчи-муҳандислар олиб келиниб, бу ишга жалб қилинди. Улар билан биргаликда хонликдаги каналларга темир кўприк

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси
ўрнатиш лойиҳаси тузилди, мавжуд барча майдонларни ўлчаб чиқишилди.

Айни пайтда пойтахт Хива шаҳрининг янги лойиҳаси тузилиб, унга кўра шаҳар энига уч баробар кенгайиши керак эди. 1910-1913 йиллар оралиғида Хиванинг ўзида ислоҳот дастурига кўра почта-телеграф биноси, Нуриллабойда қишки сарой, замонавий касалхона, янгидан яна учта жадид мактаби барпо этилади.

Исломхўжа бош вазир сифатида Россияга қилган сафарларида, Москва шаҳри губернатори Н.И.Гучков билан учрашиб, унинг ёрдамида бир қатор қурилиш лойиҳаларини ишлатиб олган ва шу тарзда, почта, телеграф, шифохонанинг лойиҳаларини бевосита Исломхўжа ўзи Москвалик меъморларга ишлатиб келган, шу бўйича барпо эттирганди.

Шунингдек, 1910-1913 йиллар оралиғида Исломхўжанинг ташаббуси ва бевосита маблағи ҳисобига Хивадан ташқари Янги Урганч, Шовот, Гурлан, Қўнғирот, Қўшкўпир, Хонқа ва Мўйноқ шаҳарларида ҳам жадид мактаблари ташкил этилади.

Янги Урганчда эса Исломхўжа ўғил ва қиз болалар учун алоҳида жадид мактаблари ташкил этади ва уларга 60 дан ортиқ ўғил-қизлар қабул этилади.

Барпо этилган ана шу мактабларда ўқувчиларга таълим бериш учун Оренбург, Қозон, Тошкент, Астрахан сингари шаҳарлардан муаллимлари таклиф қилинади. Бу борадаги вазиятни ўрганган Амударё бўлими бошлиғи Туркистон генерал-губернаторига йўллаган маълумотида, "Хива хонлигидаги жадид мактаблари муаллимларининг қарийиб ярмини татарлар ташкил этади. Улар хонликда ўқитувчилик фаолияти билан бир қаторда сиёсий ташвиқот ишларини ҳам олиб

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

бормоқдалар" деб ёзганди .("Туркестанские курьер", 1913 йил 21 август).

Исломхўжанинг Қримлик Исмоил Гаспралининг мактуб орқали мулоқотларида, жадидчилик ғоясининг моҳияти, жамиятга кўрсатаётган таъсири ҳақидаги фикрлашувлардан ташқари, Гаспралининг бош вазирга насиҳатлари ҳам акс этганди. Яъни, Гаспрали Исломхўжага Қозон, Оренбург ва бошқа ҳудудлардан ўқитувчиларни Хоразмга олдириш вақтинчалик жараён бўлиши, бевосита Хоразм ёшларини педагоглик ва бошқа мутахассисликка хорижда тайёрлаш. ўқитишни маслаҳат берганди.

Рус тузем ва жадид мактабларида эски мактабдан фарқли равишда парта, доска каби жиҳозлар бўлиб, рус тили, чизмачилиқ, тарих, география, математика, адабиёт ва бошқа фанлар ўқитиларди.

Ушбу мактабларда Агаев, Абдурашидов, Рамазон Сайдашев, Ҳусайн Қўшаев, Фотима Қўшаева, К.Батиров, А.Сазонов, С.Сўфижонов, Ю.Аҳмедов, М.Сўфизода каби ўз даврининг илғор педагоглари фаолият кўрсатишган.

Улар қўлида яхши таълим олган ёшлар Гаспралининг маслаҳатлари асосида Исломхўжанинг қўллаб қувватлаши билан Оренбург, Тошкент, Петербург шаҳарларига, ҳаттоқи Бекчон Раҳмон Истанбулга ўқишига юборилади.

Исломхўжанинг ўзи ҳам шу замоннинг энг олд зиёлиси бўлиб, 1908 йили Хивага келган рус шарқшуноси А.Н.Самойлович ёзганидек, "бош вазир Исломхўжа рус тилини яхши билади, рус ва мусулмон тилларида нашр қилинган газеталарни олиб, уларни мutoала қилиб боради". 1909 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Хивада бўлган Россия ташқи ишлар вазирлигининг вакили Минорский ҳам ўз ҳисботида,"Исломхўжа рус

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси
тилида bemalol сўзлашади. У мусулмон мамлакатларида чиқадиган адабиётларни синчковлик билан кузатиб боради "дейилади.

Дарҳақиқат, Исломхўжа "Таржимон", (Крим) "Тараққий", "Нажот", "Туркестанкий курьер", "Туркестан - ская ведомости", "Туркистон вилоятининг газети" (Тошкент), "Вақт" (Оренбург), "Иқтисод ва тараққиёт", "Иҳдам" (Туркия), "Хабл ул-Матин" (Хиндистон) каби нашрларни ўқиб борар, уларни жадид мактабларидаям ўқитишни муаллимларга тавсия этарди.

Ҳаттоқи, Ўрта Осиёга биринчи бўлиб, фото ва кинонинг кириб келиши, бу борада шу соҳанинг кашшофи бўлган Худойберган Девоновни қўллаб қувватлаган ҳам бевосита Исломхўжа эди. У Девоновни ўзи билан 1907 йили Петербурга олиб кетади ва "Патэ" русумли киноаппаратини Хоразмга олиб келишига ёрдам беради.

Бундан ташқари, "Исломхўжанинг ислоҳот дастурида Хоразмни марказий шаҳарлар билан боғлайдиган темир йўл қурилишига алоҳида аҳамият берилганди. Ислоҳотчининг лойиҳасига кўра, 1912-1913 йиллари хонлик ҳудудига темир йўл келтириш билан алоқадор тадқиқот ишлари ўтказилади. Унга кўра, темир йўл тармоғи Чоржўйдан хонликнинг шимолидаги Кўнғирот шаҳригача тортилиши ва кейинчалик у давом қилиниб Ўрол-Тўрғай губернияси орқали Александров-Гай билан боғланиши керак эди. Темир йўлнинг узунлиги 700 вёрстга етарди. Унинг қурилишини рус саноатчиларидан А.О.Брикельмейкер ва К.Е.Николаевлар шерикликда ўз зиммасига олган эдилар." ("Туркестанские курьер" 1913 йил 14 апрель,).

Шунингдек, 1910-1912 йилларда бош вазирнинг топшириғига кўра, тажрибали мироблардан иборат гурӯҳ

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

ташкил этилиб, хонликдаги барча канал ва ички ариқларни назоратдан ўтказишиди. Гуруҳ лойқалардан тозаланадиган, таъмирланадиган ва янгидан чиқариладиган ариқларнинг аниқ режасини ишлаб чиқади ва Полвон, Ғозовот, Қилич Ниёзбой, Шовот каналларига мустаҳкам темир кўприклар қуришнинг лойихасини ишлаб чиқишиди. Ички оралиқ йўллар ҳамда ички ариқ-ёпларга қуриладиган иншоатлар ва кўприклар маҳаллий ҳоким ва оқсоқоллар зиммасига юкланади. 1911йилнинг баҳор ва кузида Хоразмдаги барча канал ҳамда дарё қирғоғидаги ихота дамбаларда тупроқ ишлари, тозалаш ва таъмирлаш ўтказилади, тўғонлар ва кўприклар қуришга киришилади.

1911 йили Россиядан Полвон, Ғозовот, Қилич Ниёзбой ва Шовот каналларига қуриш учун 4 та кўприкка етадиган темир конструкциялар олиб келинади. Ушбу темир кўприклардан иккитаси Полвонёп ва Ғазавот каналларига қурилган эди.

Шу тарзда ислоҳот дастурининг бажарилиши астасекин бўлсада, амалга оша бошлайди. Хоразмдаги ислоҳотлар хаттоки, Кримдаги "Таржимон", Оренбургдаги жадидларнинг "Вақт", Истанбулдаги "Ёш туркларнинг" "Танин" газеталарида эътироф этилиб, тараққийпарварлик намунаси сифатида кўрсатилади.

"Туркестанские курьер" газетаси бўлса 1911 йил 17 апрель сонида Хоразмда амалга оширилаётган ислоҳотларни энг замонавий реформалар дея баҳолаб, Исломхўжани буюк реформатор дея атаганди.

Ана шу газетанинг 1913 йил августидаги сонида Исломхўжа мухбирга интервью бериб," эндиликда хонлик бутун кучини мамлакат ички тараққиётига қаратмоғи лозим. Биринчи навбатда маърифатга, сўнгра савдо-саноатга. Хива хонлигини Осиёнинг қолоқ давлатлари

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

қаторидан чиқариш вақти келди. Халқ эркин нафас олмоғи керак" деганди.

Бироқ, Исломхўжанинг 1913 йил августидаги фожиали ўлими ана шу ислоҳотларнинг тўхтаб қолишига сабаб бўлди.

Маълумки, давлат арбоби бўлган Исломхўжа бош вазир сифатида тансоқчига эга эди. Тансоқчиси Бобожон қатағон фойтун отда юрганича доимо Исломхўжага ҳамроҳлик қиласади. Бироқ ўша куни-1913 йил 9 августда у хон саройи Нуриллабойдан уйига тансоқчисиз қайтади."Чунки, Абдукарим маҳрам Исломхўжа уйига кетмоқчи бўлганида, тансоқчини ифторликка сўраб олиб қолади. Қандайдир баҳона билан извошли ҳам ўша фожиали куни ўзгартирилганди. Бош вазир кечқурун соат 9 ларда фойтун аравада Рофаник боғи кун чиқар томонидан "Ўғлон азиз бобо" қабристони яқинидан ўтиб борарди. Извошчининг кейинчалик эслашига кўра, мозористондан икки киши отилиб чиқиб, уларга ҳужум қилишади. Дастреб улар кўзга ташланиб қолмаслик учун фойтундаги фонус-чироқларни ўчиришади. Исломхўжа ёнидаги тўппончасини олишгаям улгурмай қолади. Ниқоб кийган қотиллар қўлларидағи чўқмор таёқ билан отнинг манглайига уриб, унга ҳам шикаст етказишади. Извошли яқин атрофда ҳужум қилган икки кишидан бошқа яна ўнтача киши турганлигини эслайди. Тўсатдан юз берган даҳшатдан ва танасига урилган қилич зарбидан извошли ҳушидан кетади."(Абдулла Болтаев, "Исломхўжанинг фожиали ўлими ҳақида", қўллўзма).

Суидқасдчилар бош вазир Исломхўжани чавақлаб кетишганди. Қотиллар, табийки, кўздан ғойиб бўлишди. Миршаблар келиб кўришсаки, қотиллик ваҳшийларча амалга оширилиб, Исломхўжанинг бўғзига тортилган кескир тиғ зарбидан унинг боши танасидан деярли

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

ажралиб, боши бўйин терисига зўрға илиниб қолган эди; танасини қўзғатиш билан у ҳам узилиб кетади. Бош вазирнинг ёнидан 750 рубллик кредит билети, 10 рубллик 3 та тилласи ва бошқа майда пуллари, баҳоси 10 минг рубл турадиган бриллиант қадалган тилла портсигари, баҳоси 2500 рубллик қаҳрабодан қилинган бриллиант кўзли мунштуги ва баҳоси 900 рубллик тилла соати топилади.

Қотиллар қимматбаҳо буюм ва пулларга тегмасдан фақатгина бош вазирнинг олий навли барра терисидан тикилган чўгирмасини олиб кетгандилар. Бу ирим учун қилинган бўлиб, ўша вақт хиваликларда агар қатл қилинган кишининг чўгирмасидан бир парча куйдирилса, жиноятчининг ўзи келиб қотиллигини тан олади, деган ирим мавжуд бўлган.

Табийки, пул ва қимматбаҳо буюмларга тегилмагани, қотилликни ўғирлик учун қилинган деган фаразни ўз-ўзидан йўққа чиқарапди. Бош вазирнинг сирли равишда ўлдирилиши сиёсий мақсадларни кўзлаб амалга оширилган фитна эканлиги ўша пайтдаёқ аён бўлганди.

Ўша қотиллик рўй берган 1913 йил 9 август қуниёқ Петро Александровскдаги Амударё бўлими бошлиғи Туркистон генерал губернаторига 791-сонли телеграмма юборди. Унда "вазири Акбар Исломхўжанинг фожиавий ўлими сарой ва халқ ўртасида катта шов-шувга сабаб бўлди" дейилганди. Қотиллик юз бергандан то шу кунларгача Исломхўжани ўз қуёви, Хива хони Асфандиёрхон ўлдиртирган, деган тахмин қаътий хulosса сифатида таъкидланиб келинарди. Аммо, кейинги даврда топилган манбалар бош вазирнинг ўлими излари Хива хони саройига эмас, бошқа бир ҳашаматли саройга бориб тақалишини кўрсатувчи тахминларни юзага келтирди.

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

Қотиллик рўй берган 9 август куни бош вазирни уйига хоннинг таржимони Корнилов кузатиб бориши керак эди. Аммо негадир у ўша куни қандайдир ҳужжатни ахтариб, саройда ушланиб қолади. Корнилов девонхона бошлиғи Абдуллажон билан бирга маълум бир вақтдан кейингина саройдан йўлга чиқиб, Исломхўжа изидан боришади."Ўғлон азиз бобо" қабристонига келганларида эса бош вазирнинг қонга беланиб ётганлиги устидан чиқадилар. Корнилов шу ерда қолиб, девонхона бошлиғи Абдуллажон воқеа ҳақида хабар бериш учун хон саройига кетади..

Фожианинг эртасига ўзига келган ягона гувоҳизвошли Шайхназарбой ясовулбошининг хизматчиларидан учтасини қотиллик содир қилинган жойда кўрганлигини айтади. Улар дарҳол ҳибсга олинадилар. Терговда Исломхўжани Шайхназарбой ясовулбошининг навкарлари, тошҳовузлик Қурбонбой бўзчи бўғизлагани аниқланиб, эртаси куни ҳибсга олингач, у айбини тан олади. Унга бу махфий буйруқни Абдураҳим маҳрам берганлиги, бош вазирни ўлдириш Матвафо Баққолов, Ашур ва Рўзмат маҳрамлар томонидан пинҳоний кенгашда режалаштиргани таъкидланади. Гарчи, қотил ва буюртмачилар аниқ бўлсада, фақатгина Исломхўжани ўлдирган Қурбонбой бўзчи ҳибсда сақланиб, қолганлар қўйиб юборилади.

Халқ ўртасида қотил Қурбонбойни жазолаш Кўҳна Арқда ўтказилади. Кўҳна арк олдига кўп оломон тўпланади. Қурбонбой бўзчини зиндандан қўлларини боғлаб майдонга олиб чиқишиади. Ясовулбоши Қурбонбойга қаратади: "Хўжамизнинг ўлган воқеасини айтиб бер, танингга таёқ тегмасдан бурун айт" дейди. Бўзчи ясовулбошига қараб, "Оға, ман бу воқеани ҳеч билмайман", дея жавоб қиласи. Шунда ясовулбоши "Агар

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

айтмасанг урамиз, ўзингдан кўр" деб миршабларга уришни буюради. Миршаблар қотилнинг яланғоч елкасига бор куч-қуввати билан қамчи туширадиларки, оғир зарбадан яланғоч бадандан қон сачраб чиқади. Яна шундай зарбалардан сўнг, қотил, " агар мани шундай азоблаб ўлдирмоқчи бўлсангиз, ман ишни бузаман" деб бақириб юборади. Курбонбой бўзчининг бу қичқиригидан сўнг, Абдукарим маҳрам, Матвафо карвонбошилар, унга ичи ачинган бўлиб, аслида эса сир очилиб қолишидан қўрқкан ҳолда қотилни аркка олиб кетишади ва алоҳида хонада сақлашади.

Қотилга ўлим жазоси берилмагани ва қотиллик ташкилотчилари сифатида гумонланаётган Абдукарим маҳрам Ясовулбоши, Матвафо Баққолов бош вазир, Ашур маҳрам бош маҳрам лавозимини эгаллаши, халқ орасида миш-мишни келтириб чиқаради. Яъни, бу ҳолат Исломхўжанинг ўлимида гумондорлар маълум бўлсада, уларга чора кўрилмагани, жазоланмагани "ўз куёви Асфандиёрхоннинг қўли бўлиши керак", деган шов-шувга сабаб бўлади.

Исломхўжанинг ўлимида Асфандиёрхоннинг қўли борлиги ҳақидаги ўша даврдаги миш-мишлар вақт ўтиб хонлик тарихига доир баъзи китоб ва мақолаларда ҳам айтиб ўтилиши анъанага айланди. Жумладан, Д.Рахим ва Ш.Матрасул, Феруз ҳақидаги "Шоҳ ва шоир қисмати" номли китобида " Асфандиёрхон Исломхўжани хазинадаги пулларни бехуда қурилиш ишларига сарфлади ва рус императори билан келишган ҳолда мени бир кунмас-бир кун тахтдан четлатади, деб ўйлаган" ,(Т, 1991 йил 55 бет) дея ёзишади.

Профессор О.Собиров ҳам 1993 йил "Хива" журналининг 2-3 сонидаги мақоласида "Исломхўжанинг юксалиб бораётган обрўси Асфандиёрхонни

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

ташвишлантириб қўйди", деб қайд этганди.Шунингдек, Р.Ҳасан, А.Абдурасулов ва Н. Эгамбердиеваларнинг 1994 йил "Ватан" газетасининг 32-сонидаги, Отамурод Кушжоновнинг "Маърифат ёғдуси" журналиниң 2001 йил 1-4 сонларида мақолаларида ҳам айнан хазинани Исломхўжа қурилиш ишларига сарфлаб бўшатгани, Исломхўжанинг халқ ўртасида обрўси ошгани, Петербургда император ва амалдорлар билан яхши танишлиги боис, хон ўз тахти қўлдан кетишидан хавфсираб бош вазирни йўқ қилгани таъкидланади.

Шунингдек, ўша даврда яшаган "Ёш хиваликлар" нинг йўлбошчиларидан Полвонниёз ҳожи Юсуповнинг, ҳамда наққош, тарихчи Абдулла Болтаевнинг қўлёзма асаридаям Асфандиёрхон ўз қайнотаси Исломхўжани ўлдиртиргани қайта-қайта таъкидлаб ўтилади. Полвонниёзҳожи Асфандиёрхонга мухолиф бўлгани учун, у ҳақда салбий фикрда бўлган. Абдулла Болтаев эса ўша пайтлари ёш бола эдики, унинг кўрган, эшитганлари мурғак қалбда Асфандиёрхон золим хон бўлган деган совет даври мафкуравий адабиёти таъсиридан келиб чиққан.

Яъни, совет ҳукумати даврида яқин ўтмиш-1910-18 йилларда, ҳокимиятга большевиклар келган ва ғоятда зиддиятли даврда ҳукмдорлик қилган Асфандиёрхон энг аниқ нишон эди...

Аввало, шуни айтиш керакки, Асфандиёрхоннинг бош вазир мени тахтдан туширади, дея ўйлаши учун ҳеч қандай асос йўқ эди. Зеро, у отаси Ферузнинг 1891 йил 4 сентябрда Россия императорига қилган илтимосидан сўнг валиаҳд қилиб тайинланган, 1910 йил августда отаси ўлимидан сўнг тахтга чиққанди. Қолаверса, ўша даврда Хоразмда ҳам тожу тахт ворислиги авлоддан-авлодга ўтган. Гарчи Исломхўжа саидлардан бўлса-да, ўзини хон

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

деб эълон қилолмасди. Негаки, валиаҳд император томонидан тасдиқланганди. Империя қонунларини бузиш эса, у ким бўлишидан қаътий назар, ўлим билан баробар эди.

Россия ҳукумати империя қонунларига ёт бўлган бундай ҳаракатни аёвсиз бостириши аниқ эди. Буни халқ ҳам, Исломхўжа ҳам яхши биларди. Зотан, Хива хонлиги чоризмнинг вассали эди. Қолаверса, бош вазирнинг ислоҳот дастурини хоннинг ўзи тасдиқлаган, ҳаётда қўлланилаётган тараққийпарварликни Асфандиёрнинг ўзи қўллаб турган.

Фақатгина Россия империяси томонидан ярим мустамлака бўлган, айрим соҳаларда ўрта асрчилик иллатлари давом этаётган иккала ҳудуд-Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини ҳам худди Қўқон хонлигидек тугатиб Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилганидек, Бухоро, Хоразм губернаторлиги таъсис қилинсагина, раҳбарликка номзодлар кўриб чиқиларди. Агар шундай вазият амалга ошса, хон эмас, губернатор Хоразмни итоат қиласа ва раҳбарликка номзод хонлик давридагидек аслзода, аммо хонлар сулоласидан бўлмаслиги ҳам мумкинлигига риоя қилинса, албатта Исломхўжа Хоразм губернатори бўларди. Табиийки, бу албатта бизнинг қарашларимиз.

Бухорода эса генерал Жўрабек Бухоро губернаторлигига ягона номзод бўлиши аниқ эди.

Ўзбекистон Миллий архиви (2-И-фонд, 1рўйхат, 305-иш, 88-варап)даги маълумотлар Хива хонлигини губернияга айлантириш масаласи кўриб чиқилганлигини исботловчи фактдир. Амударё бўлими бошлиғи полковник Ликошин 1912 йил ноябрида Туркистон генерал-губернаторига жўнатган телеграммасида “Хивани губернияга айлантириш вақти етмадимикин? Бу

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

менга Хивада кўзланган ислоҳотнинг ўтказилиши тўғрисида мулоҳаза қилиш учун муҳимдир. Ҳозирча хондаги мустақилликнинг маълум бир қисми сақлана қолсин. Рус тартиб-тизгинини хонликка аста-секин киритиш учун ҳаракат қилинса арзийди", дейилганди...

Хон чор ҳукумати ва халқ ўртасида Исломхўжанинг обрўси ошди, дея ўз қайнотасига ғараз кўзи билан қарashi мумкин эмасди. Шу боис айнан шу сабаблар боис бош вазир ўлимида унинг қўли борлиги шубҳалидир.

Хазинани беҳуда қурилишларга сарфлаб бўшатди, деган даъво ҳам асоссиз. Зеро, Хивада бунёд бўлган почта-телеграф биноси, жадид мактаблари, сарой, шифохона ва бошқа иншоаатлар хоннинг ўзи тасдиқлаган ислоҳот дастурига кўра хазинадаги пуллар ҳисобига қурилганди.

Лаффасий ва Баёний каби муррихларнинг ёзишига кўра, Асфандиёр ёшлигидан ювош табиатли, ғоят иқтидорли киши бўлиб, "Фаррух" тахаллуси билан шеърлар битган. Касб ҳунарга қизиққанидан соатсоз ва қилич ясовчи уста сифатидаям машҳур бўлган. Тижоратчи сифатида Россия ва шарқ давлатларини ҳам кезиб чиққан эди. Ҳатто рус тили, дунё географиясини мукаммал билгани боис, олдинги саҳифаларда таъкидлаганимиздек, Россия география жамиятининг аъзоси ҳам эди.

Аввало, шуни эсдан чиқармаслик керакки, Асфандиёрхон Исломхўжанинг ислоҳот дастурини қўллаб турсада, у Россия империясининг вассали эди. Қолаверса, хон саройида Исломхўжага мухолифатда бўлган амалдорлар гуруҳи ҳам мавжуд бўлган. Шундай гуруҳлардан бири оға-ини подполковник Ҳусайнбек, ясовулбоши Шайхназарбой ва Омонгелди Матмуродовлар эди. Ҳар бир оға-ини хонликда ҳисобсиз ер, каттагина молу-мулкка эга эдилар. Мабодо Исломхўжанинг ерларни

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

ўлчаш, солиқларни тартибга солиш, давлат амалдорлариға маош тұлашдек ислоҳотлари тұла амалга ошса, улар күп нарсадан ажралиб қолардилар.

Шу боис, оға-ини Матмуродовлар имкони борича Исломхұжанинг шахсияти ва ислоҳотини бадном әтишга ҳаракат қилишган. Асфандиёрхон ювош ва құнгилчан бўлганлиги боис чор империяси билан уруш даврида қаҳрамонлик кўрсатиб халқ ўртасида катта шухрат қозонган Матмурод девонбенининг ўғилларини саройдан тұла четлаштиrolмасди.

Тўғри, у дастлаб 1911 йилда Исломхұжани қувватлаб, Матмуродларнинг молу-мулкини мусодара қилдиришга журъат қиласы да үларни саройдан четлаштиради. Аммо оға-ини Матмуродовлар чор амалдорлари билан яхши алоқа ўрнатгани боис, 1913 йилда рус маъмурлари таъсирида яна саройга ишга тикланиб, мол-мулкини қайтариб олишади. Бирок, шундан кейин ҳам оға-ини Матмуродовлар рус маъмурларига Исломхұжани иғво қилишда давом әтишади.

Жумладан, Ҳусайнбек 1913 йил январида Амударё бўлими бошлиғи Ликошин ҳузурида бўлиб, унга берган ахборотида ўзининг 1911 йил хон ғазабига учраб, оғир кулфатларга дучор бўлиши ва 1913 йил январида ёвмудларнинг чоризмга қарши кўтарган исёни сабабчиси Исломхұжанинг сиёсати эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, у мусодара қилинган, қиймати бир миллион рублдан ортиқ бўлган мол-мулкининг атиги 150 минг рублини қайтариб берилганиният айтиб, унинг қолган қисмини Исломхұжа ўзлаштирган, дея даъво қиласы. Қолаверса, оға-ини Матмуродовлар Исломхұжанинг ислоҳотларидан норози бўлиб, бу ҳақда хонга ариза ҳам ёзгандилар.

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

Эътиборли жиҳати оға иниларнинг каттаси бўлган Ҳусайнбек Матмуродов ҳам тараққийпарвар шахс бўлиб, у ҳам жадидчилик ғояларини қўллаб қувватларди. Ҳаттоки, Хоразмдаги жадидларнинг “Ёш хиваликлар” ҳаракатининг лидери, 1917 йил апрелидаги манифест муаллифи, намойиш ташкилотчиси эди.

Аммо унинг бу ҳаракатлари 1913 йил августидаги Исломхўжанинг ўлимидан кейин бошланди. Яъни Исломхўжадек ислоҳотчининг сиёsat майдонидаги нуфузи 1914 йилдан кейин Ҳусайнбекка тегишли бўлди.

Оға ини Матмуродвлар ва Исломхўжа ўртасидаги зиддиятлар эса ер, мулкларнинг тортиб олинишидан бошланди.

Бу пайтда чор ҳукумати, айниқса, дарёning нариги тарафидаги Амударё бўлими хонга таъсир ўtkазib, Хиванинг ички ишларига мунтазам аралашиб келар, зеро, улар учун Асфандиёрхон қўғирчок ҳукмдор эди.

Бундан ташқари, Исломхўжага рақиб бўлган яна бир оға-инилар-Матвафо, Абдураҳмон ва Шариф Баққоловлар мухолифатда бўлган иккинчи гурӯҳ вакиллари эди. Оға-ини Баққоловлар ҳам кўплаб ер, мол-мулк соҳиби бўлиб, улар ҳам ўтказилаётган ер, солиқ ислоҳоти боис анчагина мол-мулкидан ажралиб қолишдан қўрқар, шунинг учун бош вазирга нисбатан доимо довлатда бўлиб келишар эди. Матмуродвларга нисбатан ҳам Баққоловлар агрессив ҳаракат қилишар ва уларнинг таянчи Петро-Александровскдаги рус маъмурлари эди.

1899 йилдан хон саройида таржимонлик қилган В.Н.Корнилов у ҳақда "Матвафо ниҳоятда юлғич бўлиб, оғир солиқлар билан хиваликларга зулмини ўтказди. Хиваликлар уни жуда ёмон қўришади. У туркманларга яширинча иғво қилиб, уларни талончиликка гиж-гижларди. Матвафо жудаям уддабурон бўлиб, ҳар қандай

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

йўллар билан бўлса ҳам хон саройида биринчи лавозимни эгаллаш учун ҳаракат қилди", деб ёзганди.

Бундан ташқари, Амударё бўлимининг бошлиғи Ликошин Туркистон генерал губернаторига ёзган ахборотида, "хонликда барча ишлар Баққолов ва унинг оға-иниларининг савдо тижорат манфаатлари юзасидан олиб борилмоқда. Жамики давлат тадбирлари ушбу савдогарларнинг шахсий бойлигини оширишга қарата ҳал этилмоқда" (ЎЗМАРДАВАРХИВ, ф.и 2, оп 2, д 476, 53 бет), дея ёзганди.

Н.С. Ликошин шунингдек, Исломхўжа вафотидан сўнг, 1913 йил декабрида генерал-губернаторга ёзган ахборотида, "Марҳум Исломхўжа савдогар эмасди. Шунинг учун у савдогарларга бошқачароқ қаарди. Савдо ишларидан ҳолилиги туфайли, хонликдаги ислоҳотларни ҳатто ўзининг шахсий манфаатидан устун қўярди. Хонликнинг ҳозирги мулқдор амалдорлари бўлса, ўзларининг савдо тижорат даромадини ошириш билан машғул бўлмоқдалар" (юқоридаги архив, ф.и 2, оп 1, д 475, 54 бет) дея таъкидлаб ўтганди.

Ҳаттоки, хонликдаги энг айёр ва бой савдогар Матвафонинг иниси Абдураҳмонбой Янги Урганч ҳокими қилиб тайинланиб, Матвафо сафарга кетганида бош вазирлик лавозимини ҳам эгаллаб турадиган даражага етади.

Исломхўжа 1911 йилда Янги Урганч, Ҳазорасп, Питнак, Маноқ ва Дарғонотадаги ерларни хон тасдиқлаган ислоҳот дастурига кўра қайтадан ўлчатиб чиққанди. Шунда ушбу бекликларда оға-ини Матмуродвлар ҳамда Баққоловларнинг беҳисоб ерлари борлиги, улар давлат ҳисобига киритилмай, хонлик хазинасига солиқ тўламаётганлари аниқланганди. Шу боис оға-ини Матмуродвлар ҳамда тоға-жиян

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

Баққоловлар саройдан четлатилиб, аниқланган хуфия мол-мулки хон фармонига кўра мусодара қилинади. Ўшанда ҳар иккала гурӯҳ чоризмнинг Амударё бўлими бошлиғига шикоят қилиб, Исломхўжа фаолиятига чек қўйишда кўмак сўраган эдилар.

Исломхўжа эса ислоҳотлари ва унга тўғанок бўлаётган амалдорлар ҳақида 1911 йилнинг 3 декабрида, полковник Гулушановскийга шундай мактуб йўллаб, вазиятни тушунтириб ўтганди: "Биз амалга ошираётган ислоҳотлар хон атрофидаги амалдорлар манфаатига, албатта маъқул тушмади. Улар аввалги хон даврида ҳам катта ерларни эгаллаб, беҳисоб фойда олиб келганлар. Шу боисдан норози бўлган амалдорлар томонидан бир қанча махфий мажлислар ўtkазилиб, унда ҳалқни ислоҳотларга қарши қўзғатишга қарор қилинган. Мазкур амалдорлар ҳалқ номидан норозилик мактублари уюштириб, уларни ўз муҳрлари билан тасдиқлаб, ислоҳотдан норози эканликларини билдиromoқдалар. Мактубларда ҳатто ҳақоратли бўхтонлар ҳам ишлатилмоқда" (Ўзбекистон Миллий архиви, ф 2, оп 1, д 289, 207 бет).

Айнан 1911 йилдаги воқеалардан сўнг ҳар иккала гурӯҳ чор маъмурлари билан яқинлашиб, Исломхўжага нисбатан очиқчасига душманлик йўлига ўтдилар. Зеро, ҳалқ ўртасида Асфандиёрхоннинг эмас, балки оға-ини Матмуродовлар ва Баққоловларнинг обрўси тағин-да тушиб кетди. Негаки, улар солиқлар баҳона ҳалқни беаёв талаш, беҳисоб ерга эгалик қилиб, хазинага сариқ чақаям тўламаслик эвазига бойирдилар. Исломхўжа эса 1911 йилда уларнинг кирдикорини чеклаб, янада обрў орттиради. У фитнакор амалдорлар молу мулкини Асфандиёрхон розилиги билан тортиб олганди. Шу боис ҳар иккала гурӯҳ Асфандиёрхоннинг ишратга ўчлигидан фойдаланиб, Исломхўжа билан унинг орасини бузишга

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

интилди. Негаки, хоннинг катта хотини Азизапошшибика Исломхўжанинг қизи эди. Фитнакор амалдорлар ишратга ўч хонга турли бекликлардан ёш ва чиройли қизларни келтириб берардилар. Ҳатто, Баққолов ва Ашур маҳрам ташабуси билан Нуриллабой саройининг орқа томонида 70 минг тилла сарфлаб, майшатбозлик учун мўлжалланган маҳсус кўшк ҳам қурилади. Табийки, бу ишлар хоннинг қайнотаси бўлмиш Исломхўжага маъқул келмас, у куёви Асфандиёрга бу ахлоқсизликни йиғишириш ҳақида бир неча бор насиҳат қилганди.

Чор маъмурлари эса ҳар иккала гуруҳбозларни қўллаб, Исломхўжа фаолиятини кузатув остига олгандилар. Негаки, у чор ҳукумати учун ғоявий душман бўлган жадидларни қўллаётган, Хоразмда мактаблар барпо қилаётган, чоризмга қарши тинимсиз исён кўтараётган туркман ёвмудлари билан яқин алоқада эди. Ҳатто, у 1913 йил бошида туркманларга қарши юриш қилиш ташаббусига қарши чиққанди. Ёвмудлар исёни умумхалқ қўзғолонига айланиб, чоризмнинг мустамлакачилигига чек қўйиши мумкинлигини чор ҳукумати яхши билар, шу боис Исломхўжа нафақат гуруҳбозларнинг, балки мустамлакачи чор ҳукуматинингда душманига айланганди.

Исломхўжа 1896-1913 йилларда беш маротаба Россиянинг Петербург ва бошқа шаҳарларига борган. Император Николай Романов билан ҳам кўп бор мулоқотда бўлган ва табийки, у билан рус тилида bemalol дунё сиёсати ҳақида суҳбатлашганди.

Шу суҳбатлардан кейин Исломхўжа оқпошшани ғоят қизиқтириб қўйганди. Айниқса, унинг хонликда амалга ошираётган ишларидан боҳабар бўлган император, Петербургда кимлар Исломхўжа билан учрашишигача жандармериядан суриштиради. Қолаверса, Амударё

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

бўлими ва жандармерия Исломхўжанинг чор ҳукумати душманлари бўлмиш жадидлар лидери Исмоил Гаспрали ва исёнкор ёвмудлар билан алоқаси яхшилигини хабардор қилганлиги табиий.

Негаки, 1913 йил 4 январда Туркистон генерал-губернатори ҳарбий министр Сухамлиновга махфий хат йўллаб, "хонликда 1910 йилгача ҳукм сурган осойишталикни сақлаб туриш, халқ ғалаёнларининг олдини олиш учун Исломхўжа фаолиятини жиловлаш чора-тадбирларини кўриш лозимга ўхшайди" деганди(Россия Марказий Давлат Архиви, 400-фонд, 62-дело, 155-саҳифа).

Шу билан бирга, генерал Самсонов Петербургга йўллаган махфий хатида Исломхўжани чет элга жўнатиш, сургун қилиш ҳақида буйруқ бериш лозимлигиниям айтиб ўтганди. Аммо ташқи ишлар министрлиги бу таклифни маъқулламаган.

"Россия Марказий Давлат Архивининг 400-фонд, 178-дело, 50-54 саҳифаларида манбага кўра, Исломхўжа Петербургдаги "Мусулмонлар хайрия жамғармаси" га бориб, у ерда Эрон ва Туркия элчилари Тархон пошишо, Исҳоқхонлар билан учрашган.Кечқурун Маринин театрида уларни меҳмон қилиб, сұхбатлашган.Табиийки, мусулмон мамлакатлари элчилари билан Хива хони бош вазирининг тил топишгани чор ҳукуматига ёқмасди.

Етилиб келаётган жаҳон уруши арафасида чор ҳукуматига рақиб бўлган Туркия ҳукумати элчиси билан мустамлака хонлик бош вазирининг сұхбатлашиши, чор ҳукумати учун, айниқса, чидаб бўлмас ҳол эди.

Исломхўжа дунё сиёсатидан боҳабар бўлиб, Туркия-Эрон, Эрон-Италия, Туркия-Германия, Россия-Туркия иқтисодий ва ҳарбий муносабатлари моҳиятини тўла англаб етган, мустамлакачиликнинг ҳам паймонаси

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

тўлаётганини сезиб турарди. Бу эса чор ҳукумати учун қўрқинчли бир ҳол эди. Шу боис чор жандармерияси Петербургда бўлган Исломхўжанинг ҳар бир қадамини кузатиб, ким билан нима ҳақида сұхбатлашганигача шахсан император Николай Романовга ахборот бериб борган. Исломхўжа Хивага қайтгач ҳам кузатув остида бўлганди. Негаки, Петербургда босган қадамини кўздан қочирмаган Николай Романов унинг Хивада нималар қилаётганини ҳам билишни истарди.

Амударё бўлими бошлиғи генерал губернаторликка йўллаган маълумотида ўз кузатувларини қўйидагича изоҳлаганди: "Саройнинг энг нуфузли одами, хоннинг биринчи амалдори Исломхўжанинг уйини ўзига хос кичик сарой деса бўлади. Бу ерга саройнинг катта ва кичик аъёнлари ҳам "салом"га келиб турадилар. Улар йиғилишиб энг муҳим масалаларни муҳокама қиласидилар"(Ўзбекистон Миллий архиви, ф 2, оп 1, д 289, 17 бет).

Шу билан бирга, бўлим томонидан 1912 йил 12 августда Тошкентга йўлланган ахборотда бош вазирнинг уйидаги ҳолат ҳақидаям маълумотлар берилганди: "Вазири Акбар Исломхўжа жадид мактабининг ва уйидаги фарзандларининг ўқитувчиси ёш татар муаллими Абдурашидовнинг фаолияти алоҳида эътиборга эга. Афсуски, Абдурашидов ўқитувчилик ишларидан ташқари Хива хонлигининг ички сиёсатида ҳам фаол қатнашмоқда. У Исломхўжанинг уйида яшаб, яширин кенгаш ўтказиб туради. Бу кенгашга Абдурашидов маслаҳатчи ва раҳбарлик қиласиди. Исломхўжа иштирокидаги кенгаш мажлисларида асосан Хива-Россия муносабатлари муҳокама қилинади. Абдурашидов йиғилган Хиваликлар онига Хива хонлигини Россия

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси
қарамоғидан озод қилиш ва хонликни тараққий этдириш ғояларини сингдирмоқда."

Табийки, бундай чор мустамлакачилиги учун заарли бўлган хуфия ахборотларни олгач, генерал губернаторлик Абдурашидовни воҳадан йўқотиш чораларини кўради. Натижада "Амударё бўлими 1913 йил ёзида Абдурашидов ва бошқа жадидларни Хивадан ўз юртларига жўнатиб юборади" ("Туркестанский курьер, 1913 йил 21 август).

Абдурашидовни уйида сақлаган бош вазир уни воҳада олиб қолишга интилмасин, чор маъмурлари бунга йўл қўймайдилар.

Сарой эса бу пайтда фитна уясиға айланиб бўлган, Исломхўжага мухолиф саналган ҳар иккала гуруҳни Амударё бўлими қўллаб турганди.

Қолаверса, фитнакор Ҳусайнбекка подполковник, укаси Омонгалдига эса биринчи даражали Муқаддас Анна ордени бекорга берилмаганди. Оға-ини Матмуродовлар чор ҳукуматининг энг ишончли одамлари эди, уларни шу боис тақдирлашганди.Ҳатто, ҳар иккала гуруҳнинг 1911 йилда тортиб олинган молу-мулкининг қайтариб берилишидаям чор ҳукуматининг қўли бор эди.Амударё бўлими бошлиғи полковник Колсовский уларга ёрдам бериб, қўллаб турганди.У 1914 йил 31 декабрда Туркистон генерал-губернаторига юборган ахборотида "Бизнинг Хива хонлиги саройидаги фитналарга аралашувимиз ва хон саройида Матмуродовлар гуруҳини тиклашимиз бош вазир Исломхўжанинг қатлига омил бўлган сабаблардандир", дея ёзганди.

Ҳатто, Асфандиёрхон полковник Колсовскийнинг Матвафо Баққоловни бош вазирликка тайинлаш ҳақидаги таклифига эътиroz билдирганида, у " Матвафо сенга керак бўлмаса менга керак", деб маҳаллий ҳукмдорни-

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Хива хонини жеркиб ташлаганди. Кўриниб турибдики, хонни ҳам назарига илмайдиган полковник Колосовскийга Матвафо Баққоловдек фитнакор малайлар керак эди..

Хон саройида таржимонлик қилган В.Н.Корнилов эса "Матвафо Исломхўжа қатлининг айбдоридир.Бу фақат менинг эмас, балки хонлиқдаги инсонлар фикридир", дея ёзганди. Шу боисдан ҳам унинг Исломхўжага суиқасд қилинган пайтда Туркистон генерал-губернаторлигининг Петербург полиция департаменти вице-директорига юборган маълумотида, бош штабнинг Осиё бўлими бошлиғи генерал Цейлнинг бош вазир қатли бўйича ишни босди-босди қилгани,бу иш учун 200 минг рубл пора олгани, Цейл бу пулдан 20 минг сўмини ҳарбий министр Сухамлиновга бергани қайд қилинган.

Николай Романов Исломхўжа ўлимидан хабардор этилган бўлсада, у суиқасд тафсилотини суриштириб ўтирмади. Зоро, мустамлака ўлкаларда силлиққина сиёsat юритиш учун доимо у ерда фитна ва ифво чиқариб туриш, ўз юрти равнақини ўйлайдиган ислоҳатчиларни йўқ килиш мустамлакачиларнинг синалган усувларидан эди.Шунинг учун чор ҳукумати, жандармерия, Амударё бўлимига бошлиқ бўлган Гулушановский, Ликошин, Колосовскийлар Хива хонлигидаги фитнакор гуруҳларни рағбатлантириб, уларни Исломхўжага қарши гиж-гижлаб туришди.Хиванинг халқпарвар, маърифатпарвар, ислоҳотчи бош вазири Исломхўжа ана шундай қаттол сиёsat, фитна қурбонига айланганди.

Тарихни тўғриси ўзгартириб бўлмайди. Бироқ у ҳаёт бўлганида қандай бўларди дея тахмин эмасу, мулоҳаза, мушоҳада қилиб бўлади. Агарки Исломхўжага рақиб иккита гуруҳ бўлмай, ёки улар бош вазирга таъсир ўтирадиган даражада кучга эга бўлмаса ва ислоҳотчи 41

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

ёшида вафот этмаганида бизнингча у кейинги даврдаги имкониятлардан фойдалана оларди.

Биринчидан, “Ёш турклар” таъсиридаги “Ёш хиваликлар” нинг Хоразмдаги лидери табиийки Исломхўжа бўларди.

Иккинчидан у 1917 йил Россиядаги сиёсий ўзгаришлар туфайли Николай Романовнинг тахтдан четлатилиш вазиятидан, худди Польша, Финландия сингари чор мустамлакачилари сингари унумли фойдаланиб Хоразмнинг истиқлолга эришишини таъминлаган бўларди.

Яъни айнан 1917 йил апрелидаги манифест ва намойишларни Ҳусайнбек Матмуродов, Бобоохун Салимов, Полвонниёзҳожи Юсупвлар ва Назир Шоликовлар эмас, ўзи ташкиллаштирган ва ҳукumat, ёки парламент раислигини қўлга киритган, куёви Асфандиёр билан ҳам зиддиятга эмас, муросага борган бўларди.

Маълумки, Полвонниёзҳожи Юсупов 1920 йил апрелидаги қурултойда Хоразм халқ республикаси ҳукуматининг раислигига сайланган. Агар Исломхўжа 1917 йилдаги имкониятдан қандайдир сабабли фойдалана олмаган тақдирда ҳам, 1920 йил апрелидаги қурултойда Хоразм лидери сифатида ҳукumat раислигига сайланиши муқаррар эди. Ҳаттоқи 1920-24 йиллардаги республика даврида худди Усмонхўжа, Файзулла Хўжалар Бухорони мустақил бошқаришга интилганлариdek, Хоразмнинг ҳам ташқи сиёсатини ўзи идора этишга сиёсий ирода, қаътият топган бўларди.

Афсуски, тақдирни азал туфайли 1913 йил августида Исломхўжа суюқасд қурбони бўлди ва унинг Хоразмни саноатлаштириш, хориж капиталини олиб келиш,

ёшларни хорижда ўқитиши, умуман олганда ислоҳотчилик дастури тўлақонли бажарилмай қолди.

Бироқ, шундай бўлсада, Исломхўжа жаҳон халқлари тараққиётидан бир неча аср ортда қолган, баъзи соҳаларда ўрта асрча мустабидлик ҳукм суроётган Хива хонлигига ўзгариш ясашга уринди ва дастлабки натижаларга эришдики, булар тарих сахифаларидан ёрқин жой олди.

ҲУСАЙИНБЕК МАТМУРОДОВ

“Ёш хиваликлар” ҳаракатининг лидерларидан бири сулола тарзида Хива хонлигига муҳим ўрин, нуфузга эга Ҳусайнбек Муҳаммадмуродов эди..Матмурод девонбеги - нинг ўғли бўлган ушбу шахс тарихий асарларда ва айrim ҳужжатларда Ҳусайнбек Матмуродов номи билан ҳам қайд қилинади. Россиянинг 1873 йилги босқинчилигига қарши курашган қаҳрамон-Матмурод девонбенининг ўғли бўлганидан, ўз даврида ҳукмдорлар ва оддий халқ томонидан ҳурмату эътиборга лойик шахс сифатида қаралган.. Болалигига отаси томонидан қози Иноятулла охун ва қозикалон Салимохун, Юсуф ҳожи Доий сингари ўз даврининг машҳур шахсларига шогирд қилиб берилганидан, ҳуқуқий, сиёсий салоҳияти ўз даврининг энг тараққийпарвари бўлиб шаклланишига таъсир қилган.

У дастлаб. Хивадаги мактабни тамомлаб Муҳаммад Раҳимхон 2-Ферузхон мадрасасида таҳсил олади. Мадраса таҳсили давомида дин ва фиқҳ илмини эгаллаш билан бирга адабиёт, шахмат билан ҳам жиддий шуғулланади. Мадраса таҳсилидан сўнг Ферузхон саройида, сўнгра Янги Урганч ҳокимлигига божимон сифатида фаолият кўрсатади. Маърифатпарвар Ферузхон унинг ижодкорлик

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси
қобилиятини англағач, унга Нозирий тахаллусини қўллади.

Шу тарзда у нафакат Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол шахси, балки мумтоз адабиётга хос кўплаб ғазаллар ёзиб бой ижодий мерос қолдирган ижодкор сифатида ҳам тарихда қолди. Нозирийнинг адабий асаллари Тошкентдаги шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Ҳусайнбек ёш бўлишига қарамай, 1873 йилги Россия босқинига қарши отаси қўшинида босқинчиларга қарши курашади ва истилодан сўнг отаси билан бирга дастлаб Казалинск, сўнгра Калугага сургун қилинади. Сургундаги даврида-1876-78 йилларда Воронежга бориб, шаҳардаги кадетлар ҳарбий корпусида таҳсил олади. Рус тили ва адабиётини, ҳарбий таълим соҳасини чуқур ўрганади. Отаси билан сургундан қайтиб келиб божимонлик фаолиятини давом этдиради. 1901 йилда отаси вафот этгач Ферузхон даъвати билан Ҳусайн Муҳаммад Мурод ўғли девонбеги вазифасига киришади. 1905 йилда Хивада ўз номига 18 ҳужралик мадраса барпо этдиради.

Ҳусайнбек 1910 йилда Ферузхон вафот этгач Асфандиёрхон даврида ҳам девонбеги лавозимида фаолият кўрсатади.Хонликдаги муҳим амалдор бўлганидан, Ҳусайнбек Муҳаммадмуродов 1912 йилда Асфандиёрхон бошлигидаги делегация таркибида Москва, Санкт-Петербург шаҳарларига ташриф буюриб, император Николай Романов ва сарой амалдорлари билан учрашган.

Бироқ вақт ўтиб, бош вазир Исломхўжанинг ер сув ислоҳоти жамиятда тадбиқ этила бошлагач, Ҳусайнбек девонбеги, Шайхназарбой ясовулбоши, Омонгалди Сардор, Соибназар меҳтарлар билан Исломхўжа ўртасида

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

айрим зиддиятлар келиб чиқади. Натижада Асфандиёрхон қайнотаси ва бош вазир Исломхўжанинг ислоҳотларини қўллаб, Ҳусайнбек ва унинг укаларини ҳисбга олдиради. Бироз вақтдан сўнг улар авф этилиб, яна саройдаги ишига қайтишади. Натижада Матмуродовлар сулоласининг мақеи яна ошгач, Ҳусайнбек саройда яна ўз нуфузига эга бўлади ва Асфандиёрхонга ҳамроҳлик қилиб Россияга бориб келади.

Бу даврга келиб дунёдаги вазият ўзгара бошлаганини сезган тараққийпарварлар сингари, Ҳусайнбек ҳам жадидчилик ғояларини қўллаб, давлатчилиқда ўзгариш ясаш имкониятини англайди. Натижада, 1914 йилларга келиб жадидчилик ғоялари Ҳусайнбек ва унинг сафдошларини “Ёш хиваликлар”номи билан сиёсий фаолият кўрсатишига имкон яратади. Ҳусайнбекнинг Патракдаги уйида ва бошқа ҳудудларда ушбу гуруҳнинг йиғилишлари бўлиб ўтади ва ундаги мавзулар дунё сиёсати, ўзгаришлар ва истиқболдаги давлатчилиқни ислоҳ қилиш эди..

Тарихдан маълумки, 1917 йили империя маркази-Петрограддаги феврал инқилобидан сўнг “Ёш хиваликлар” фаоллиги ошиб, апрель ойида Хивада намойиш ташкил этилади. Намойиш ва монархияга қарши ислоҳотлар манифестининг ташкилотчиси ҳам бевосита Ҳусайнбек Матмуродов-шоир Нозирий эди. Бироқ хонликда парламент-“Идораи маршрутия” фаолияти кўп вақт ўтмай тўхтатилди. Натижада кўпчилик “Ёш хиваликлар” Тўртқўл, Чоржўй, Тошкент ва бошқа ҳудудларга қочиб кетишга мажбур бўлишди. Ҳусайнбек Матмуродов эса Толиб маҳсум, Исоқхўжа ва Абдусаломхўжалар билан Асфандиёрхон ҳукмига қўра қамоқقا олиниб, маълум бир муддат Кўша дарвоза ёнидаги ҳисбхонада сақланади. 1918 йилда эса Дошёқ

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

қишлоғидаги Қўрпқўл ҳудудида хон навкарлари, ёвмуд аскарлари томонидан отиб ташланади. Полвонниёзҳожи Юсупов ва бошқа сафдошлари томонидан Ҳусайнбек жасади Шоҳимардон қабристонига дафн этилади.

Ҳусайнбек Матмуродов шахсияти , ҳаёти ва жадидчилик ҳаракати ва Хоразмда кечган ижтимоий-сиёсий фаолияти , айниқса адабий мероси тўлиқ ўрганилмаган бўлиб, маҳсус тадқиқотни талаб қилади.

ПОЛВОННИЁЗҲОЖИ ЮСУПОВ

...Исломхўжанинг 1913 йилдаги, Ҳусайнбек Матмуродовнинг 1918 йилдаги вафотидан сўнг Хоразмда жадидларнинг лидери Полвонниёз Юсупов бўлган. Исломхўжанинг котиби, маҳрами бўлган бу шахс вақт ўтиб, Хоразм халқ республикаси ҳукумат раиси сифатида ўша даврдаги вазиятдан унумли фойдаланиб, давлатчиликни тиклаш, мустамлакачиликка чек қўйишга интилди.

Полвонниёз Юсупов 1861 йили Хивада-савдогар оиласида туғилган бўлиб, 10 ёшигача ота-онаси қарамоғида вояга етган. Афсуски, 1871 йилларда ота-онаси вафот этгач амакиси Юсуфбой уни ўз тарбиясига олади. Амакиси Юсуфбой уни Хивадаги мактабда ўқиб савод чиқаришига, ўзи каби савдогарчилик илмини эгаллашига имкон яратади. Савдогарчиликга ихлос қўйган Полёз (Хоразмда уни анъанавий, одатдагидек исмини қисқартириб аташган) амакиси билан 1877 йили Россияга, 1904-05 йилларда Эрон, Туркия, Миср, Сурия ва Арабистонга сафар қилади. Макка ва Мадина шаҳарларини зиёрат қилиб Хоразмга Полёзҳожи сифатида қайтиб келади.

Полвонниёзҳожи савдогарчилик орқали шиддатли равишда ўзгариб бораётган давр янгиликларидан баҳра

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

олади. Рус, форс, араб тилларини ўрганади. Ўз даврининг илғор зиёлиси сифатида Россия, Туркияда нашр этилиб турган газета-журналларни ўқиши одат қиласди. Турли давлатларда кўрган-кузатганлари, ўқиб ўргангандар асосида илғор, тараққийпарвар фикрлар билан танишади. Уни айниқса Ислом Гаспринскийнинг жадидчилик ғоялари ўзига тортади.

Айни пайтда савдогарчилик ортидан Хивада етук сармоядор, қолаверса ҳожи сифатида ўзига яраша обрӯ-эътибор топади. Хива хони саройидаги амалдорлар орасидан ҳам ўзига маслақдошлар топади. Полёзҳожини ўзига яқин олган амалдорлар орасида йирик мулқдор, девонбегилар сулоласига мансуб Ҳусайнбек Матмуродов бор эди.

1912 йилда Хива хони Асфандиёрхон Россия ва Кавказга сафар қиласкан, Ҳусайнбек Матмуродовни, шу жумладан Матмуродовга саркотиб сифатида Полёзҳожини ҳам ўз сафардошлари қаторига қўшади.

1913-14 йилларда Асфандиёрхон саройида авж олган турли гуруҳбозлик туфайли хонликда зиддиятли воқеалар авж олиб кетади. Тараққийпарвар бош вазир, хонликда жуда катта ислоҳотларни бошлаб юборган Исломхўжа 1913 йил августида ўлдирилади...

Асфандиёрхон турли гуруҳбозлар иғвосига берилиб ўз амалдорлари фитнаси гирдобига тушиб қолади. Натижада 1904-05 йилларда шакллана бошлаган, одатда ўз дўкон, уйларидаги зиёфатларда бирика бошлаган мулқдор, савдогарлардан иборат қатlam, 1910-14 йилларда манфаатлар гуруҳи сифатида тўпланди. 1917 йилга келиб сиёсий жараёнларнинг кучайиши, Петербургдаги императорнинг тахтдан қулатилиши, вақтли ҳукумат берган эркинликлар, қолаверса 1-жаҳон уруши бўлиб турган вазиятдаги бошбошдоқлик туфайли,

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

мустамлака хонлик Хивадаям мухолифат сиёсий куч сифатида намоён бўла бошлади. Ана шу сиёсий кучни юзага келтирганлар сафида Ҳусайнбек Матмуродов, Назир Шоликаров, Бобоохун Салимовлар қаторида Полёзҳожи Юсупов ҳам бор эди.

Ана шу сиёсий куч 1917 йил 5 апрелида Хоразм тарихида илк бор халқни намойишга чорлаб, Асфандиёрхон саройида уни манифест имзолашга, идораи маршрутия-парламентар кенгаш тузишга мажбур қиласди. Ўша йилнинг кузидаги ташкил этилган кенгаш Асфандиёрхон ва унинг муттассиб амалдорлари томонидан тарқатиб юборилгач, юқоридаги шахслар (Ҳусайнбекдан ташқари) турли шаҳарларга бошпана излаб, сиёсий қочоқ сифатида кетишга мажбур бўлади.

Натижада ўзларини “Ёш хиваликлар” дея атаган гуруҳнинг Тошкент, Тўртқўл шаҳарларида инқилобий қўмиталари юзага кела бошлайди. Шу тариқа Полёзҳожи Юсупов ҳам 1918-20 йилларда Тошкентда муҳожир сифатида яшашга мажбур бўлади. Бу даврда у Тошкентдан ўзлари каби бошпана топган “Ёш бухороликлар” ва бошқа тараққий парвар кишилар билан танишади. Қолаверса Тошкентда ўтган 2 йил тарихимиздаги энг сиёсий воқеаларга қайноқ, шиддатли ва зиддиятли воқеаларга бой давр эди.

Ана шундай воқеалар силсиласида Полёзҳожи ва унинг сафдошлари фикрлари янада қаътийлашди. “Ёш хиваликлар” партияси 1918 йил 5 июнда ўз дастури, тузилиш, муҳрига эга бўлган расмий ташкилот сифатида тўла шаклланди. Улар дунёқарашининг шаклланиши ва тадрижий ривожланишида хонликдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий тузум, Туркия, Эрон, Россия ва Туркистондаги сиёсий ўзгаришлар, 1917 йил ноябр, 1918 йил январидаги Кўқон воқеалари, ўлкада кечган сиёсий

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

ўзгаришлар объектив шароит сифатида катта таъсир кўрсатди. Шу билан бирга рус инқилобчилари, солдат шўролари, Туркистондаги маҳаллий инқилобчилар таъсири субъектив омил сифатида катта роль ўйнади.

Ана шу ташкилот ва унинг маслақдошлари 1918 йил октябрида Асфандиёрхоннинг фитна туфайли ўлдирилиши, 1920 йил Сайд Абдуллахоннинг тахтдан қулатилишига сабаб бўлишди. Большевиклар мададига таяниб XXРни ташкил этган ҳам, унинг илк раҳбарлариям Полёзҳожи ва сафдошлари эди.

1920 йил апрелидаги ХХРнинг 1-қурултойида шу боис Полвоннёзҳожи Юсупов ҳукумат бошлиғи қилиб сайланган. Аммо миллий ва мустақил сиёsat юргиза бошлаган П.Юсупов ҳукумати РСФСРнинг Хоразмдаги вакиллари, шовинист шахсларга ёқмади. Натижада 1921 йил мартаида Полёзҳожи ва унинг ҳукумат нозирлари мажбурий равишда ишдан олинади, ўзлари бадном қилинади. Полёзҳожи ва баъзи сафдошлари қочиб яширинишга мажбур бўлади.

Гарчи Полёзҳожи кейинчалик Отамахзумохун Муҳаммадраҳимов ҳукумат раислигига келган пайтда “оқланиб” яна ХХСРнинг молия, солиқ ишларида фаолият юрита бошласада, бутунлай сиёsatдан чекинишга ҳаракат қиласади. Зеро, кучлар нисбати РСФСРнинг шовинист арбоблари қўлига бутунлай ўтиб кетганди.

Хуллас, 1924-25 йиллар воқеаларидан кейин Полёзҳожи Хива музейида оддий ходим сифатида ишлайди, воқеаларнинг боришини кузатиб боради.

Хасталик, кексалик боис 1936 йилда вафот этади.

Табиийки, ўз даврининг илғор зиёлиси, доимий равишда газет-журналларга ошнолик, қолаверса сиёсий воқеаларнинг “қайноқ” жараёнида кечган умр сабаб, у тарихнинг жонли гувоҳи сифатида кундалик ёзишни

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

одат қилганди.Хива музейидаги сокин ҳаёт уни кундаликлар асосида хотиралар ёзишга ундейди.

Натижада унинг ноёб воқеалар, жараёнларни қамраб олган хотиралари 1926 йилда юзага келади.Араб алифбосида битилган Полвониёзхожи Юсуповнинг хотиралари 644 бетдан иборат бўлиб, унда муаллиф ўзи кўрган, кузатган, ўзи бошидан кечирган Хоразмдаги, шунингдек Туркистон ўлкасидаги воқеликни қаламга олади.

Катта ҳажмли асар асосан кундалик дафтар асосида ёзилгани боис, унга бирон ном, мавзу, бўлим, боб қўйилмаган. Полвониёзхожининг асаридағи воқеалар асосан 1910-25 йилларда кечган жараёнлардир.

Маълумки, Хоразм тарихнавислигида Беруний, Ўтамиш ҳожи, Абулғози, Мунис, Огаҳий, Баёний, Бобожон Тарроҳлар воҳада кечган воқеалар силсиласини ўз асарларида ёритиб, келажак авлод учун катта маънавий мерос, мозий илмини эгаллашдаги муҳим манбани эсадалик сифатида қолдиришган. Полвониёзхожи Юсуповнинг ушбу хотиралари ҳам ана шундай асарлар сирасидаги асарлардан ҳисобланади.

Хотиралар шу боисдан ҳам ўз даврида, ҳали Полёзхожи ҳаётлигига ёқ кўпчилик илмли инсонлар эътиборини тортган.Шу боисдан Полёзхожини яқиндан билган,Хоразмда кечган сўнгги жараёнлар иштирокчиси, рус адиби Борис Чепрунов (1891-1938) “Хотиралар”ни рус тилига таржима қилганди. Рус тилига таржима қилинган нусха ҳажми машинкада 256 саҳифадан иборат.Бир неча нусхада босилган нусхалар Чепрунов томонидан собиқ МЛИ (марксизм ленинзм институти)нинг Ўзбекистон филиали партия архиви қўлёзмалар фондига, ЎЗФА Қорақалпоғистон филиали кутубхонасига (14-фонд, 2-иш) юборилган.

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Чепруновнинг ушбу таржима нусхасидан Хоразмнинг 20 асрдаги биринчи чорагига доир асарлар ёзган кўплаб тадқиқотчилари фойдаланишган. Буларга Г.Непесов (“Из истории Хорезмской революции”, Т, “Узбекистон” 1962), К.Муҳаммадбердиев (“История Хорезмской революции”, Т, “Фан”, 1986), И.В.Погорельский (“История Хивинской революции и Хорезмской Народной Советской Республики” Л, “Университет, 1984) Н.Қаландаров (“Образование и деятельность ХКП”, Т, “Узбекистон”, 1975)ларни ва уларнинг яратган шу ва бошқа тадқиқот ишларини кўрсатиш мумкин.

Афсуски, уларнинг ва бошқа муаллифларнинг асарларида кўп йилларгача Полвониёзҳожи Юсупов номи кўрсатилмай келинди. Чунки совет мафкураси Полвонниёз ҳожи Юсуповни ва у бошчилик қилган ҳукуматни “миллий буржуа ҳукумати” дея атаб бадном қилиб келарди. Шу боис юқоридаги ва шу мавзуга доир асарларда Полвонниёз ҳожи Юсуповнинг фаолияти тўла ёритилмай, фақатгина Юсупов ҳукумати дея чекланган, бирёзлама тарздаги маълумот билан кифояланиб келинди.

Ваҳоланки ўз давридаёқ Полвонниёз ҳожи Юсупов ва уларнинг “инқилобий фаолияти”, ҳукумати тўғрисида К.Хромых (“Создание фронта в Средней Азии. Хорезмская республика” (Военная мысль”, 1920, 3 1, стр 7) Г.Б.Скалов (“Хивинская революция 1920 года”, “Новый Восток”, 1923, № 4, стр 250), А.Виноградова (Хорезмская Советская Народная Республика” , “Жизнь национальностей”, 1923, Кн.1, стр 183)ларнинг мақолалари яратилганди.

Сталин ҳукмронлиги даврига келиб эса ХХР ва унинг арбоблари тўғрисида фақат бир ёқлама асарлар яратиш анъанаси пайдо бўлиб, кейинги даврдаям бу анъана шу

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

мафкуравий асосда давом этиб келди.

Фақатгина Хрушчёв яратган “илиқлик”, қатағон қурбонларининг оқдана бошлишидан сўнггина Полвониёзҳожи ва унинг сафдошлари тўғрисидаги айrim таъкидлар пайдо бўла бошлади. Х.Девонов, Н.Шоликаровлар оқланган бўлса, Полвонниёз ҳожининг яратган мемуари тўғрисидаги илк мақола М.Х.Алиакберов томонидан (“Общественные наука в Узбекистане” журнали, 1968 йил 2-сон) ёзилди.

Ана шундан сўнг то истиқлол давригача Полёзҳожи Юсупов ва унинг фаолияти тўғрисидаги биронта ҳаққоний китоб тугул, мақолаям ёритилмади. Фақатгина истиқлолдан сўнг, “Туркистон” газетасининг 1992 йил 14-15 феврал сонларида “ Отилганлар ва сотилганлар “ (муаллифлар Рўзимбой Ҳасан ва Абдулла Абдурасулов) мақоласи чоп этилиб, унда Х.Девонов, Н.Шоликаров, Б.Салимовлар қаторида Полёзҳожи фаолияти қисқа бўлсада ёритиб ўтилди.

Истиқлол берган имкониятдан фойдаланиб, тарихшуносликдаги шу даврга оид бўшлиқни тўлдириш, тарихни ҳаққоний ва холис ёритиш бўйича ташланган илк қадам Мақсуд Маткаримовга тегишли бўлди. Иқтисод фанлари номзоди, доцент М.Маткаримов 1993 йилда “Хоразм” нашриётида “Хоразм республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди” дея номланган китобини чоп этдирди. Ушбу асарда илк бора XXР фаолияти, нозирлари олиб борган сиёsat ҳаққоний ёритилиб, Полёзҳожи фаолияти ҳам қаламга олиб ўтилганди.

1999 йилда эса тарих фанлари номзоди, профессор Матёқуб Матниёзов томонидан “Полвонниёз ҳожи Юсупов ва унинг “Хотиралари” ҳақида”ги мақола яратилди.

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

2007 йилда эса О.Қўшжонов ва Н.Полвоновлар томонидан “Хоразмдаги ижтимоий сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар”, 2011 йилда эса ЎЗМУ доценти, тарих фанлари номзоди Неъматжон Полвонов томонидан “Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи” (1900-1924) дея номланган, мавзу ҳаққоний ёритилган монография чоп этилди.

Хуллас, истиқлол шарофати боисгина Полвонниёз Ҳожи Юсупов ва ХХР ҳукумати, нозирлари, уларнинг фаолиятини ёритиш кенг кўламда, холислик асосида амалга оширилди.

Энг асосийси Полвонниёз Ҳожи Юсуповнинг “набираси Анвар Отабоевда сақланиб келинган “Хотиралари” 1995-98 йиллар давомида Болта Давлетов, Бахтиёр Отажоновлар томонидан араб алифбосидан кирилчага айлантирилди.

Маълумки, Болта Давлетов Бодил тахаллуси билан танилган шоир, Хонқа, Хива туманлари биринчи котиби, Хоразм вилоят ижроқўми раиси, обком котиби бўлиб ишлаган раҳбар, зиёли инсон эдилар. Болта Давлетовнинг ўғли, кинорежисёр Солий Давлетов Полвониёзҳожининг асарини араб алифбосидан кирилчага айлантириш жараёни ҳақида шундай дейди:

-Асли муллалар авлодидан бўлмиш Бахтиёр Отажонов ҳар гал хонадонимизга келиб, катта ҳажмли қўлёzmани эринмай, машаққатлар асосида кирилчага айлантиришди. Тушунмовчилик туғдирган сўзларни қўshнимиз, профессор Отаназар Мадраҳимовдан сўраб суриштиришарди. Хотираларни чоп этиш ташаббускори ҳам отам билан бирга Отаназар aka эди деса бўлади. Машҳур санъаткор Шерозийнинг фарзанди бўлмиш Отаназар aka ғоятда илмли инсон бўлиб, Полёзҳожининг асари ғоятда сифатли, Девонов туширган расмлар

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

асосида нашр этилиш тарафдори эди...

Хуллас, бир неча йиллик мاشаққатли меҳнатлар натижасида Болта Давлетов ва Бахтиёр Отажоновлар саъий ҳаракати, Анвар Отабоевнинг интилишлари сабаб “Хотиралар”нинг кирилча варианти юзага келди.

Полвониёзҳожи Юсупов 25 йиллик воқеаларни ёритиш жараёнида воқеаларнинг жонли гувоҳи сифатида асарга қўл ураркан, айрим ҳодисаларни қисқа, баъзиларни қолдириб тасвирлаган бўлиши мумкин. Аммо у 20 асрдаги Хоразм тарихининг чорак асрини ўқувчи кўз олдида гавдалантира олишга эришган.

Асар 1926 йилда, шўро мағкураси кучга тўла бошлигандан пайтда ёзилгани учун айрим воқеалар, масалан 1924 йилдаги Қаландар Одинаевдек жасоратли арбоб, XXR раҳбарининг фаолиятига қисқа тўхталган. Шунингдек, 1920 йил кузида Хивада яширинча тўрт ойча бўлган Закий Валидий тўғрисидаям бирон сатр ёзиб ўтмаган. Ваҳоланки, Бекжон Раҳмон, Худойберган Девонов, Полёзҳожи Юсуповлар ҳар куни, Закий Валидий билан бораётган жараён, келажак истиқболлари тўғрисида суҳбат қуришган. Орадан вақт ўтиб Закий Валидийнинг 1969 йилда Истамбулда чоп этилган “Хотиралари”да бу суҳбатлар қисқача бўлсада ёритиб ўтилди. Шунингдек, 1937 йилда қамоққа олинган Полвонниёзҳожи Юсуповнинг сафдоши Назир Шоликаровнинг тергов кўрсатмаларида Закий Валидийнинг Хивада кечирган ҳаёти акс этган.

Асарнинг яна бир қимматли томони унда Бобоохун Салимовнинг Россияга қилган сафари, Кремлда Ленин, Чичерин, Карабах, Бродолар билан олиб борилган музокаралар, XXR ва РСФСР ўртасидаги шартноманинг акс этдирилганидир. Полёзҳожи XXR раҳбари, қолаверса Бобоохуннинг дўсти бўлганидан делегация раҳбарининг

сафарномаси унга тақдим қилинганди.

Шу ўринда балки Бобоохун Салимовдек хонлик даврида қозикалон, ХХР даврида нозир бўлган шахс ҳам фақат саёҳатнома эмас, Полвониёзҳожига ўхшаш ўз бошидан кечирган “Хотиралар” ёзгандир, деган тахмин ҳам пайдо бўлди. Худойберган Девонов сулоласига мансуб 82 ёшли Абдулла Юсуповнинг сўзларига кўра, у 1983 йилда Қорақалпоғистонда яшовчи Бобоохуннинг ўғли Соатаддин буванинг уйида бўлган. Ўшандаги сухбат чоғида ҳажми анча катта, араб алифбосидаги Бобоохуннинг қўлёзмасини у А.Юсуповга кўрсатган. Абдулла Юсупов араб алифбосини яхши билганидан Бобоохуннинг ёзганларини ўқиб кўрган. Унда Бобоохуннинг Ленин билан учрашганига оид тафсилотга қизиқиб, шу мавзугагина кўз югуртирган.

-Ҳозир орадан анча йиллар ўтиб катта ҳажмли асар Бобоохун бошидан кечирган хотиралармиди, ёки Полвониёзҳожи “Хотиралари”га киритилган сафарномамиди, эслолмайман. Афсуски, Соатаддин бува ҳам оламдан ўтиб кетди,-дейди Абдулла ота.

Гурланлик Бобоохун авлодларидан суриштирувимиз ва уларнинг Қорқалпоғистондаги изланишларига кўра, Абдулла Юсупов кўздан кечирган қўлёзма тўлиқ сақланмаган. Афсус..

Шу ўринда Полёзҳожи “Хотиралари” каби Хоразм тарихига доир яратилган қўлёзмалар кўпчиликни ташкил этишини айтиб ўтиш керак. Масалан Муҳаммад Ёқуб Ахангаровнинг “Хоразм тарихи” материаллари”, Жуманиёз ҳожи Бобониёзовнинг “Хива инқилобий ҳаракати тарихига оид материаллар”, Ҳасан Мадаминовнинг “Хива хонлиги тарихидан лавҳалар” (1910-13 йиллар), Абдулла Болтаевнинг 85 дафтардан иборат, қарийиб 50 жилдни ташкил этувчи, ҳозиргача

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

умуман чоп этилмаган, жудаям ноёб, воқеалар холислик асосида ёритилган асарлари, Бобожон Сафаровнинг “Хоразм тарихи”, Матёқуб Отажоновнинг “Хоразмни ўрганиш учун материаллар” шулар жумласидан. Ушбу қўлёзмалар Хоразмнинг 20 асрнинг биринчи чорагига доир воқеалар ёритилган, манбаларни бир-бирига таққослаб ўрганувчи асарлар ҳисобланади. Қолаверса, муаллифларнинг айримлари айнан шу даврда Хоразмда раҳбарлик вазифасида, баъзилари воқеаларнинг жонли гувоҳи сифатида кўрган кечирғанларини қоғозга туширган зиёли шахслардир.

Асарни ноёб мулк сифатида сақлаган Анвар Отабоевга, арабчадан кирилчага айлантирган марҳум Болта Давлетовга, Бахтиёр Отажоновга, уларга кўмақдошлиқ қилган марҳум профессор Отаназар Мадраҳимовга, ўз қимматли маслаҳатларини берган Матёқуб Матниёзов, Солий Давлетов, Абдулла Юсуповларга миннатдорчилик билдириб қоламиз.

БОБООХУН САЛИМОВ

Хива хони қозикалони Салимохуннинг энг катта фарзанди бўлган Муҳаммад Карим-Бобоохун Хоразм Россия империяси томонидан истило қилинганидан тўрт йил ўтиб-1877 йилда туғилган.

Аввал оиласда ота-онаси, кейин мактаб тарбиясини олган Бобоохун Хивадаги Оллоқулихон мадрасасини ҳам ўқиб тугатади. Унинг ёшлиги ижтимоий сиёсий ҳаракатлар авж ола бошлаган XX асрнинг бошларига тўғри келганлиги боис, азалдан шижаотли ва журъатлилик умр сафардошига айланган бу инсон отаси вафот қилган вақтдан бошлаб қозикалон бўлиб ишлайди.

Ўзида нафақат лавозимига хос юксак исломий эътиқод, балки оддий инсоний ғуур кучли бўлган

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Бобоохун фуқароларнинг арз-додини тинглаш, турли жанжал ва шикоятларни адолатона йўл билан ечишга ҳаракат қиласди. Бироқ, феодал-монорхияга асосланган, бунинг устига мустамлака давлатда ижтимоий адолат борасида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Қолаверса, бальзи руҳонийларнинг муттасиблиги, бир қатор шарқ тилларини билган, ўз даврининг маърифатпарвар илғор зиёлилари билан яқин маслақдош бўлиш Бобоохунни жамиятда илғор тараққийпарвар кучлар билан бирлашиб, ислоҳатлар ўтказишга унади. Шунингдек, у жамиятда рўй берадиган салбий муносабатларни йўқотиш учун мудроқ ғуурни уйғотиш лозимлигини англаб етганди. Шу боис ҳам ўша даврдаги вазиятни чуқур анлаган Бобоохун ушбу шеърини қофозга туширганди:

*Хазон фаслида булбулдек,
Дил афгор ўлғон ўхшайдур.
Жаҳолат дардига барча
Гирифтор ўлғон ўхшайдур,
Суқут айлаб демас бу кун
Рост сўзни шайхулисломлар.
Халойиқ ичра бидъатлар,
Баддийдор ўлғон ўхшайдур...*

Бошқа бир шеърида эса қуйидаги жумлалар бор:

*Ожизо, шаҳри ичра ҳеч,
Ҳеч ким менга ғамхўр эмас,
Бош олиб саҳрога юргил
Бир мозори изладим.
Яъни узлат гулшанидан
Гул узори изладим...*

Ёки бошқа бир шеърида эса қуйидагича ёзган:

*Ожизо, зор қўнгиллар,
Бўлди хандон оқибат.*

Бизларга зулм этганлар,

Бўлди яксон оқибат...

Қодирберган ҳожи Низомиддинохун ўғлиниң отаси хотираларга таяниб айтишича “Бобоохун икки йилча қозикалон ноиби бўлиб ишлаб Асфандиёрхон билан иш юритиш борасида зиддиятлар келиб чиққани учун истеъфога чиқади ва Гурланга келиб дехқончилик билан шуғулланади. Бобоохуннинг айнан сарой амалдорлари олдида Асфандиёрхонга қозикалон ноиблиги муҳрини ташлаб истеъфога чиқиб кетишини, мутассиб диндорлар ва сарой амалдорлари “хонга қарши чиқиш” дея тушунтиришга уринишади ва уни жазолашни Асфандиёрхондан илтимос қилишади. Натижада кунлардан бирида Асфандиёрнинг навкарлари Гурлан беклигига келиб уни отмоқчи бўлганида қочишга муваффақ бўлади. Яна бир сафар навкарлар уни ушлаб Хивага олиб боришаётганда ҳозирги Қўшкўпир ҳудудидан қочиб Гурланга келади. Учинчи маротаба яна хон навкарлари уни ушлаб то Хивагача олиб борадилар. Бобоохун энди яхши инсонлар мадади билан Ичанқалъадан қочиб Амударё соҳилига яқин Хивадан анча олис-туркманлар ва қорақалпоқларга яқин мавзез-Жумуртоғдаги Эшонёп қишлоғига боради ва у ерда тирикчилигини қилиб юради. Дўстлари ёрдамида оиласини, укаларини ҳам Эшонёпга олиб боради”.

Бу вақтда Бобоохуннинг укаларидан Низомиддинохун Гурландаги уйларини ёвмудлар талаганини эшитиб Жунаидхон олдига боради. Негаки, Низомиддинохунга одамлар “уйларингни Жунаидхоннинг навкарлари талади” деб айтишганди. Ўша босқин пайтида ёвмудлар Гурландаги Иброҳим эшоннинг ҳам уйини талон тарож қилишган эди.

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Жунаидхон бу вақтда Тахта ҳудудида қароргоҳ барпо қилган эди. Гурландан отда Тахтагача бориш Низомиддинохунга осон бўлмайди. Йўлда Жунаидхоннинг пистирмалари бўлиб, у Жунаидхон олдига кетаётганини айтиб, текширувлардан ўтгач, Тахтадаги қароргоҳга етиб боради.

Чодирда ўтирган Жунаидхон Салимохуннинг ўғли келганини унга айтишгандаёқ тезда Низомиддинохунни қабул қиласи. Ҳол-аҳвол сўрашади. Воқеани эшитиб “Сиз нимага келганингизни биламан. Гурландаги уйларингни Исфандиёр Ушоқбекка талатган. Дунёхўр дунёхўрни топади” деган. Негаки, Ушоқбек ҳам туркман сардорларидан бўлиб, Асфандиёрхон билан ҳамкорлик қиласи. У Жунаидхон билан мухолифатда эди.

“Отамнинг айтишича,-дейди Қодирберган Низомиддинохун ўғли - Жунаидхоннинг маҳсиси ялтироқ бўлиб, узун чакмон кийган, елкаси кенг, бақувват одам бўлган”. Бу пайтда Жунаидхон ёнида Гурланнинг Бековулидан Юсуф эшон ҳам фаолият қўрсатаётганига бойча бўлганди. Юсуф эшон Жунаидхонга ўзидан кўра Низомиддинохуннинг илмий салоҳияти юқорилигини айтади. Натижада Юсуф эшон Бековулга қайтгач, шаърий, фикҳий масалалар бўйича Жунаидхон Низомиддинохунга мурожаат қилиб турган.

Шу тариқа Бобоохун 1917 йилда “Ёш хиваликлар” Асфандиёрхонга нисбатан Хивада намойиш ўтказгунча Эшонёп қишлоғида дехқончилик қилиб яшайди. Ўша йили у Хивадаги давлат ва жамиятда ислоҳотлар ўтказиш орқали ўзгариш ясашга интилаётган Полёзҳожи Юсупов, Ҳусанибек Матмуродовлар сафига келиб қўшилади. Бу пайтга келиб 1917 йилдаги чоризм пойтахтидаги февраль инқилобидан сўнг Асфандиёрхоннинг мустабидона сиёсати таъсири пасайганди. Баҳром Ирзаевнинг

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

таъкидлашича, “Бобоохун уммат ва миллатни жаҳолатдан, маърифатсизликдан фаровонлик ва тараққиёт сари элтишга бел боғлайди. Гарчи, жадидчилик ҳаракатига хон, унинг таянган амалдорлари ва аксар мутаасиб диндорларнинг қаршилигини билгани ҳолда уларни қўллаб қувватлади. Боиси, Бобоохун Салимовга ўрта асрча одатлар устувор Хоразм хонлиги эмас, тараққий топган Ватан керак эди. Шу мақсадда ўз даврининг маърифатпарвар илғор зиёлилари билан яқин алоқада бўлди. Жамиятдаги илғор тараққийпарвар кучлар билан бирлашиб, хонни ислоҳот ўтказишга ундади”.

Давлат мукофоти лауреати, наққош уста Абдулла Болтаев ўз эсдаликларида ёзишича эса, “Бобоохун Салимов 1917 йил 5 апрелдаги Кўҳна Арк олдидаги намойишда Полёзҳожи Юсупов, Назир Шоликоров, Ҳусайнбек Матмуродов, Жуманиёз Султонмурадовлар билан бирга иштирок қиласди”.

1917 йил феврал ойида империя марказида юз берган буржуа инқилобининг таъсири ўлароқ Хивада юз берган бу ҳодисада “Ёш хиваликлар” Асфандиёрхонга ўзларининг қарашлари акс этган манифестни топширадилар. Манифестдан феодал монархияга асосланган хонликни “Идораи маршрутия” орқали бошқариш каби демократик ислоҳатлар ўрин эгаллаганди.

Манифест эълон қилинган 5 апрель куни Ҳ. Матмуродовнинг уйида “Ёш хиваликлар”нинг мажлиси-давлатни бошқаришнинг янги усули-Идораи маршрутия тузилди. Нозирлар Кенгаши бошлиғи қилиб Ҳусайнбек Матмуродов, Мажлис (парламент) раиси қилиб эса Бобоохун Салимов сайланади. Биринчи даврада “Идораи Маршрутия”- вакиллар Кенгашидаги аъзолар сони 17 та

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

эди. Кейинчалик аъзолар сони 23 кишига етди. Бобоохун Салимов воҳадаги реал вазият билан яхши таниш бўлганлигидан, унинг маслаҳати асосида туркман, қорақалпоқ ва қозоқларнинг вакиллари киритилиши натижасида аъзолар 49 кишини ташкил этди.

Полёзҳожи Юсуповнинг “Хотиралари”га қўра, апрел ойидаги хурриятпарварлик ҳаракатида Бобоохуннинг роли катта бўлган. У “Ёш хиваликлар”дан иборат “Идораи маршрутия” ишини ташкил қилиш, фуқаролар эркинлигига оид ислоҳотлар ўtkазиш ташаббуслари билан чиқади. Бобоохун етук хуқуқшунос бўлганлигидан Хивадаги чор армияси командирлари, муттассиб диндорлар билан музокара, мунозараларда уларни мантиқли, диний ва дунёвий асосдаги савол-жавоблар билан енгиб чиқади. Тарихчи Баҳром Ирзаевнинг фикрича “хон хокимиятини чеклаб, давлат бошқарувини маълум даражада қўлга олган “Ёш хиваликлар” ўз олдиларига йўл ва кўприклар қуриш, хонликнинг бутун ҳудудида янги усул мактабларини ташкил этувчи қўмита тузиш, сув тақсимотини ислоҳ этиш, мажбурий ишларни бекор қилиш, давлат маблағлари сарфланиши устидан назорат учун молия вазирлиги ташкил этиш, касалхоналар қуриш ва бошқа ўз даврининг долзарб вазифаларини ҳал этиш мақсадида амалий фаолиятга киришадилар. “Ёш хиваликлар” ҳукуматининг мамлакатни бошқаришда тажрибаси етишмади ва сайловлар ўtkазиш, молия соҳаларида катта қийинчиликларга дуч келди. Муваққат ҳукумат ёрдам бериш ўрнига Хива хонлигига ўзгаришларни амалга оширишни таъқиқлаб қўяди ва аксинча, Мирбадаловга “Ёш хиваликлар” ҳукуматининг хонлик бошқарувига оид ислоҳотларини қаттиқ назорат остига олишни топширади.

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

Асфандиёрхон “Ёш хиваликлар” ҳукуматини халқ орасида обрўсизлаштириш мақсадида ҳар ишни қилди. Ҳатто, туркман сардорларига турли инъомлар бериб, шаҳар ва қишлоқларга ҳужум қилишга ундейди. “Ёш хиваликлар” ҳукуматида талончиларга қарши курашиш учун курол йўқ эди. Рус қўшинлари Мирбадалов қўл остида эди. “Ёш хиваликлар” ҳукуматининг Тошкентга қурол-яроғ сўраб қилган мурожаати ҳам натижасиз тугайди.

1917 йил 23 майда Асфандиёрхон Жунаидхон билан тил бириктириб “Идораи машрутия”ни тугатади. Ҳалокат хавф солган “Ёш хиваликлар”нинг айримлари Петро-Александровск, Тошкент, Чоржўй, Мари каби шаҳарларга қочиб, ҳаётини сақлаб қоладилар. 1917 йил июнь ойида хон тарафдори бўлган бир гуруҳ диндорлар ва амалдорлар пайтдан фойдаланиб, Кўҳна Арк яқинида “Ёш хиваликлар” ҳукуматига қарши намойиш уюштиради ва уларни “диндан қайтганлар” деб эълон қилади. Намойиш тамом бўлгандан сўнг мажлиснинг фаол аъзоларидан 17 киши бош вазир Ҳусайнбек Матмуродов билан бирга қамоқقا олинади.

1917 йил сентябрида Хивага келган Оренбург казак қўшинлари қўмондони полковник И.М.Зайцев кўмагида Асфандиёрхон яна демократик ислоҳотларни чеклашга муваффақ бўлади. 1917 йил 21 ноябрда Муҳаммад Раҳимхон мадрасасида “Ёш хиваликлар”ни бутунлай йўқ қилишга ҳукм қилинади. Натижада “Ёш хиваликлар” Тўртқўлга қоча бошлашади. Ҳаракат етакчиларидан Паҳлавонниёз ҳожи Юсупов, Назир Шоликовлар Тошкентга келиб, 1917 йил 30 декабрда Асфандиёрхон томонидан ҳибсга олинган дўстларини озод қилишда ёрдам сўраб Туркистон ХҚСга, сўнг Туркистон МИКга мурожаат этади. “Ёш хиваликлар” раҳбарлари

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Полвонниёз Ҳожи Юсупов ва Назир Шоликоровлар 1918 йил 10 январда Қўқонга бориб, Туркистон мухторияти ҳукуматидан ҳам ёрдам сўрайди. Мухторияти ҳукумати ҳам ҳибсдаги “Ёш хиваликлар”ни озод этишини сўраб Асфандиёрхон номига телеграмма йўллайди...

Бироқ, демократияга асосланган “Идораимаршрутия”нинг фаолияти афсуски узоқ давом этмади. Муваққат ҳукуматнинг Хивадаги вакили генерал Мирбадалов ва муттасиб руҳонийларнинг, Асфандиёрхоннинг талаби билан 1917 йил 23 майда “Идораи маршрутия” фаолияти тўхтатилади. Кўпчилик эса Чоржўй, Мари, Тошкент ва Тўртқўлга ўтиб кетишга мажбур бўлди” (“Хоразмнинг қозикалони бўлган зот”, Аzon.uz.21.07.2022 йил).

Қодирберган Низомаддинохун ўғлиниң айтишича, Асфандиёрхоннинг таъқибу тазиқидан сўнг “Бобоохун Хивадан қочиб Тўртқўлга, ундан эса Жумуртоғдаги Эшонёп қишлоғига боради. У ерда тириклигини қилиб юради”.

Бу орада, аниқроғи, 1919 йилнинг декабр ойида Туркистон совет қўшинларининг жанубий отряди И. Урядов қўмондонлигига, шимолий отряд эса, Н. Шайдаков бошлилигига Амударёнинг чап соҳилига ўтиб, Хива хонлигига бостириб кирадилар. Кўрсатилган қаршиликларга қарамасдан большевиклар, 1920 йилнинг январ ойи охирида Хива хони Сайд Абдуллахонни тахтдан туширадилар. Жунаидхон эса кучлар нисбати teng бўлмаганлиги сабабли чекинишга мажбур бўлади.

Шу тариқа 1920 йил 1 февралда Хива хонлиги ағдарилгач муваққат инқилобий қўмита тузилади. Муваққат ҳукумат аъзолари муҳожирликдаги “Ёш хиваликлар”дан иборат эди. Мулла Жуманиёз Султонмуродов муваққат ҳукумат раислигига

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

тайинлангач, Бобохун Салимовни ҳам ҳукумат аъзоси ва нозирликка таклиф қиласди. Бироқ Бобохун Салимов ўзининг маслақдош дўсти Полёзҳожи Юсупов бу пайтда Тошкентда бўлгани бўлгани боис, у билан маслаҳатлашмагани учун бундай юқори лавозимни рад қиласди. Ўшанда Полёзҳожи Тошкентдан туриб Хивага-Бобохунга мактуб йўллаб, ҳукумат аъзоси бўлса халқ учун фойдали ишлар қилиш лозимлигини айтгани, бу “Ёш хиваликлар” учун ҳам айни муддао эканлигини айтгач, Б. Салимов таклифга рози бўлади. Натижада “кундалик масалаларни ҳал қилишда ташкил қилинган ҳайъат- З кишидан иборат бўлиб Мулла Жуманиёз Султонмуродов - Раис, Полёзҳожи Юсупов ва Бобохун Салимовлар унинг муовинлари эдилар”(Ўзбекистон миллий архиви, Р-71-фонд, 1-рўйхат, 1-дело, 4-11 вараклар).

Шунингдек, адлия нозирлиги қошида халқ суди ташкил қилиниб унинг раиси Олимжон Ақчурин эди, Кўчмамадхон Сапаев ва Бобохун Салимовлар суднинг аъзолари бўлишган. Халқ судига катта ваколат-олий жазога ҳукм қилиш ҳам берилганди. Шунингдек, халқ суди фуқароларнинг арз-додларини тинглаш каби қозикалоннинг ишларини давом эттиради. Орадан икки ой ўтиб 27-30 апрел кунлари халқ қурултойи бўлиб ўтади ва ҳукумат таркиби сайланади.

Полвонниёзҳожи Юсуповнинг хотираларига кўра, қурултой ўтказилаётган вақтда қўйидаги воқеа содир бўлган: “Махфий қолмасинким, ҳар қаъла ва вакил сайлаш учун кетган одамлар халқقا воқеани тушунтириб, халқни ўз ихтиёри бирлан биринчи Қурултойга вакиллар сайлаб келдилар. Қурултойга келган вакилларни кутиб олиб зиёфат қилмоқни ихтиёрини биродар Жуманиёз Оллақулиевга топширдилар. Бир неча кунда тамоми вакиллар келиб бўлдилар. Андин сўнг 22 ланчи апрелда

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

1-Курултой мажлиси очилиб, вакиллар мани бир овоздин президиумга раис қилиб сайладилар. Ман туриб вакил биродарларга раҳматлар айтиб, илтимос қилдим:

-Президиум раислигига бизлар бирлан Тошкентдин Хива экспедициясида член комиссия бўлиб Туркистон ҳукуматидин келган нўғай биродар Ризоаддин Шокировни сайлаб, мани шунга муовин қилсангизлар эркан,-деб.-Нечунким, ушбу биродаримиз Тошкентлик мусулмон биродарлари тарафидан келган, ҳам шунингдек кўп катта Курултойларни ўтказган, ҳам бизларга келган меҳмон туур. Ҳам меним розилигим шунда туур,-дедим.

Вакил биродарлар маним илтимосимни қабул қилиб президиум раислигига биродар Шокировни, биринчи муовинлигига мани, иккинчи муовинлигига Бобоохунни сайлаб қўйдилар. Аъзолар Қўшмаматхон, Шомурод бахши, Ғуломали ва бошқаларни сайлаб тамом қилдилар ҳам ишга тутиндилар. Биродар Шоликаров туриб:

-Бул вақтгача зулм истибододга эзилиб хонлардин, ҳам оларнинг қўйруқи бўлган золим сипоҳи-тўралардин ҳам Жунайидхон, ҳам онга қўйруқ бўлган бир қароқчи туркманлардин кўрган хўрлик-зўрликларингиздан, Сизларнинг ичларингиздан хоннинг халқقا қилиб турган зулм, жабру ситамларига тоқат қила билмай ҳижрат қилиб қочиб, Тошкентга бориб, Россия шўролар ҳукуматига зори-тавалло қилиб, мундаги фақир камбағал халқقا бўлиб турган зулм-жабрларни англатиб, шўролар ҳукуматидан ёрдам олиб золимларни йўқ қилиб, Сизлар учун ушбу ҳеч тамом бўлмайтурган озодликни олиб бермакка сабаб бўлдилар. Албатта Сиз муҳтарам вакиллар бу муҳожирларнинг қилган хизматини тақдир қилсангизлар керак,-деди.

Тамоми вакиллар қўл чопиб қарши олдилар. Ҳам эълон қилди:

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

-Ушбу биринчи қурултойларингизни Туркистон ҳукуматида ўтирган мусулмонлар тарафидан муборакбодлик қилурман,-деди Шоликаров. Яна қўл чопиб қарши олдилар.

-Ҳам кўп Курултойларни фароғатчилик, осойишлиқ бирлан ўтказмакларингизни тилаб сўзимни тамом қилиб айтурман. Яшасин Хоразмнинг биринчи Курултойи!,-деб сўзини тамом қилди яна Шоликаров.

Вакиллар кўп узоқ қўл чопиб қабул қилиб, раҳматлар ўқиб миннатдорчилик эълон қилдилар. Андин сўнг Олимжон Ақчурин сўзлади, ҳукуматнинг тутган йўлларини халқقا англатди.Андин сўнг ҳар кимлар сўзладилар. Шунинг бирлан биринчи мажлис ёпилди. Вакиллар ўз манзилларига бориб, ноҳари қилиб истироҳат қилдилар.Кечада ҳам мажлис бўлди. Анда ҳам баъзи масалалар қаралиб ҳал бўлди.Ушбу тартиб Курултой тўрт кун давом қилди.Товариш Измайлов ҳар мажлисда бўлур эрди. Шокиров, Ақчурин, ҳам Обидовлар Хоразм учун қонун асосини ҳозир қилдилар.Қонун асоси шундан иборат туур: Хоразм Россия шўроларига монанд бир халқ жумҳурияти туур деб ўрта йўл бирлан мамлакатнинг аҳволи руҳиясига мувофиқ қилиб қонун асосини тартиб қилган эрканлар.Шул қонун асосини ўқиб халқقا тушунтиридилар.Вакиллар бутун қабул қилдилар.Қонун асосида 15 адад нозир бўлмоғи керак эркан.Шунга номзод кўрсатиб овозга қўйдилар. Нозирлар шўросининг раислигига уч кишини кўрсатдилар: бири фақир туур, бири Бобоохун, бири Мулла Жуманиёз.

Махфий қолмасинким, партиянинг мақсади Мулла Жуманиёзни раисликка ўтказмак туур, халқ вакилларининг мақсади ё фақир ё Бобоохунни ўтказмак туур.Шунинг бирлан бизларни учаламизни ҳам мажлисдан чиқариб юбордилар. Курултой вакиллари

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

музокара қилиб қолдилар. Бизлар залга кириб ўтирдик. Бир неча сўз сўйлашиб ўтирган ҳамон биродар Мулла Жуманиёз айтди:

-Тақсир маним кўнглимга бир сўз келур, агар маъқул бўлса айтур эрдим,-деди.

Бобоохун эшон :-Хўп айтинг,-деди.

Мулла Жуманиёз айтди:

-Бизлар халқ учун музокара қилиб турмоқи ҳожат эрмас туур. Ман таклиф қилурман, аввалдин инқилобчиларнинг бошлиқи Ҳожи афанди эрди. Ҳам Марказий инқилоб қўмитасида раис эрди. Бул киши яна нозирлар шўросига раис бўлсин, ман муовин бўлурман, сиз адлия нозири бўлинг.

Бобоохун айтди:

- Ман аввалдин айтурман, хўп яхши,-деб қабул қилди.

Ман айтдум:-Бобоохун эшон раис бўлсинлар, бизлар муовин бўлиб хизмат қилурмиз,-дедим.

Бобоохун Эшон айтдилар:

-Ман русча билмасман, фақат Ҳожи бобо бўлсин, маним адлия нозирлигим бўлур,-деди....”

Шу тариқа давлат бошқарув тизимида катта тажрибага эга бўлган ҳуқуқшунос Бобоохун Салимов камтарлик қиласи ва 1920 йил 30 апрелдаги 1-БутунХоразм халқ вакилларининг қурултойида, Хоразм Халқ Республикаси раиси бўлиб сайланиш имкониятидан ўз ихтиёри билан воз кечади. Бироқ унинг давлатчиликдаги тажрибаси ва ҳуқуқшунослиги эътиборга олинади ва ҳукumatning адлия нозири қилиб сайланади.

Маълумки, Хоразмлик жадидлар хонлик давридаги истибдод ва чор амалдорларининг зулми туфайли, то 1920 йилгача Асфандиёрхон, Сайд Абдуллахон ва чор истибдодига қарши фақат сиёсий кураш олиб

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

боришганди. Яъни, бой мулқдор, савдогарлар тоифасидан чиқган “Ёш хиваликлар”нинг фаолияти асосан сиёсий курашларда кечганди. Факатгина 1910-1913 йилларда ислоҳотчи бош вазир Исломхўжанинг ташаббуси ва саъий ҳаракати билан Кабир Абдурашидов, Давид Бакиров, Мухтор Бакиров сингари ўқитувчилар Хўжайли, Хонқа, Гурлан бекликларида янги усул-жадид мактаблари ташкил этишганди. Шунингдек Хивада Рамазон Сайдашев, Аҳмаджон Акаев сингари татар ўқитувчилари ҳам фаолият кўрсатишарди. Бироқ айнан “Ёш хиваликлар”нинг Туркистон, Фарғона водийсидаги сингари жадид мактаблари очишгани, Беҳбудий, Авлоний, Ибрат ва бошқалардек дарслик ёзишгани тўғрисида уларнинг айримлари хотираларида (П.Юсупов, Б.Салимов, Б.Жуманиёзов) ва архив ҳужжатларида бирон тарихий факт йўқ.

Шунингдек. Фарғона водийси ва Туркистоннинг бошқа ҳудудларида каби хонлик даврида биронта жадид матбуоти нашр этилмагани ҳам тарихий ҳақиқат. Тўғри улар дунё матбуотидан хабардор бўлишган. Тарихчи Баҳром Ирзаев таъкидлаганидек, “Ёш хиваликлар” фақат Россия матбуоти, “Таржимон”, “Вақт”, “Иттифоқ”, “Тараққий”, “Юлдуз” газеталари, “Шўро” журналлари билангина чекланган эмас. Улар Эрон, Афғонистон, Миср, шунингдек Истанбулда турк тилида нашр этилган “Ваҳдат”, Ҳиндистоннинг Калькутта шахрида чоп этилган “Ҳабл ул-матн” ва бошқа нашрлар орқали ҳам жаҳонда юз бераётган ўзгаришлардан боҳабар бўлаётган эдилар”. Яъни феодал монархияга асосланган хонлик истибоди, мустамлакачилар зулми шароитида, энг чеккадаги, темир йўл етиб келмаган, ишлаб чиқариш корхоналари деярлик бўлмаган (19 аср охири ва 20 аср бошларида ака-ука Крафтларнинг Янги Урганчда ёғ,

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Хонқа, Хива, Гурланда айрим бойларнинг кичик ҳажмли пахта корхонасигина фаолият кўрсатарди), шу туфайли иқтисод таназзулга юз тутган Хива хонлигида, жадид матбуот, демакки театрнинг фаолият кўрсатиши учун вазият етилмаганди.

Бош вазир Исломхўжанинг бошқарув тузилмаси, ҳисобсиз ерларни ислоҳ қилиш, хонлик темир йўл келтириш, умуман давлатчилик борасидаги жадаллик билан кетаётган ислоҳотлари, афсуски 1913 йил августдаги суиқасдан кейин умуман тўхтаб қолади. Ана шу жараёнлар бевосита кўз ўнгидаги содир бўлган Полвонниёз ҳожи Юсупов, Бобоохун Салимов ва бошқа “Ёш хиваликлар” хонлик давридаги сиёсий курашларда тобланиб боришиди. Гарчи улар Ҳусайнбек Матмуродов ҳамда бошқа сафдошларини йўқотишсада, хонлик истибоди ва мустамлакачиликка қарши курашда чекинишмади. Шу тариқа “Ёш хиваликлар” фақат хонлик тугатилиб Хоразм Халқ Республикаси фаолиятини бошлагачгина катта имкониятга эга бўлишиди. Натижада ана шу имкониятдан фойдаланган ҳолдагина Хоразмда мактабларни ташкил қилиш, улар учун ҳам дарсликлар яратиш борасида саъии-ҳаракат бошлишди. Шу билан бирга айнан бой берилган имконият-ўз ғояларини халқ оммасига етказишида катта рол ўйнайдиган матбуот, театр ҳам вужудга келди.

1920 йилнинг июнь-сентябр ойларида Хоразм Халқ Республикасининг Бобоохун Салимов бошчилигидаги делегация Кремлга дипломатик музокара учун боришганди. Музокара тўрт ойга чўзилганлигига масофанинг узоқлиги эмас, большевиклар раҳбариятининг ҳийла найранг билан иш тутиши, баъзи масалаларда юзага келган келишмовчиликлар, аммо

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

Бобоохуннинг қаътияти сабабли амалга оширилган шартномани имзолаш эди.

Маълумки, 1920 йил 30 апрелдаги I-Бутун Хоразм қурултойида, Полёзҳожи Юсупов бошчилигига нозирлар XXP номидан РСФСРга бориб, Ленин бошлиқ большевиклар раҳбарияти билан музокара олиб бориш учун давлат делегациясини ташкил этишни энг асосий, долзарб масала қилиб қўйишида.

Натижада делегацияга раҳбар этиб етуқ хуқуқшунос, адлия нозири Бобоохун Салимов сайланади. Жуманиёз Оллақулиев, Мулла Нурмуҳаммад, Мулла Ўроз, Матёқуб охун, Мулла Иброҳим, Мадримбой, Ших Муҳаммад, Мулла Ўроз Абдулла, Мулла Жуманиёзлардан иборат делегация шу тариқа 3 июнь куни Хивадан йўлга чиқади.

Бобоохун Салимовнинг “Кундаликлари”да ёзилишича,” ҳижрий 1338 тарих ҳижрийда Хоразм халқ қурултойи иттифоқлари бирлан Русия шўролар ҳукуматининг маркази Масков шаҳрига қурултой тарафидин вакил бўлиб, шўролар ҳукуматини табрик қилиб, баъзи илтимослар қилмоқ учун биз фақирвакил Бобоохун ҳайъат раиси, Жуманиёз Оллоқулиев, Мулла Нурмуҳаммад, Мулла Ўрозлар ҳайъат аъзоликка сайланиб, Муҳаммад Ёқуб охун, Мулла Иброҳим ва Мадримбойлар раис хизматчиси, Ших Муҳаммад ва Мулла Ўрознинг одами Абдулла, Жуманиёзнинг одами ва товариши Луткевич, товариши Измайлова тарафидин йўлбошли қилиб мазкур тарихда моҳи шариф рамазоннинг 17-сида пайшанба куни йўлга чиқиб, Хонқага келиб, Оллаберганбой Гавдон ва Хонқа шўроси раиси Матёқуб хўжа истиқбол қилиб дарё лабига келтириб, ҳаммаларимизни қайиқقا миндируб узотиб қолдилар.

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Қайиқларимиз Шоҳобод ёпи ичидан дарёга чиққан вақтда кеч бўлиб, коронғи тушган сабабли кемачиларимиз юра билмай ноилож бир қайирда ётиб жума куни эрта бирлан дарёдин ўтиб Беклибой Боякнинг жойига бориб роҳатланиб таом еб, пешин вақтдин сўнг чиқиб шаҳарда Жуманиёз Оллоқулиев уйига бориб асойиш қилиб таомдин сўнг дарё бўйига бориб пароходда первый класда жойлашдук. Пароход шанба куни йўлга равона бўлди....”

Шу тарзда делегация вакиллари Амударёдан пароход орқали Чоржўйга, ундан Бухоро, Самарқанд орқали Тошкентга етиб боришади. Бобоохун Салимов Тошкентдалик пайтида у ердаги Ҳиндистонлик Мавловий Баракатилло, Истамбуллик Козимбей, Қошғарлик Иброҳим Афанди сингари шарқ давлатларининг консуллари билан учрашиб, дунёдаги вазият, шарқдаги сиёsat, Россиянинг таъсиру тазиёки бўйича суҳбатлашадилар.

Эътиборлиси шундаки, Турккомиссиянинг В.Куйбишев, М.Фрунзе, Крижаницкий каби раҳбарлари Бобоохун Салимов билан Тошкентда ўтказган музокараларда, Хоразм Ҳалқ Республикаси томонидан тасдиқланган делегация аъзоларини ўзгартиришни талаб қилишади. Бобоохуннинг хотираларида ёзилишича, “Жуманиёз Оллоқулиевни баъзи важлардин мандат бермай, бизларга йўлдош қилмоқдин олиб қолдилар”. Бунинг устига Ж.Оллоқулиев ХХР делегацияси аъзоси бўлсада, Турккомиссия томонидан Тошкентда ҳибсга олиниб, то делегация Москвага кетгунча сўроқсиз турмада сақланади. Мақсад, ғоятда сиёsatдон, миллий кайфиятдаги арбобни Кремлга юбормаслик, делегация аъзолари орасида тушкунликни юзага келтириш эди.

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

Шунингдек, делегацияга Турккомиссия томонидан яна 4 рус аскар ва таржимон Иброҳим Бурнашев қўшиб қўйилади.Хуллас, ХХР делегацияси катта қийинчиликлар билан 18 июль куни Москвага етиб келишади.

Гарчи делегация Москвада РСФСР ташқи ишлар вазири Г.Чичерин, ўринбосари Л.Карахан, шарқшунос олим ва жамоат арбоби А.Самойлович, Хоразмда фаолият қўрсатган Г.Бройдо каби арбоблар билан баҳамжиҳат ҳар иккала давлат ўртасидаги шартномаларни ишлаб чиқишига киришсаларда, иш олға силжийвермайди.

Хоразмда бўлиб ҳақиқий вазиятни қузатган, Бобоохун Салимовнинг дўсти Бройдо Кремлдагиларнинг ХХР делегациясига нисбатан шовинистик муносабатда бўлаётганини айтади.Бобоохуннинг хотирлашича, Бройдо бу борада шундай деган: “ Сизларнинг ишингиз шу кунгача тагийир бўлгани (юришмаганининг), шартноманинг имзо қилинмаётганининг сабаби, баъзи кишилар онга рози бўлмай мони (қарши) бўлиб турганлар. Хусусан товариш Измайлов Хоразмдин келгандин сўнг мазкур шартномаларингизни кўруб, дебдурким, бу шартномадаги сўзлар асло Хива халқи ва ҳукуматининг ёду-хаёлларида йўқ туур. Оларга бу тариқа кўп ҳуқуқ бермак лозим эрмас”, деган.Яъни делегацияни Ленин қабул қилишни ортга суриб, ташқи ишлар вазири Чичерин учрашувидан кейиноқ асосий мақсад бўлган ХХР суверинетити тўғрисидаги шартномани имзолашдан ўзини олиб қочади.

Делегация раҳбари Бобоохун Салимов музокара ўтказиш ва шартномани имзолатиш борасида Ленин, Троцкий каби большевик арбоблар билан учрашиш имконини тополмайди. Гарчи улар ҳар кун Кремль ва ташқи ишлар вазирлигида сарсон бўлсаларда, ортга қайтишни ўйламай, Ленин билан учраштиришни талаб

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

қилишади. Бу борада делегацияга Бобоохуннинг дўсти Г.И.Бройдо ёрдаб бериб Ленин билан учраширишга ҳаракат қиласди. У 1920 йил апрель-июль ойларида РСФСРнинг ХХР даги муҳтор элчиси бўлиб ишлаган, воҳадаги кўплаб зиёлилар, хусусан Бобоохун билан дўстлашган, ҳатто унинг Гурландаги уйида меҳмон ҳам бўлганди.

Бироқ ХХРнинг иқтисодий, сиёсий, миллий хусусиятларини яхши билган Бройдо республика раҳбарларига ён босган дея айбланиб, шахсан Лениннинг кўрсатмасига қўра ишдан четлаштирилиб Москвага чақириб олинганди.

Хоразм делегациясининг Москвадалик пайтида шаҳардаги кўплаб сайилгоҳ, театр, концертларга бориши большевиклар томонидан атайин ташкиллаштирилади. Мақсад чекка бир ҳудуддан келганларга гўё ўзларининг меъморчилигу маданиятини намойиш этиб, қудратини кўрсатиш ва уларни қойил қолдириш эди. Аммо делегация аъзолари учун биринчи галдаги мақсад сайру томоша эмас, Хоразм билан Россия ўртасида шартнома имзолаш бўлган. Шу боис улар Ленин билан учрашиш имкони бўлмаётган пайтларда, Москвадаги шарқ мамлакатларидан келган элчи, консул, ҳарбийлар билан суҳбатлашадилар.

Хусусан, Измирлик Назмий Содиқбей ва доктор Фуводбей, Бухоролик Мирза Маъди Хўжа додҳо, Татаристон жумхурраиси Саидалиев, Туркия ҳукумати хорижия нозири Жамол пошшо, Эронлик Мирсолих Музофарзодалар билан учрашиб суҳбат қурадилар.

Хоразм делегацияси Ленин билан учрашиб музокара олиб бориш чўзилаверган ўша кезларда, Петроградда, Бокуда бўлиб ўтган халқаро шарқ халқларининг

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

конгрессида ҳам иштирок қилиб келадилар. Шарқ халқларининг ҳаёти ва ўша пайтдаги сиёсат муҳокама қилинган ҳар иккала конгрессда Бобоохун Салимов шарқ давлатларидан келган вакиллар, хусусан Хоразмлик Бекжон Раҳмон ва унинг сафдошлари билан фикрлашиб олади.

Бу орада Бройдонинг ҳатти ҳаракатлари билан Ленин ниҳоят хоразмликларни қисқа фурсатга қабул қиласиган бўлади. Ниҳоят 1920 йил 10 август жума куни Ленин Бобоохун Салимов, Мулла Ўроз ва Мулла Нурмуҳаммадни Кремльда қабул қиласиди. Кремль ходими Бурнашев ва Кельбер кузатувида Ленин хонасига кирган хоразмликлар ҳол аҳвол сўрашиб, воҳадаги вазият ҳақида сўзлаб берадилар. Бобоохун Ленинга қарата “келганимизга анча бўлди, то шу вақтгача бизлар сизга йўлиқа билмадук” дейди. Шунда Ленин ҳозир уруш кетиб турганини баҳона қилиб, “мундин сўнгра ҳар вақт сизларга бирорвдин зулм ситам етишса дарҳол манинг хусусий ўзимга бир хат ёзиб билдиригайсизки, они дарҳол даф қилурман”, дея жавоб беради. Шу вақт хонадаги телефон жиринглаб, ким биландир гаплашгач, “мани бир ишга чақирадурлар, афу қилингларким, яна ҳар вақт сўзлашмак кўнгилларингизга тушса албатта яна йўлуқурмиз” дейди.

Гўёки, хоразмлик вакиллар билан шунчаки ўтирган, бу иш эмасдек. Шу боис Бобоохун сиполик билан Ленинга “Ишларимиз битса тезроқ кетмоқчимиз” дея ҳар иккала давлат ўртасида шартномани имзолашни унга эслатиб қўяди.

Ленин эса, Бобоохуннинг хотираларида ёзилишича, “ман ушбу кун сизларининг ишларингизни комиссияга айтурман. Албатта тез биткарурлар”, дея жавоб беради. Шу тарзда музокара бошланганига энди 20 дақиқа

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

бўлганида Ленин ваъдани қуюқ қилиб, “иш” баҳона Бобоохунни ўзидан узоқлаштиришга ҳаракат қиласи.

Лениннинг ваъдасига ишонган хоразмликлар бир ҳафтача яна сарсон бўлиб, РСФСР ташқи ишлар вазирлигига қатнайдилар. Имзоланажак шартномани муҳокама қилиб тайёр ҳолга келтиришади. 15 моддадан иборат иқтисодий алоқалар, 8 моддадан иборат ҳарбий ва сиёсий соҳалар бўйича шартнома тайёрланади. Шартномаларда ҳар иккала давлатнинг teng ҳуқуқлилиги ва манфаатлари ифодаланганди.

РСФСР ташқи ишлар вазири ўринбосари Л.Карахан Бобоохунга шартномаларнинг русча матни билан танишиб чиққанини, яна бир ҳафтадан кейин шартномани имзолаш мумкинлигини айтади. Лениннинг “тез” деган ваъдаси хуллас икки ҳафтагача чўзилади. Аммо яна ҳафта ўтадики, шартномани имзолаш бўйича аниқ фикр РСФСР ташқи ишлар маҳкамасида йўқ эди.

Бунинг устига Ленин томонидан уларга Москвадалик пайтида ҳамроҳ қилиб қўйилган кузатувчилар Хоразм делегациясини мазах қилиб устидан куладиган одат чиқаради. Бобоохун хотираларида бу ҳақда шундай ёзади: “Кельбер бирлан таржимонимиз Иброҳим Бурнашев камкам бизларни содда ва бечора кўруб беадобона сўзлари ва хойинона ҳаракатлари ҳаддин ошган жиҳатдин, оларнинг аҳволитидин товариш Бройдо бирлан товариш Янсонни огоҳ қилиб хизматларидин бекор этиб, Кельбернинг ўрнига Крашилов, Бурнашев ўринга Бакиевни тайин қилдурдик”.

Бу орада Лениннинг топшириғига кўра, А.Измайлов тайёр ҳолга келган, РСФСР ташқи ишлар маҳкамасида Г.Бройдо, Чичерин, Карабахнлар томонидан Бобоохун ҳамкорлигига тайёрланган шартномага илова қўшишни талаб қиласи. Измайлов Бобоохунга РСФСР ташқи ишлар

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

ишлар маҳкамаси комиссиясининг илова масаласида мажлисини ўтказишни айтади.

Хоразм делегацияси ўзларининг манфаатларига зид, Россия фойдаси учун тайёрланаётган илова ҳақидаги мажлисга бормай байкот эълон қиласидилар. Бобоохунга маслакдош дўсти Бройдо шундай дейди: “Сизларнинг фойдангиз учун биринчи даражали муҳим ва даркор моддаларга илова қўшиб, Хоразм ҳақида фойдасиз, балки заарли бўлгудек иш олиб бормоқчи улар. Нечук бўлса ҳам ғайратли бўлинг, ман ҳам қўлдин келган ёрдамни дариғ қиласман”.

Гарчи Бройдо ёрдам беришга интилсада, А.Самойлович, Л.Карахан каби РСФСР ташқи ишлар маҳкамаси ходимлари Бобоохун олдига Ленин тобшириғига кўра тайёрлатилган иловани бериб уни имзолашни таклиф қиласидилар.

Иловада, Бобоохуннинг хотираларида ёзилишича, “Хоразмдаги бутун почта ва телеграфлар Русия ҳукуматининг ихтиёрига қоладур. Хоразмнинг ҳозирда экилмай турган ерларидин русларнинг истифода (фойдаланмоқ) этмоқ ҳақи борлигини Хоразм ҳукумати тасдиқ қиласиди. Амударё аёқи, Орол денгизида балиқ овламоқ русларга махсусдир. Ариқларни қазмоқ ва тозодин ариқ ёрмоқ русларнинг тадбирлари ва ҳоҳлаганларга мувофиқ бўлур. Ва доғи Хоразм ҳукумати ўз еридин оташ араба йўли берур ва йўлнинг ҳар тарафидин бир чақиримлик ер ҳам берур” дейилганди.

Бобоохун фикрига кўра, “бу илова Хоразм ҳақинда генерал Кауфман ва Галкинлар ясаган шартномалардин минг мартаба ёмонроқ туур. Шу боис илованинг охирроқларини қулоқ эшитса ҳам, кўнгул фаҳм этмай, курсига суюниб, молу-ҳайрон бўлибманки, иловалар

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

ўқилиб тамом бўлгандин сўнг, ҳаммалари мани ёнимдин чиқиб кетганларини ҳам онгламай қолубман”.

Шундан кейин Бобоохун Ленин томонидан буюртма бўйича А.Самойлович тайёрлаган иловани имзоламаслигини айтади. Шунда Самойлович, “ман ёлғиз таржимон туурман, бошқа иш қўлимдан келмас, аммо не чора қилурман” дея ташқи ишлар вазирлигига мурожаат қилишни айтади.

Сўнгра Бобоохун Чичерин, Каракан каби рус дипломатлари билан музокара олиб бориб, Хоразм делегацияси иловани имзоламаслигини билдиради. Делегация раҳбари сифатида Бобоохун, “бизларнинг ишларимиз бул тариқачувалашаверса, бизларга шартнома даркор эрмас”, дея Ленин билан учраширишни талаб қиласди.

Чичерин илова бўйича Караканга учрашиш кераклигини айтади. Каракан эса бетоблигини айтиб узр сўрайди. Шунда бюрократик тўсиқлар жонига теккан Бобоохун Чичериннинг ёрдамчиси Крашиловга, “товариш Ленин билан товариш Чичеринга телефон қилинг, ўзим ёнингизда туурман, то оларни қўрмагунча бизларни ишларимиз битгудек ўхшамайдур” дейди. Крашилов эса телефон бузуқ дея баҳона топади. Икки ойдан бери тайёр шартномани имзолатолмай сарсон бўлаётган делегация охири РСФСР халқ комиссарлари кенгаши бош назоратчиси Бакиев олдига шундай шарт қўяди. Бобоохун унга шундай дегани унинг хотираларида қуйидагича келтирлади: “Ўзим югурмагунча, кишига инониб иш битмайдур. Крашилов бизга айтадурким: “Ман Ленин бирлан Чичерин иккисига ҳам телефон бердим. Жавобида иккиси ҳам дедиларким, Хива вакиллари сўзларини Караканга айтсунлар. Каракан бизларга айтур деб Крашиловнинг бу сўзи Каракан бирлан маслаҳат

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

айтилган сўздир. Ман бунга ишонмасман. Улуғлар ҳаргиз вакиллар сўзларини бизларга бевосита айтмасун демаслар, бу ёлғон туур. Бизнинг жойдаги телефонларни бузуқ дегани ҳам ёлғон турар. Бизларни товариш Ленинга йўлиқмоғимиз зиёда зарур ва лозим эрканини, то шул кунгача ҳеч бир ишларимизни битмай турганини айтуб қўйдик. Жавобида дедиким: ушбу сўзларингизни Ленинга билдирурман. Нима жавоб айтса яна сизларга айтурман деди”.

Аммо на Ленин, на Чичерин ҳар иккала давлат ўртасида имзоланажак шартнома ёнидан, Хоразм манфаатлари учун зид, Россия манфаати устун иловани олиб ташлашни истамасди.

Шундан сўнг Бобоохун Салимов Чичерин ва Карабанга, агарда иловани имзолаган тақдирда, большевикларнинг шарқдаги сиёсати, хусусан Лениннинг Чор Россияси зулми остидаги Ўрта Осиё халқлари мустақилдир деган ғоясига путур етажаги, шундан кейин большевиклар сиёсатига ҳеч ким ишонмаслигини батафсил тушуниради.

Ана шундан сўнггина Ленин, Чичерин ва Карабан Хоразм манфаати учун зид бўлган иловани олиб ташлаб, шартномани имзолашга рози бўладилар.

Шу тариқа “1920 йил 13 сентябрда Кремльда РСФСР ва ХХР ўртасида шартнома имзоланади. Шартномани РСФСР томонидан ташқи ишлар вазири Г.В.Чичерин, ХХР номидан адлия вазири Бобоохун Салимов имзоладилар” (Ўзбекистон Миллий архиви, Р-71-фонд, 1 рўйхат, 6-дело, 128-129 вараклар).

Ушбу шартномага кўра, РСФСР ҳукумати ХХР мустақиллигини ва дахлсизлигини тан олди. Россия империяси даврида рус капиталистлари томонидан Хива хонлиги ҳудудида бунёд қилинган барча банклар,

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

заводлар, фабрикалар, савдо корхоналари ва бошқа иншоатлар ХХР мулки деб тан олинади. Давлат чегараси деб, 1920 йил 13 сентябрдаги чегара тан олинди ва чегара белгилаб қўйиладиган бўлди. РСФСРда яшайдиган ХХРнинг фуқаролари, ХХРда яшайдиган РСФСР фуқароларининг ҳуқуқ ва бурчлари белгилаб олинади.

“Имзоланган шартнома 1920 йил 29 сентябрда РСФСР МИК сессиясида ва 1920 йил 26 октябрда ХХР нозирлар кенгашида тасдиқланади” (Ўзбекистон миллий архиви, Р-71 фонд, 1-рўйхат, 6-дело, 128-129 вараглар).

Ана шу тариқа икки ой давомида Бобоохун Салимов бошчилигидаги делегация Ленинни ўзларининг тайёрлаган ХХР мустақиллиги тўғрисидаги шартномани тан олдиришга мажбур қиласи.

15 сентябр куни Бобоохун Салимов Москвада Анварпошшо билан учрашиб қўлга киритилган дипломатик ғалаба, бундан кейинги ХХРнинг сиёсати масаласида суҳбатлашадилар.

17 сентябр куни эса Хоразм делегацияси раҳбари Бобоохун Салимов Москвадаги ХХР элчилари ва ҳамроҳлари билан ўзларининг ХХР мустақиллиги ҳақидаги шартномани РСФСР томонига имзолатгани шарафига тантанали зиёфат берадилар. Ушбу тадбирда Туркия вакиллари Анварпошшо, Самийбек, Афғонистоннинг муҳтор вакили Муҳаммад Муҳаммад Валихон, Доғистонлик Шамил афанди, Москвадаги мусулмонлар кенгаши раиси Султон Алиев ва бошқалар иштирок қилишади.

Ушбу тантанада Анварпошшо шундай нутқ сўзлайди: “биродар Бобоохун бу Осиё иқлимининг, хусусан Ислом мамлакатлари хароб ва беъэтибор бўлиб, аксари ерлари мусулмонларининг қўлидан кетуб турган бир вақтда сиз руслар бирлан бул тариқа мусулмонларга манфаатли

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

аҳдномани Хоразм учун ясаганигиз бир улуғ қаҳрамонлик ва фавқулодда бўлибдурким, бул тариқа бошдан аёқ мусулмон фойдасига бўлган аҳдномани неча юз йиллардин буён ҳеч ислом мамлакати қила билган эрмасдур. Оллоҳ таоло бу ишингизни доимо муборак қилғай. Неча юз минг аскар кучи бирлан қилиб бўлмаган ишни, ёлғиз тил ва қалам кучи бирлан битказибсиз”.

Хуллас, тантанали тадбирдан кейин кўпга чўзилган, мashaққатли сафар якун топади ва Бобоохун Салимов бошлигидаги делегация XXP мустақиллигини тан олган шартномани олиб, Москва, Самара, Оренбург орқали октябр ойида Хоразмга етиб келадилар.

Бироқ XXP мустақиллигини тан олдирган “Ёш хивалик”ларнинг амалга ошираётган фаолиятлари РСФСРнинг муҳтор вакили М. Сафонов, Хоразмдаги Қизил Армия қўшинларининг Хоразм иштирокион партияси раҳбарларига маъқул келмас, улар қофозда тан олинган мустақилликни амалга оширишга тўскинлик қилишарди. Натижада 1921 йилнинг марта бир груҳ коммунистлар ва қизил армия сиёсий ходимлари Полёзҳожи Юсупов ва сафдошларини бадном қилиб ишдан олмоқчи бўлдилар. Улар ўз ниятларига эришадилар ҳам.

Натижада Полёзҳожи Юсупов ва унинг ҳукумати аъзоси бўлган Бобоохун Салимов, Назар Шоликоров ҳамда бошқа сафдошлари қочиб яширинишга мажбур бўлдилар. Полвонниёзҳожи Юсуповнинг “Хотиралари”га кўра, айнан 1921 йил марта даги тўнтаришидан сўнг М. Сафонов ва унинг тарафдорлари “шул вақтда Гурланга Бобо Охун Эшонга бир неча милиция юборган эрканлар. Милициялар бориб, Бобо Охун Эшонни уйини мусодара қилиб, ўзини орестоват қилиб, олиб қайтганлар. Қўшқўприкка келгандин сўнг Бобо Охун Эшон таҳорат

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

қилмоқчи бўлган. Шул вақтда милициялар отларини ёнига келганлар. Бобо Охун Эшон вақтни ғанимат топиб, қоронғу оқшомда бир тарафга қочиб кетган. Милициялар отларидин фарахат бўлгандин сўнг келиб, Бобо Охун Эшонни тамоми ҳар тарафларга югуруб, қараб ҳеч ердан топмай, йўлдош бўлиб келган Муролдбой Охунга кўп изо ва ҳақоратлар берганлар. Шунинг бирлан тонг отуб тамоми қалъа ва қишлоқларга отлиқ юриб, ҳеч бир асар топмай, қайтиб шаҳарга келиб маълум қилганлар...”. Яъни Бобоохун Салимовни Гурландан олдириб уни Хивага келтириш бўйича М.Сафоновнинг саъийи-ҳаракатлари барбод бўлади.

Натижада Бобоохун Салимов яна ўзини ҳимояланишга, маълум бир муддат сиёсатдан чекинишга мажбур бўлади. Шу тарзда М.Сафоновнинг ва большевиклар таъсири, талаби билан ХХР ҳукумат нозирлари ҳам янгидан тайинланади, уларнинг кўпчилиги коммунистик партиянинг аъзолари эди. РСФСРнинг Хоразмдаги муҳтор вакили М. Сафаров, Пурхив бошлиғи-Х. Мусаев, Ш. Ҳасанов, Х. Ваисов каби қизил армиячилар эса ўзларини худди хонлик давридаги Чор Россияси амалдорлариdek тутишар, шунинг учун ҳам “Ёш хиваликлар” ишларига доимо аралашиб туришарди.

Вазият шу даражага етадики, большевиклар халқаро ҳуқуқни бузиб, Бобоохун Салимов ва Г. В. Чичеринлар имзолаган РСФСР ва Хоразм ўртасидаги шартномани бузиб келишар ва бунинг яққол исботи 1921 йил 6 мартағи машъум воқеа-ҳукумат тўнтариши эди. Большевикларнинг ўзларини чор амалдорлариdek тутганлигини ХХР раҳбарларини “ўз вазифасини бажармаган” деган баҳона билан ҳатто 2 ойдан ўзгартириб турганлигидан ҳам билиш мумкин.

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

1921 йилнинг 6 мартадан сентябр ойигача бўлган қисқа муддат ичida Ж. Қўчқоров, М. Оллаберганов, М. Ибняминов ва яна М. Оллабергановлар ХХР ҳукуматини бошқардилар. Бундан ташқари қизил қўшин томонидан кўплаб нозирлар ҳам бир неча бор алмаштириб турилган.

1921 йилнинг сентябрида ХХР МИК раиси қилиб Отамахзумохун Муҳаммадраҳимовнинг тайинланиши эса ХХР фаолиятида ўзгариш ясади. У ҳукумат бошлиғи бўлгач, амалга оширган ишлар ҳатто большевиклар “доҳий”сини ҳам чўчитиб қўйди. О. Муҳаммадраҳимов Москва топшириғига қўра ХХР фавқулодда комиссияси раиси бўлиб келган А. А. Иоффи ХХР ички ишларига аралашгани учун 24 соат ичida Хоразмдан чиқиб кетишни талаб қилиб ультиматум топширади.

Отамахсумохун Муҳаммадраҳимов шунингдек, 1921 йил 6 марта номи бадном қилинган, большевиклар таъқиби туфайли яшириниб юрган шахсларни ХХР раҳбарлари сифатида ишга таклиф этади. Жумладан Бобоохун Салимовни ҳам. Тўрткўл, Юмритоғ ва туркманлар орасида яшириниб юрган Бобоохун Салимов шундан сўнггина Хивага бориб яна сиёсий фаолиятга киришади.

ХХР МИК ҳайъатининг қарори билан дипломатик тажрибага эга бўлган Бобоохун энди Афғонистонга элчи қилиб тайинланади. Бироқ 1922 йил 5 февралдан ХХР ташқи сиёсатини РСФСР ҳукумати орқали олиб борилиши муносабати билан қўшни давлатлардаги элчилар қатори Бобоохун Салимов ҳам чақириб олинади. Энди у Хоразмда маориф ва маданият нозирлигида мактаблар учун янги ўқув қўлланмалари яратиш комиссиясининг раиси бўлиб ишлай бошлади. Полвонниёзҳожи Юсуповнинг “Хотиралари”га кўра, у Москвага бориб Бройдо, Караканлар билан учрашади. Ўша сухбатларда Бройдо,

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Карахан каби Бобоохун Салимовнинг дўстлари Полвонниёзҳожидан уни сўраб суриштирадилар. Ўша сұхбатдан маълум бўлишича Бобоохун шу даврда Хивадаги мадрасада мударрислик фаолияти билан шуғулланган.

Бобоохун Салимов ушбу вазифада ишлаб туриб ўзи ҳам мактаблар учун “Алифбе” ва “Ўқиш” китобини яратади. Шунингдек маслақдош жадид биродари Мулла Бекчон Раҳмонов билан ҳамкорликда ўкув қўлланмалари ёзади. Айниқса унинг “Мактаб” сарлавҳали шеъри халқ маорифи учун сидқидилдан ишлаган жонкуярнинг ёрқин қиёфасини кўрсатади:

*Хушдур не бало ҳавои мактаб,
Жон ўлса раво фидойи мактаб.
Мактаб демаки мадори илмдир,
То илм иладур бақои мактаб,
Рашк ўтига ўртамиш Эрамни,
Гулзори фараҳ фазои мактаб
Анвойи илм маъданидир.

Ҳар гўшайи бир саройи мактаб.
Тан ўлғуси булбули баҳорда.
Тифлони ғазал саройи мактаб.
Ҳар кимда бор эрса жаҳл дарди
Даф айлагуси давои мактаб
Гўдаклар адibu олим ўлмас.
То чекмагунча жафо мактаб,
Топмоқ тиласанг икки жаҳонни
Зинҳор бўл ошнойи мактаб,
Хоразм элин айлагай мунаввар,
Нури қамари саймойи мактаб,
Мингдан бирини тугатмас Ожиз
Юз иил деса ҳам санои мактаб.*

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

“Хоразм элин айлагай мунавар мактаб” деб билган Бобоохун Салимовнинг давлат бошқарувидаги тажрибаси инобатга олиниди ва 1923 йил бутун Хоразм аҳлиниң IV қурултойида XXR адлия нозирининг муовини, 1924 йил 26 марта XXR адлия нозири вазифаларида фаолият кўрсатиб бошлайди. Шунингдек у 1924 йил 17 апрелдаги руҳонийларнинг I-қурултойи чақирилиши ва ўтказилишига раҳбарлик қилди.

Полвонниёзҳожи Юсуповнинг “Хотиралари”га қўра ушбу қурултой ташкил этилиши ва ўтказилишида Бройда фаоллик қилган. У Хивага келгач Бобоохунни Гурландаги уйидан Хивага чақиртириб айнан унга қурултойни юқори савияда ўтказишига ишонч билдиради. Бройдонинг таклифи билан Полвонниёзҳожи, Бобоохун ва Нуржон охун раҳбарлигидағи комиссия ташкил этилади ва уларнинг саъии-ҳаракати билан қурултойга нафақат Хоразм, балки бошқа ҳудудлар, жумладан Бухоро ва туркман уруғларидан вакилларнинг иштироки таъминланади.

Афсуски 1924 йил 22 ноябрдаги миллий давлат чегараланишидан кейин Бобоохун Салимов сиёсий фаолиятини тўхтатиб аввал Гурланда, кейин Юмуртоғ этагидаги, Эшонёп бўйидаги қишлоқда дехқончилик билан шуғулланишга мажбур бўлади....

Бу вақтда жамиятдаги онгли, фикрлаш тарзига эга бўлган инсонларни “халқ душмани” деб атай бошлаган давр бошланганди. Бобоохун Салимовнинг кўпгина таниш билишлари ҳам шу тарзда “халқ душмани”га чиқарилиб, қамоқхонага ташланади. У бир танишини ҳақлиги ва ҳеч қандай “халқ душмани” эмаслигини исботлаб Қипчоқдаги қамоқхонадан чиқаради.

..1929 йил 9 майининг кунчиқар маҳали маҳсус Бобоохунни йўқ қилиш учун тузилган гуруҳ Юмуртоғдаги қишлоққа боради. Қодирберган Низомиддинохуннинг

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

хотирлашича, “бемаҳалдаги отлар дупури ва ниҳоят эшикнинг қаттиқ тақиллаши Бобоохун ва унинг умр йўлдоши Шукуржон аяни безовта қиласди. Долонда турган Бобоохун уларни кузатиб “ахир бу таниш йигитларку” дея ҳайрон бўлади. Бироқ уларнинг важоҳатини кўриб қочмоқчи бўлади. Афсуски, уни тутиб отиб ўлдиришади. Ўғли Соатаддин қочиб бораётганида унга ҳам икки ўқ узишади. Шукурки, ўқ тегмайди. Бироқ, 1930-йиллар қирғинидан қочиб қутулаолмай “халқ душмани” деб қамалади”.”.

Шу ўринда тарихчи сифатида мени кўп йиллардан бери бир савол ўйлантиради: Бобоохун “ахир бу таниш йигитларку” дея таниган кимсалар кимлар бўлиши мумкин? Собиқ иттифоқ пайтида айтиб келинган “босмачилар”ми, ёхуд ГПУ(Давлат бош сиёсий бошқармаси) чиларми? ГПУчилар нега судсиз, сўроқсиз уйига бостириб келганича отиб ўлдиришди? “Босмачилар” деган тахмин ўз-ўзидан йўқقا чиқади. Зоро, бу пайтга келиб Хоразм воҳасида совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат-“босмачилик” деярлик тугатилган эди.

Демак, ГПУми? Маълумки, бу пайтда ушбу ташкилот такомиллашиб ўз иш услубига эга эди: қайсиadir иш бўйича айбдор деб гумонланган шахс ҳудуддаги бўлимга чақиририлар ва тергов ҳаракатлари олиб бориларди. Қолаверса Бобоохун 1924 йилдаги миллий чегараланишдан кейин умуман сиёсатдан чекинган ва ўз ерида тинчгина дехқончилик қилиб келарди. Хуллас, бу савол, яъни Бобоохунни айнан уйига бориб ўлдиришдан қайси гурух, кимсалар, ташкилот манфаатдор эди, деган савол мени тарихчи сифатида кўп йиллардирки ўйлантириб келади. Шундан келиб чиқиб гувоҳлар (турмуш ўртоғи Шукуржон ая, ўғли Соатаддиннинг)

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси
кўрсатмалари, хотиралари, ёхуд биронта архив ҳужжати йўқ ёки топилмаган экан, савол меним назаримда жавобсиз бўлиб келар эди...

Шунга ўхшаш бир ҳолат: Бобоохуннинг сафдоши Бекжон Раҳмонов ҳам, айrim тарихчилар, хусусан профессор Олланазар Собировнинг (“Хоразм ҳақиқати” газетасининг 1992 йил 18,27 февраль) мақоласида 1929 йил Амударёдаги кемада ўлдириб кетилгани ёзилади.

Агарки Бобоохуннинг ўтмишдаги сиёсий фаолияти, ёхуд Кремлдаги шижаоти, қаътияти туфайли десак, орадан 9 йил ўтгач уни жисман ўлдиришга зарурат бормиди? Негаки Полвонниёз ҳожи Юсупов, Назир Шоликоров, Худойберган Девонов сингари Бобоохуннинг сафдошлари бу пайтда Хивада одатий турмуш тарзи билан ҳаёт кечиришарди. Шунингдек 1924 йилдаги миллий чегараланиш пайтида Хоразм манфаатлари учун қаътиятлилик билан курашган Султонқори Жуманиёзов, Қаландар Одинаевлар эса совет идора-ташкилотларида фаолият кўрсатишарди. Демак, Бобоохун Салимовни кимлар, нимага, қандай мақсадда ўлдиришганди??!!

Ушбу саволга жавобни Салимохуннинг Гурлан туманида яшовчи авлодлари, шажаранинг вакиллари қуйидагича изоҳлашди:

-Бобоохун ўзига республика давридаги адлия нозири, Москвага боргандаги берилган дахлсизлик мандатини сақлаб қолган бўлиб, шу асосда 1928-29 йилларда аксилинқилобчиликда айбланиб ноҳақдан қамалган юртдошларини озодликка чиқарган эди. Табиийки Манғит, Қипчоқ ва округдаги ГПУчилар бу ҳақда ўзининг юқори идораларига маълум қилишади. Натижада юқори бошқарув тузилмаси, ишларига тўсқинлик қилаётган Бобоохунни йўқ қилишга буйруқ беришади. Натижада буйруқни ижро этиш учун тузилган гуруҳ 8 май куни

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

(яъни суиқасдан бир кун олдин) Эшонёп бўйи қишлоғига бориб тунаб қолишади. Маҳаллий аҳоли кийимидағи (жумладан туркман либосидаги) қуролланган отлиқларнинг бедазорда ниманидир муҳокама қилишаётгани, тунни шу ерда ўтишаётганини қишлоқдаги айrim кишилар кўришган. Айнан ана шу гуруҳ эртасига бемаҳалда Бобоохун уйига бориб унга суиқасд қилишган...

Маълумки, Бобоохуннинг сафдошларидан Полвонниёз ҳожи Юсупов, Султонқори Жуманиёзовлар 1936 йилда хасталиги туфайли вафот этишади ва Хивага дафн қилинишади. Бироқ улар билан бир сафда, бир ғоя учун курашган Хоразмлик жадидлардан Худойберган Девонов, Назир Шоликоров ва бошқалар “Катта террор”-1937 йилда “халқ душмани” сифатида қамалиб, 1938 йил 4 октябрда отиб ўлдирилган.

Агарки...агар тақдир Бобоохун Салимов, Бекжон Раҳмоновларга ҳам атиги 7 йил, Полвонниёз ҳожига 1 йил яашни инъом қилганида, табиийки давр тўфонлари уларни ҳам ўз домига тортиб кетарди.

...1929 йил 9 май. Бобоохун ҳаётининг сўнгги куни....

Умр интиҳоси фожиали тугаган Бобоохун Салимовнинг ҳаёти тарихчи Жумабой Раҳимов ёзгандай “Чақмоқ каби чақнаб ўтди. У ғоят мушкул бир пайтда ҳақ ва ҳақиқат учун кураш йўлига кирди”...

Жадид зиёлиси Бобоохун Салимовдан Ёқутжон, Ҳадияхон, Исомиддин, Соатаддин, Абдулла, Ҳамидулла, Шукурилла исмли фарзандлар ва энг асосийси яхши ном қолди ва сулола давомийлиги давом қилмоқда.

ХУДОЙБЕРГАН ДЕВОНОВ

Хоразм жадидларининг “Ёш хиваликлар” ҳаракати (партияси) намояндаларидан бири Худойберган Девонов-

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

1878 (айрим манбаларида 1879) йили Хивада, Қадам Ясовулбоши исмли хон амалдорининг мирзаси бўлиб хизмат қилувчи Нурмуҳаммад девон ва Рўзида ая хонадонида таваллуд топганди. Худойберганнинг отаси, айрим манбаларда айтилишича, хон саройида мунший (котиб) ва табиб бўлиб хизмат қилган. Бошқа бир манбада Нурмуҳаммад отанинг Хўжайли туманида ҳоким бўлганлиги айтилади. Худойберган Девоновнинг ворисларидан бўлган Абдулла Юсуповнинг изланишларига кўра, Нурмуҳаммад Хўжайли туманидаги ер-сувнинг бошқарувчиси бўлган. Х.Девоновнинг ўзи 1937 йилда НКВД терговчиларига берган кўрсатмасида Хива туманидаги Бадирхон қишлоғида отасининг 6 гектар ери бўлгани ва у шу ерларни теварак-атрофдаги деҳқонларга бўлиб берганини ҳамда шу ерлардан даромад олганини айтган.

Х.Девоновнинг 1935 йил 9 декабрда Урганчда ёзилиб, лотин ёзуви машинкада кўчирилган ҳужжатга қараганда, “Худойберган” нафақат бўлажак фотографнинг, балки отасининг ҳам исми бўлган. Яъни исм-шарифи Худойберган Нурмуҳаммедов бўлмиш ота тўнғич фарзанди дунёга келганида азбаройи хурсанд бўлганидан ва бу бевафо дунёдан ёлғиз ўтмай, из қолдириб кетажагига ишонганидан Оллоҳга шукроналар айтиб, фарзандини ҳам Худойберган деб атаган. Худойберганга қўйилган Девонов шарифи эса отасининг хон девонхонасида ишлаганидан келиб чиқиб қўйилган.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Наим Каримовнинг ёзишича, “шу нарсани айтиш жоизки, тарихнинг биз тилга олган даврларида жангари уруғларга мансуб кимсалар яқин шаҳар ва ўлкаларга бориб, қул ва чўри сифатида хизмат қилиши ва “яхши” пулга сотилиши мумкин бўлган кишиларни ўғирлаб

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

келиб, қул бозорларида сотишган. Кейинчалик “Худойберган” ёки “Оллоберган” исмини олганларнинг аксари қул бозорларида сотилиб, мардона меҳнатлари билан ўз тақдирларини яратган кишилардир”.

Худойберган Девоновнинг ўзи 1937 йилда ҳибсга олинган пайтида қамоқхонада таржимаи ҳолини ёзган бўлиб, унда шундай жумлалар бор: “1850 йилда, Худойберган Нурмуҳамедов Эроннинг Калат деган жойидан такалар томонидан келтирилиб, Хевада Отажон тўра деганга қул қилиниб, 18 тиллага сотилганлар. Бир неча йиллар отам унинг хизматида ишлаб, иш орасида ўқиб, саводини чиқарганлар. Кейин девонлик (писарлик) қила бошлаган. Отажон тўра Мадраҳим 1 (Хива хони Муҳаммад Раҳимхон 1 назарда тутилмоқда-У.Б) томонидан ҳибс қилингандан кейин у Қадам маҳрам қарамоғида девонлик (писарлик) хизматида бўлган. Қадам маҳрам ясовулбошилик мансабига тайинланганидан сўнг майдондаги хизматларни отамга топширган. Отам Хўжайлида ер, сув, таноб ишларида бўлган. Шундай қилиб, Қадам маҳрам ўзининг ўлажак вақтида қарамоғидаги ворисларини отамга топширган. Яъни отамни васий қилган. Отам эса ўлганича уларнинг хизматида бўладир.. Мен 1878 (айрим манбаларда 1879 йил-У.Б) йилда Хева шаҳарида туғилиб, 9 ёшимдан эски мактабга қатнаб ўқидим. 15 ёшимгача оз-кам саводим чиқди. Кейин йўнуқчилик ишига киришдим. Отам эса бу ишни оғир ҳисоблаб, яхшироқ ва одамнинг зеҳнини ўстиратурган ҳунарларни ўрганишимга ташвиқ қиласар эди. 1889 йилда мени соатсоз устага шогирд қилиб бердилар. Бир йил давомида бу ишни ўрганиш учун устодим бўлмиш Адам исмли бир рус устага 300 сўм тўладим. З йил бу иш билан шуғулландим. Шул вақтларда фото ишларини ўрганишга менда катта ҳавас пайдо

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

бўлди. 1903 йил бир микдор пул анжом қилганим ҳолда Полвон ҳожи билан биргалиқда Маскавга кетдим...”

Академик Наим Каримовнинг таъкидлашича, “Худойберган Девонов таржимаи ҳолини ёзган кезларида, чамаси, немис миллатига мансуб кишилар билан ҳамкорлик қилганлиги, чунончи, Оқ масжидга келиб ўрнашган немислардан бири Вильгельм Пеннердан фотографияни ўрганганлигини айтиш хавфли бўлган кўринади.. Шунинг учун ҳам у Адамнинг рус миллатига мансублигини айтгани ҳолда асосий устози Вильгельм Пеннер номини умуман тилга олмаган. Ҳолбуки, унда фото санъатига қизиқишининг уйғониши ва унинг илк ўзбек фотографи бўлиб шаклланиши шу Вильгельм Пеннернинг номи билан бевосита боғлиқ” (“Жаҳон адабиёти” журнали 2008 йил, 161-162 бетлар).

Худойберган Девоновга отасидан мерос сифатида Хива яқинидаги Бадирхон қишлоғида 6 гектар ери, 4 та ҳўкизи ва 2 та оти бор эди. Отаси, кейинчалик Худойберганинг ўзи ҳам саройдаги ишлар билан банд бўлганлиги сабабли, ерини яримчиларга бериб, келадиган фойда эвазига яшашган. Шу туфайли ҳам унда Хива яқинидаги Оқмачит қишлоғидаги меннонит немисларидан хусусан фотосуратчи Вильгельм Пеннердан суратга туширишни ўрганишга имконият бўлган. Агарда Худойберган оддий дехқон ёки этикдўзнинг фарзанди бўлганида, 19 аср охиридаги тирикчилик ташвишидан умри ерга ишлов бериш, оёқ кийим ямаш билан ўтиб кетарди.

Маълумки, меннонит немислари христиан динининг аннабатизм мазҳабидан ажralиб чиққан оқим бўлиб, улар диний эътиқодига кўра, қўлига қурол ушлаб урушларда қатнашиш, умуман одам ўлдириш, ҳаётига тажовуз қилишни гуноҳ ҳисоблаганлар. Шу боисдан ҳам

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

уларнинг тақдирига ватанлари-Германия (Пруссия)нинг Марионбург ўлкасини ташлаб, Россияга келишлари ёзилган экан. Чунки, Пруссия ҳукумати 19 аср бошларида урушга тайёрланаар экан, меннонитларни ҳам фронтга жалб этишга қарор қилганди. Бу эса меннонитлар эътиқодига зид бўлгани учун, Марионбурглик муҳожирлар Россияга келиб яшай бошлашади. Азалдан чор империяси амалдорлари сиёsat юргизишда немисларга таянгани учун, меннонит миллатдошларига бу ерда яхши шароит яратиб берилади. Аммо Россиядаги барча эркакларни ҳарбий хизматга жалб этиш тўғрисидаги император фармонидан кейин, меннонитлар у ерни ҳам эътиқодларига кўра ташлаб кетмоқчи бўладилар. Шунда асли келиб чиқиши немис зодагонларига мансуб империянинг Кауфман, Дреш сингари генерали немис-рус оқсусяклари меннонитларга Ўрта Осиёга боришни таклиф қилишади. Шу тариқа 1883 йилда улар Хива хонлигига келиб ўрнашишади. Хон Феруз меннонитларга биргина шарт-воҳада чўчқа боқмасликнигида ўтиниб сўрайди ва уларни Хива яқинидаги Оқмачит қишлоғига жойлаштиради. Ана шундан кейин Оқмачит немислари деган атама ва хонликдаги этник жамоа пайдо бўлади.

Сарой мирзосининг оиласида туғилган, ўз даврининг бадавлат оиласи фарзанди бўлгани учун унда ўз қизиқишидан келиб чиқиб Вильгельм Пеннердан фотосуратчиликни ўрганади. Шу боис Худойберган аксарият воҳаликлар каби деҳқончиликка эмас, илму фанга, техникага қизиқди. Мактабда таҳсил олди. Шу билан бирга Хивада кийим-кечак билан шуғулланувчи дўкон очиб, савдо билан машғул бўлди. Техникага қизиқиши устунлик қилгач эса, савдогарчиликни йиғишириб, соатсозлик билан шуғулландики, бу ўша 19

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

асрда ҳам катта янгилик бўлиб, фақат хон, унинг бъязи амалдорлари ҳамда Хива хонлигидаги Чор Россияси акскарларида гина соат бор эдики, Девонов уларга соат сотиш, бузилганларни таъмирлаш билан шуғулланди.

Вильгельм Пеннердан 1890 йилдан бошлаб фото, 1907 йилдан эса кино сирларини ўрганган Худойберган, оддий авом кишилар ва мутассиб руҳонийларнинг “Шайтон суратчи”, “Афсунгар киночи” дея қарашларига қарамай, тараққиёт маҳсули бўлган мўъжизавий оламга қадам қўйди. Бу борада уни маърифатпарвар Хива хони Мухаммад Раҳимхон 2-Феруз қўллаб-қувватлаганини таъкидламоқ лозим.

Тарихдан маълумки, 1898 йили Санкт-Петербург шаҳрида Николай Романовга тож кийдириш маросими нишонланади ва унда дунёning кўплаб мамлакатлари раҳбарлари, шу билан бирга Россиянинг мустамлака ўлкалари, жумладан Хива хони Ферузхон ҳам қатнашади. Адабиёт ва санъат шайдоси, янгиликларга интилевчан Ферузхоннинг Санкт Петербургда бўлиши унинг дунё фан техникасидаги ўзгаришларини кўриб ҳайратланишга олиб келди. Санкт Петербургдек дунё маданиятининг марказларидан биридаги саройлар, ундаги фавворалар, фото ва киносанъатининг тараққий топаётганлиги унда онгода катта ўзгариш ясади. Ана шу боисдан у Худойберганиннинг фото ишларига мутассиб диндорларнинг зуғуми боис қаршилик кўрсатмай аксинча Девоновни қўллаб кувватлади.

Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидламоқ лозимки, Худойберганинг баҳтига ўша вақтда Хоразм ҳукмдори созанда, бастакор ва шоир Ферузхон эди. Агарки, унинг ўрнида тарих ва тақдир ҳукми билан худди ўтмишда кўп бўлганидек, майшатпараст ёхуд жаҳолатгўй кимса хон бўлганида Худойберган Девоновнинг ишлари

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

умуман олдга силжимаган, кўпгина тараққийпарварлар сингари ҳатто ўлимга маҳкум ҳам этилган, шу тариқа 19 аср охири ва 20 аср бошларида ўзбек фотокиночилигига Хивада асос солинмаган бўларди. Шукрки, унинг ва халқимиз баҳтига ва тақдир тақозосига кўра Хива хони Ферузхон эди. Шу боисдан ҳам Худойберганни Феруз саройга ишга олди, ўзи билан бирга 1907 йили Россияга ҳам олиб кетганди.

Мутаассиблик авж олган бир пайтда хоннинг тараққийпарвар маслақдошини қўллаганини ҳам миннатдорчилик билан айтмоқ лозимки, у баъзи шайхулислом ва жаҳолатгўй бандалар Худойберганга фото билан, киночилик билан шуғулланиш гуноҳ дея зуғум ўтказишган пайтларда, ўзи ибрат бўлиб суратга тушди.

Бироқ Ферузхоннинг 1910 йилдаги ўлимидан сўнг вориси ва ўғли Асфандиёрнинг атрофини жаҳолатгўйлар қамраб олгани, Исломхўжадек тараққийпарвар бош вазирнинг 1913 йилдаги ўлимидан сўнг, Девоновнинг фотокино борасидаги ишларини қўллаб қувватлайдиган инсонлар қамрови камайди. Гарчи Девонов Асфандиёрхон ва унинг амалдорлари суратини ишлаган бўлсада, уларда Ферузхондек янгиликни қўллаб қувватлаш, ташаббускорлик йўқ эди.

Аммо Девонов ҳам тараққийпарвар зиёли бўлгани учун 20 аср бошларидаги жадидчилиқдек миллий уйғониш ҳаракатига қўшилади.Хоразмлик жадидлар-“Ёш хиваликлар” ҳаракатидаги Полёзҳожи Юсупов, Мулла Бекчон Раҳмонов ва Бобоохун Салимов каби зиёлилар билан маслақдошлиқда иш олиб борди.

Шу билан бирга хонлик саройида ишини давом этдириб, Хоразм пулларини босадиган зарбхонага мудирлик қилди, Асфандиёрхон, Сайд Абдуллахон ҳамда

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

уларнинг оила аъзоларининг, баъзи сарой амалдорларининг ҳам суратларини ишлади, уларга сураткашликни ўргатди. Чунончи, Асфандиёрхондек ҳали шаҳзодалик пайтида Фаррух тахаллуси билан ижод қилган шоир ҳам географияга қизиқиб Россия гоеграфия жамиятининг аъзолигига сайланган иқтидорли инсон бўлгани сабаб, Худойберган Девоновдан фотография сирларини ҳам ўрганганди.

Хоразмда унинг яратган янгилиги-фото ва киночиликка гарчи мутассиблар қаршилик кўрсатсада, 1915 йилларга келиб одамлар қўнишиб бошлишган эдилар. Шу боисдан у фото ва кинолавҳалар яратиб, Абулғози, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихнавислигини давом этдирган ҳолда, ўз даврида рўй берган воқеа-ҳодисаларни фотокинотасмаларга муҳрлаб, тарихчилик вазифасини ҳам бажарган.

Эътиборлиси шундаки, Девонов суратга туширган лавҳалар чиройли композициялар, озода кийинган, кинога тушишга шайланиб турган кишилар эмас, ҳаётнинг тасмадаги аксиdir. Энг ҳайратланарлиси, бирорта яратилган лавҳада кишиларнинг объективни сезгани, нигоҳини, юриш-туришини ўзгартиргани, яъни сунъий ҳаракат этгани сезилмайди.

Айниқса, мутаассиблар таъсирида авом одамлар суратга тушмоқлийка ҳаракат қилган, қўрқсан онларда, уларни бунга кўндириш қийин эди. Уларнинг муҳитига кириб, бу аппаратлар тараққиёт натижаси эканлигини тушунтиргани, одамларни фотокиноаппаратлар олдида эркин ҳаракат қилишга одатлантира олгани Девоновнинг нафақат оператор ёки сураткаш, балки билимдон режиссёр бўлганиният кўрсатади. Шу билан бирга у одамларни тўплаб, ўзи олган кинолавҳаларни намойиш этиб, киносеанс ҳам ўтказиб турганки, бу кинони 20 аср

бошларида кенг оммага тарғиб этган тараққийпарварлик ҳам бўлган.

1917 йил апрелида Хивада жадидлар-“Ёш хиваликлар” Асфандиёрхонга давлатни Идораи Маршрутия- яъни парламент орқали бошқаришни талаб қилиб чиқишиади. Халқ ҳам жадидларни қўллаб қувватлгач, Асфандиёр олдинига Кенгаш-парламент тузишга рози бўлади. Бироқ сўнгра мутассиблар таъсирида ва чор армияси генерали Мирбадалов ёрдамида “Ёш хиваликлар”ни таъқиб қилиб, ҳатто уларни ўлдиришга ҳаракат қиласди.

Шундан сўнг “Ёш хиваликлар”дан Полёзҳожи Юсупов, Худойберган Девонов ва бошқалар Тошкентга кетиб муҳожирликда яшашга мажбур бўлишади. Девонов Тошкентдалик пайтида фотография билан шуғулланиб қўплаб суратлар ишлайди.

1920 йилда Хива хонлиги тугатилиб Хоразм Халқ Республикаси ташкил этилгач, Худойберган Девонов жадид дўстлари билан ёш республиканинг ҳукумат таркибиغا киради. Молия нозири, тафтиш комиссияси раиси каби лавозимларда ишлади, Ўрта Осиёда биринчи бўлиб Хоразм қофоз фабрикасини қуришга интилади.

Молия нозири сифатида XXРнинг мато ва қофоз пуллари билан бирга, чақа-танга пуллар зарб этишни ҳам йўлга қўйди. Шу билан бирга у фото ва киночилар ҳаракатини кенг қамровда давом этдиришга интилиб, республиканинг турли жойларида фототўгараклар очди, мактаб, интернат ва билим юртларида ўқув курслари ташкил этди. Фотокино тарихи, босиб ўтилган жараён, тажрибалари ҳақида мақолалар ёзди.

Айни пайтда эса ўзи шогирдлари билан Хоразмнинг турли жойларидан лавҳалар ишлади, ташкил этилган газеталарга суратлар бериб борди. Кинотеатр очишга ҳам ҳаракат қиласди.

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

XXР ҳуқумат аъзоси сифатида Х.Девонов сиёсий фаолият ҳам олиб бориб, 1923 йилнинг август-декабр ойларида Москвада бўлиб ўтган халқ хўжалиги кўргазмасини ташкил этишда қатнашди. Кўргазмага нафақат сиёсий арбоб, балки етук кино устаси сифатида ташриф буюриб, “Хива ва хиваликлар”, “Ўрта Осиёning меъморий ёдгорликлари” номли кинолавҳалар ишлаб, уларни россияликларга намойиш этди.

1924йилда XXР тугатилгач, у сиёсий фаолиятдан четлашиб, умрини санъатга бағишилади. Шогирдлари билан фотокинолавҳаларни суратга олди. Кейин эса “Узбекистанская правда” газетасининг Хоразмдаги, Москвадаги “Совкино” нинг Ўзбекистондаги маҳсус мухбири бўлиб, суратлар олди, кино ишлаш билан машғул бўлди.

Айни пайтда кўплаб шогирдлар етиштириб ўз билимларини ёшларга ўргатиш билан машғул бўлди. Ўша даврда, округ маркази бўлган Урганч шаҳридаги мактаб ва техникумларда фотография “фан”и киритилган ва бу “фан”ни ўтиш Худойберган Девоновга топширилган эди. Худойберган Девонов то 1937 йилда қамалгунича ўз зиммасига топширилган шу вазифани шараф билан бажариб, ўндан зиёд малакали фотографларнинг етишиб чиқишига қалб қўрини бағишилади.

“Ер юзи” журнали 1926 йилдаги сонларидан бирида эълон қилинган “Ўзбек фотографчиси” деган мақолада у тарбиялаб етиштираётган шогирдлар тўғрисида бундай самимий сўзларни ёзган эди: “Девонов ёш ҳаваскорларни етиштириш борасида ҳам кўп иш қилди. Хивалик ёш йигитни шогирдликка олиб, уни яхши фотографчи қилиб етиштириди, шунингдек, яна бир йигитни ҳам фотографчиликка ўргатди. Бу йигит ҳам моҳир фотограф бўлиб етишди. Девонов 1924 йилда Хивадаги таълим-

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

тарбия тезникумидаги фото бўлимини очди. Бунда ўз аппарати, ўз билими билан 13 болани фотографчилик ишига ўргатди”.

Аммо 1926 йилдан шўроларнинг мажбурий равишда авж олдириб юборган ер-сув ислоҳоти сиёсати Худойберган Девонов ҳаётига ҳам таъсир қилди. Яъни, у бор ери, молу мулкини ташкил қилинган Хивадаги колхозга топширишга мажбур бўлади. Бу ҳол сабабини у кейинчалик шундай дея тушунтириб ўтган экан: “Агар 1926-27 йилларда 15 ярим таноб келадиган ер сувимни давлатга топширмаганимда, мени ўша вақтдаёқ, албатта қулоқ қилган ва бутун хўжалигимни тортиб олган бўлардилар. Мен шу ҳолни эътиборга олган ҳолда шундай қилишга мажбур бўлдим”.

Девоновни молу мулкини колхозга топширишга мажбур қилган ҳолат, 1926 йилда ЎЗССР МИК Жиноят кодексининг 80 моддасига қўшимча киритган, унда “ер майдонини яширган ёки қишлоқ хўжалик асбоблари сони ҳақида нотўғри маълумот берганлик учун З йилгача муддат билан озодликдан маҳрум этилиб, молу мулки мусодара қилиниши назарда тутилган эди” (“Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1926 йил 25 декабрь).

Бундан ташқари ЎЗССР халқ комиссарлари советининг “Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодекси тадбиқ этилиши лозим бўлган қулоқ хўжаликларининг белгилари ва шундай хўжаликларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида” 1930 йил 6 апрелда 52-сонли қарори чиққанди.

Мазкур қарорнинг турли бандларида, “Қишлоқ хўжалик ишларида, касб ҳунармандчиликда, корхоналарда мунтазам равишда ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи деҳқон хўжаликлари, оиласида меҳнатга яроқли эркаклар ва ўз ерига ишлов бериш учун хўжалик

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

имкониятлари бўла туриб, ўзининг ерини ижарага берувчи ёки унга чорикорлар орқали ишлов берувчи хўжаликлар” қулоқ сифатида жазога тортилиши, ўз юртларидан бадарға этилиши белгилаб қўйилганди.

Девоновлар оиласи эса Хивадаги Бадирхон қишлоғидаги ери ва 4 та хўқизи, 2 та отини мудом ижарачиларга бериб келганди. Юқорида чиққан қарорлардан сўнг, Девоновлар оиласи бор молу мулкини колхозга топширишга мажбур бўлди.

Ана шу воқеалардан сўнг Девоновнинг ҳаёти оғирлашиб, моддий томондан аҳволи қийин бўлиб қолади. Чунки нафақат у, балки отаси ҳам ер, молу мулкини ижарага бериб, шундан келган фойда ҳисобига яхши яшашган ва Девоновнинг ҳам ижод қилиб, фотокиночилик билан машғул бўлишига имкон бўлганди. Ер-сув ислоҳоти даврида ери, молидан ажралганидан кейин эса...

Хуллас, у аҳволи оғирлашганидан бошқа танишларидан ёрдам сўрашга мажбур бўлади. Чунончи, у 1928 йилда Тошкентга бориб, ер ишлари халқ комиссарлигида ишлаётган Карим Болтаев ёнига боради. Девоновнинг Тошкентга келишига сабаб, у янги фотоаппарат олиш учун у ерга борганди. Бироқ, пули етмагани боис, Карим Болтаевдек ҳамюртидан ёрдам сўрайди. Девонов ҳамюртидан шу билан бирга, ўзининг Фарғона водийсига бориб, бораётган жараённи суратга олмоқчи эканлигини айтади. Хуллас, Болтаевнинг берган ёрдамидан сўнг у водийга бориб суратлар ишлайди. Натижада, 1928 йилда “Узбекистанская правда” газаси саҳифаларида Девоновнинг водийдан суратга олган фотоловҳалари чоп этилади.

1932 йилда Хива район халқ маориф бўлими мудири Ризаев имзолаган шаҳодатномада қайд қилинишича,

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Худойберган Девонов ўзининг 32 йиллик хизмати мобайнида чинакам фото-кино ходими деган унвонга муносиб кишиларни етиштириб берган. “Девонов, - деб ёзилган унда, - Хоразмда энг катта аҳамиятга эга фото-кино илмини ривожлантириш, айниқса, бу майдонда турли монеликларга қарамасдан, олдимизда турган турли тарихий, инқилобий воқеаларда кучи етганча ташаббус қўрсатди ва қўрсатмақда”. Яна шу хужжатдан маълум бўлишича, у шу йилларда Хива район фото бўлими мудири бўлиб ҳам ишлаган.

Хоразм округ маориф бўлими мудири Раҳмонов томонидан имзоланган ва Хоразм округи Ижроия Қўмитаси ҳайъатига юборилган хатда Девоновнинг тарихий хизматлари қўйидагича эътироф этилганди:

“Худойберган Девонов ўзининг 35 йиллик фото ишлари соҳасида ҳормай-толмай ишлаш билан (бирга) Хоразм оазиси (воҳа) да санои нафиса ишини(нг) бошланиши ва бу ишга негиз солиш билан санои нафиса тарихида (Хоразмда) биринчи ўринни олишга ҳақлидир. Нафис санъатнинг ўсишига энг қаттиқ душман бўлган диний хурофотларнинг энг куч олган хужум ва танбехларга қарамай, ишини тараққий қилдира бериши, бунинг натижасида Хоразм тарихи учун энг қимматли расмлар олиниб, тарих учун жуда кўп материаллар йиғнаб бериши жиҳатидан (қараганда) Девоновнинг тарих фани соҳасида ҳам катта хизматлари бор. Девонов хонлар даврида эски урф-одат, турмуш, қишлоқ хўжалиги, Хоразмнинг инқилоб тарихи, инқилобдан сўнгги ўшишларига доир... кўп қимматли материаллар берди ва бермакда”.

Худойберган Девонов шу билан бирга матбуот орқали фотокино санъатни тарғиб қилиш ва ёшларга ўргатиш бўйича ҳам фикрларини билдириб, бир қатор

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

таклифларни илгари суради. 1935 йилнинг 18 августида “Инқилоб қүёши” газетасида ёритилган “Фотомухбирларни етказишга зўр аҳамият берайлик” номли мақоласида ҳам шу борадаги ниятлари акс этганди.

Маълумки, 1930 йилларга келиб қулоқлаштириш ва қатағоннинг ilk босқичлари кечётган давр эди. Ўша таҳликали, айни пайтда Девоновга ўхшаш зиёлилар ер ва молу мулкидан айрилиб хўрланиб қолган пайтда биринчи фотокинооператорга Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев каби республиканинг раҳбарлари унинг аҳволини тушуниб ёрдам беришган.

Хусусан, 1935 йилнинг сентябрида Акмал Икромов Урганчга келганида, Девонов олий мартабали меҳмон ва яқин таниши бўлган давлат арбобини суратга тушириш учун олдига боради. Ана шунда, А.Икромов Хоразмлик раҳбарларга қарата, “Буни қаранглар-а”, Девон ота ҳам кесайиб қолипти. Унга нафақа тайинлашни сўраб, округ ижроия комитети номидан хат тайёрланг ва тезроқ Тошкентга юборинг” дейди.

Шу сабаб, Девонов тегишли хужжатларни тайёрлаб, Тошкентга боради. Бироқ, Акмал Икромов ўқлиги туфайли у ҳамюрти, Ўзкомпартияда ишлаётган ижодкор Курбон Берегин билан учрашади.

Хуллас, шу саъий ҳаракатлар сабаб, Файзулла Хўжаев имзоси билан Девоновга нафақа тайинлаш тўғрисидаги халқ нозирлари кенгашининг қарори чиқади ва у ойига 300 сўм нафақа оладиган бўлади.

У нафақат Хоразмдан, балки Тошкент ва Фарғона водийсидан ҳам лавҳалар яратиб, 1937 йил ёзигача давр солномачиси сифатида фаолият кўрсатган. Ўша йилнинг 30 июнида унинг олийжаноб фаолиятига чек кўйилди-хонлик даврида зарбхона мудири, сарой амалдори

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

бўлгани, хонларни суратга туширгани, жадидларга қўшилгани, XXР пайтида нозир бўлиб ишлагани, қисқаси миллий кайфиятдаги зиёли бўлгани учун ноҳақдан “халқ душмани” тамғаси билан ҳибсга олинади.

Девоновнинг Урганч ва Хива шаҳарларидағи уйини тинтув қилиш пайтида Худойберганга тегишли қўшотар милтиқ, 300 га яқин фотосурат, 120 варакдан иборат ёзишма, 17 та турли туман ҳужжатлар олиб кетилади.

Девоновнинг маҳбуслик анкетасида, унинг тергов давомида айтган гап-сўзлари келтирилганки, булар орқали ўша даврдаги вазиятни билиб олиш мумкин.

Маълумки, Девонов Хоразм Халқ Республикасининг молия нозири бўлиб ҳам ишлаган. Жадид дўстлари мустамлакачилик бошқача кўринишда давом этмаслиги ва фожиаларнинг олдини олиш учун Худойберганни Москвага ёш республиканинг муҳтор вакили қилиб тайинлашади. Бироқ, Москванинг XXРдаги вакили Бык Девоновнинг Москвага боришига рухсат бермайди ва Худойберган молиячи сифатида Хивада ишини давом этдираверади.

XXРнинг биринчи раҳбари бўлган Полёзҳожи Юсупов ўз хотираларида, Бык Девоновни Москвага юборишга норози бўлганини айтиб, “Худойберган Девоновдин бошқа кимни олиб кетсангиз сизга ихтиёр” деган. Ҳа, мустамлакачилар Девоновдан шунчалик чўчирдилар.

Аммо Девоновнинг моҳир дипломатик қобилияти борлигини яхши билган “Ёш хиваликлар” дек жадид маслакдошлари уни 1923 йили Москвада очилажак кўргазмани ташкил этиш комиссияси таркибиға киритиб, Россияга юборишади. У комиссия билан 12 августда Москвага бориб, декабрнинг сўнгги кунларида ишларни яхши йўлга қўйиб воҳага қайтиб келади.

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

Уларнинг юртга қайтиши мудхиш кунларга тўғри келади. Девонов ва ХХРнинг зироат нозири Муҳаммад Аминатдинов биргаликда Хонқага етиб келишганида Хива Жунаидхон томонидан қуршаб олинган, шу боис Москвадан келаётган комиссия бир қанча муддат у ерга бормай Тўрткўлга боришга мажбур бўлади.

Орадан бир неча кун ўтиб, Жунаидхон шўролар томонидан қаттиқ зарбага учрагач Хива қамалдан озод этилади. Шундан сўнг у Хивага кириб келади, аммо тезда ҳибсга олинади. Унга Жунаидхон билан тил бириктириб Хивани қамал қилганларида ёрдам берганлик, унинг фотографи бўлганлик, Жунаидхон талаби билан айrim саҳналарни суратга олганлик, Москвага борганда мустамлакачилар рухсатисиз Мадраҳим Девонов Германияга пахта сотганида уни тўхтатиб қолмаганликда айблашади. Ваҳоланки, Жунаидхон Хивани қамал қилган пайтда Девонов эндиғина Москвадан Хоразмга келаётган, ҳатто Хивага ҳам кираолмаганди. Шундай тўқима айблар қўйилган вазиятда яна уни жадид дўстлари айби йўқлигини исботлаб озод этишади.

1937 йилда унга қўйилган айблардан яна бири Хивага келган туркий халқлар озодлик ҳаракати йўлбошчиларидан бири Закий Валидий воҳага келганда, у билан маслакдошлиқ қилганлиги эди. ХХР даврида Хивани қўриқлаш гуруҳи, яъни милиция раҳбари бўлиб ишлаган Назар Шоликоров ўз хизмат бурчига кўра, Хивага келган ҳар қандай кишини кузатиб юришга, шу туфайли бўлиб ўтган воқеаларни 1937 йилда ҳибсга олингач айтиб беришга мажбур бўлганди. Шунга кўра, Девонов ва Валидий ҳақида бундай дейди: “Мен уч кунгача (Хоразмга) кимнинг келганини билолмай юрдим. Юсупов (ХХР ҳукумати бошлиғи бўлган Полёзҳожи Юсупов) бошлиқ барча халқ комиссарлари уйларига ҳам

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

келмай қаердадир йиғилиш ўтказаётган эдилар. Бу ҳол менда шубҳа уйғотди. Хоразм билан Бухоронинг бирлашган ҳолда кураш олиб бориши учун Хоразмга бухоролик вакиллар келишган эди. Мен музокара олиб бориш учун вакил этиб тайинландим. Романов мен билан бирга эди. Меним ёнимда ўтирган Мулла Бекчон орадан бир неча соат ўтмай кенгашни эртага қолдиришимни сўради ва ўзининг бу илтимосини уйида меҳмони борлиги, кетиши зарурлиги билан изохлади. Мен рози бўлдим ва биз иккимиз бир отга миниб у билан бирга кетдик. Девоновнинг уйига яқин қолганимизда у отдан тушиб қолди. Мен уйга келганимдан сўнг тоғам Олланазарни халқ комисарларининг уйдами йўқлиги эканликларини текшириш учун юбордим. У милиция билан юриб кечаси соат учда Юсуповни тутиб келтирди, аммо мен уни қўйиб юбордим.

Эрталаб Юсуповнинг олдига бориб, ўтган кеча қаерда бўлганини суриштиридим. У Раҳмонов Бекчоннинг, Жуманиёз ҳожи Полвонниёзовнинг сўнгги кечада Худойберган Девоновнинг уйида бўлганини айтди. У ерда Закий Валидий билан бирга Айдаров ҳам бўлган. Юсуповнинг сўзларига қараганда уларга кийим бош ва пул бериб Бухорога кузатиб қўйишиган экан”

Демак, Шоликоров маълумотига кўра, Закий Валидий Хивадан Бухорога кетиш куни Худойберган Девонов уйида бўлган.

Хуллас, 1920-24 йиллардаги ХХР даврида бундай зиддиятли воқеалар кўп бўлиб турарди. Девоновнинг моҳир дипломат эканлигини шу нарсадан ҳам билса бўладики, хонлик даврида туркман уруғлари билан давом қилиб келаётган можароларни у ХХР даврида оқилона тинч йўлга қўяолди.

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

Девонов ана шундай мураккаб вазиятда ҳам фото ва кино билан машғул бўлишни унутмади. Шогирдлар тарбиялаб бор билимини ёшларга ўргатди. Умуман олганда, ўша даврдаги қийин вазиятга қарамай, Девоновнинг кино ва фотосанъатга қўшган ҳиссасини билиш учун, бир манбага мурожаат қиласайлик."Инқилоб қуёши" газетасининг 1928 йил 27 июлдаги сонида ёзилишича, "Хивада 16 июнь куни Девонов иш фаолиятининг 25 йиллик юбилейи ўтказилади. Юбилейда қатнашган Девонов тадбир иштирокчиларининг саволлариغا жавоб қайтариб йиғилганларга иш бошлаган илк давлари ҳақида сўзлаб берди".

Ана шу фактлардан маълум бўляяптики, у фаолиятини кино соҳасида 1903 йилдан бошлаган.

Шу ўринда Девонов ҳали ҳаётлик пайтида 1926 йили "Ер юзи" журналиниң 11 сони, 13 саҳифасида нашр қилинган А.Ёқубовнинг "Ўзбек фотографчиси" мақоласини келтириб мавзуни давом қилдирсак.

"Худойберган Девон ўғли Хоразм ўзбекларидан. 13 ёшида суратга (фотографга) ҳаваскор бўлиб, шу иш билан шуғулланди. Ҳозир Девоновнинг қўлида Хоразмнинг турмуш, кун кўриш ва тарихига оид 500хилдан ортиқроқ расм бор. Агарда инқилоб вақтида олинган расмларни ҳисоблаганде 1500 га етарди. Ҳатто шундай расмлар борки, бу расмлар хон даврида, бундан 40-50 йил илгари олинган бўлиб, Девоновнинг қўлида сақланган.

Девоновнинг сураткашликка ишқибозлиги натижасида кино ишларига ҳам қизиқиш туғдиради. Шунга кўра, Девонов 1903 йилдан бошлаб кино ишларига ҳавасланадур ва шунга киришадур. Ҳозир Девоновнинг сурат ва кинолар учун хусусий лабораторияси бўлиб, 4 та фото, 1 та кино аппарати бор. Девоновнинг қўлида

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Хоразм кўринишлари ва тарихий воқеаларга оид 300 метрдан иборат ҳар хил кинохабарлари борким, буни Девоновнинг ўзи ва ўғли ишлагандир. Девонов сурат олиш, кино олиш билан шуғулланмай балки халқа картина кўрсатиш вазифаларини ҳам бажарадур. Ўзининг картина кўрсатадурғон аппаратлари бўлиб, ички Россиядан ва бошқа ерлардан лента олиб халқа кўрсатадур. Девонов ёш ҳаваскорлар етиширишда ҳам катта хизматлар қилди. Бир хивалик йигитни шогирд қилиб олиб, уни яхши фотографчи қилиб тайёрлади. Шу қаторда яна бир йигитни З йилдан бери ўргатиб келадир. Бу йигит ҳам ҳозир ғайратли фотограф бўлди. Девонов хусусий кишиларни етишириш билан қаноатланмай, мендан Хива учун эсадалик қолсин деб 1924 йилда Хивадаги таълим тарбия фото шўъбаси очди. Бунда ўз аппарати, ўз ғайрати билан 13 болани текинга фотограф ишига тайёрлади.

Девоновнинг мана шу хизматларини Хоразм вилоят ижроия қўмитаси ва Хоразм ишчи деҳқони тақдир этди. Вилоят ижроқўми Девоновнинг ҳурматини тақдир этиб, ишчи деҳқонлар номидан бир олтин соат тақдим этди.

Ўзбек фотографчиси Девоновдан Ўзбекистон тарихий бойлиги билан танилган Хоразм ўлкасида фойдаланишни ўзбек давлат киносининг эсига тушириш орзусида эди. Сўнгги олинган маълумотларга кўра, ўзбек давлат киноси Девоновни Тошкентга чақиртириб бир мунча вазифалар топширибдур”.

Шу ўринда бир мулоҳазаки, Девонов ҳали ҳаётлик пайтида ёзилган юқоридаги мақолаларда Худойберган дастлаб 1903 йили кино соҳасига қўл урганлиги ёзилаяпди. Маълумки, у 1907 йили Петербургга борганидан сўнг “Патэ” аппаратини Хивага олиб келган. Демак, у 1903 йилда балки чор мустамлакачиларининг

хонликка келган қайсиdir вакилининг киноаппаратларидан, ёхуд меннонит немисларидаим киноаппарат бўлган бўлиб, Девонов ундан фойдалангандир, деган савол туғилади. Ҳар ҳолда Девонов замондошлари хато қилмагандирларки, кинога туширишни 1903 йилдан бошлади деб! Қолаверса, ўша мақолалар ёзилган пайтда Девонов ҳаёт эди.

Ҳа, Девонов кино ва фотосанъатга кўпроқ ҳисса қўшиш ниятида эди ва шунга интиларди. Аммо... аммо 1937 йилдаги қатағон “машинаси” уни ўз домига тортди. 1937 йилнинг 30 июнь қуни, ярим кечада, НКВД ходимлари Хива шаҳрининг 4-маҳалла 4-элатидаги Худойберган Девонов яшаган 18-уйга бостириб келдилар. Ҳ.Девоновни ҳибсга олиш ҳақидаги қарорда унинг хон нозири оиласидан эканлиги, ўзининг девон (мирза) лик билан шуғулланганлиги, Муҳаммад Раҳимхон-Феруз ва Асфандиёрхонларнинг фотографи бўлганлиги, инқилобдан сўнг Хорахм Ҳалқ Республикасида молия нозири бўлиб хизмат қилганлиги, шу кеча-кундузда эса Урганч шаҳрида сураткашлик касби билан машғуллиги айтилган эди. Ўтказилган тинтuv давомида Ҳ.Девоновнинг 90 варакдан иборат ёзишмаси, 230 дона фотосурати ва қўшотар ов милтифи олиб кетилди. Айни пайтда айбланувчининг куёви Ҳасан Читкаровнинг Янги Урганч шаҳри Ленин кўчасидаги 18-уйида ҳам тинтuv ўтказилиб, чемоданда сақланган 20 варакдан иборат ёзишмаси, 17 варакдан иборат ҳужжатлари ва 59 дона фотосурати мусодара қилинди. Шу қуни кечаси қамоқхонада Ҳ.Девонов номига маҳбуслик анкетаси очилиб, унга қуидаги маълумотлар қайд этилди: ўзбек, Хоразм округи ер-сув хизмати бўлими фотографи, отаси Хива шаҳридаги Қадам ясавулбошида девон (мирза)

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

бўлган, унинг 6 гектар ери, 4 та ҳўкизи, иккита оти, 1 та туси ва бир уйи бўлган.

Маҳбус отаси билан бир хўжаликда ишлаган, отаси вафотидан сўнг эса 1927 йилга қадар отамерос ер-сувни ижарага бериб, ундан даромад олган. (Х.Девонов 1927 йилда шу ер-сувни шўро ҳокимияти фойдасига топширган.)

Шу вақтда оиласи: хотини Бекажон Отажонова (56 ёшда, уй бекаси), ўғли Машариф Худойберганов (40 ёшда, Хазорасп туман халқ маориф бўлимида фотограф), опаси Онажон Девонова (70 ёшда), синглиси Ўғилжон Девонова (41 ёшда, уй бекаси) дан иборат бўлган. Маҳбус мазкур анкета саволларига жавоб бериб, эски мактабда ўқигани ва ўрта маълумотга эга эканини, шунингдек, 1925 йилда XXСРнинг Меҳнат ордени билан мукофатлангани ва молия нозири бўлиб хизмат қилганини айтган.

1937 йил 17 августдаги чора кўриш тўғрисидаги қарорда шундай дейилади:” ..1878 йилда туғилган, хивалик, хон вазири оиласидан чиққан, собиқ девонбеги ва сураткаш Худойберган Девонов инқилобдан кейин Хоразм Халқ Республикасининг молия нозири бўлиб хизмат қиласди. Ҳозирги кунда Урганч шаҳрида сураткашлик қилаяпти. У аҳоли ўртасида инқилобга қарши миллатчилик тарғиботини олиб борища айбланади. Шу тариқа қарор қилинади: фуқаро Девонов Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг 66-моддаси бўйича айбланувчи деб топилсин. У Урганч турмасига банди қилинсин”.

Академик Наим Каримовнинг ёзишича, “шубҳасиз, Худойберган Девонов билан бир вақтда хоразмлик кўплаб танилган ва танилмаган кишилар ҳам ҳибсга олинган. Шаҳар қамоқхонаси маҳбуслар билан тўлиб-тошиб кетган. Шу ва бошқа сабабларга кўра, НКВД ходимлари

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

маҳбус фотографни 8 сентябрга қадар терговга чақиришмаган. 8 сентябрь куни эса у терговчи билан юзма-юз учрашиб, унинг саволларига жавоб берган".

"...Мен, - деб ёзилган Х.Девоновнинг кўрсатмасида, - 1923 йили Хоразм хукумати томонидан XXRнинг Москвадаги кўргазма комиссиясига аъзо, кўргазма комиссиясига раис этиб эса Ҳожи Аминатдинов тайинландик. У XXR сув тизимининг раиси эди. Мен 1923 йил 12 августда Москвага бориб, 27 ёки 28 декабрда қайтиб, 1924 йил 15 январда Хоразмга етиб келдим. Мен Аминатдинов билан бирга Хонқага етиб келганимда, Хиванинг Жунаидхон қўшинлари томонидан ўраб олингани маълум бўлди. Шунинг учун биз Хонқадан қочиб, Тўрткўлга бордик. Улар тугатилган кейин Хивага келдик. Шу куннинг эртасига ЧК (ходими) Слободин мени ҳибсга олди, аммо мен (фақат) 1 кун(гина) қамоқхонада бўлдим. Менимча, мени аксилинқилобий ташкилотга мансуб, деган шубҳа билан ҳибсга олишган эди. Орадан икки ёки уч ой ўтганидан кейин ЧК мени Мадраим Девоний билан бирга яна ҳибсга олиб, 20 кунча гувоҳ сифатида қамоқхонада сақлашди. Мен кўргазма комиссиясининг аъзоси бўлганимда, Мадраим Девоний XXRнинг ташқи савдо раиси (нозири) эди. У Москвада бўлган пайти(миз)да Москвадаги қандайдир Ломбергми ёки Ленгерми деган немис ваколатхонаси билан Германияга пахта сотиш масаласида шартнома тузган. Мадраим Девоний буни судда тан олган ва (уни) отиб ташлашган..."

.1928 йилда Карим Болтаев Тошкентда Наркомзем (Ер ишлари халқ комиссарлиги) да ишлар эди. Мен шу йили Тошкентга фотоаппарат сотиб олиш учун борган эдим. Пулим бўлмагани учун Тошкентда Наркомземга, Болтаевнинг хузурига бориб, ундан моддий ёрдам

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

сўрадим ва Фарғона водийсига саёҳатга бориб, баъзи бир янгиликларни суратга олиш ниятида эканлигимни айтдим.

Ўшанда Болтаев менга бундай деган эди: “Сиз халқ маорифи соҳасида кўп иш қилдингиз, шунинг учун илтимосингизни бажо келтирамиз”. Болтаев шу заҳоти Маориф халқ комиссарлигидаги қандайдир Жаргинга қўнғироқ қилиб, унга менга маблағ билан ёрдам беришни топшириди ва телефонда унга менинг қаердан келганлигим ва қайси лавозимда ишлаётганимни айтди. Шундан кейин Болтаев мени Маориф халқ комиссарлигига юборди. Мен Жаргиннинг ҳузурига борганимда, у менга пул беришга ваъда қилди...

...1936 йили ёки 1935 йилнинг сентябрь ойида ЎзКП(б) котиби Икромов Урганчга келган. (Уни) фотограф сифатида суратга олишим учун мени Нормат Исроиловнинг (Хоразм округи раҳбари бўлиб шоира Зулфияхонимнинг акаси) уйига таклиф қилишди. Борсам, у ерда Икромов ўтирган экан. У мени кўриб: “Кексайиб қолибсиз”, деди ва ўша ерда тик турган Нормат Исроилов, Назиркул Ҳасанов, (Машариф) Қориев ва бошқаларга қараб, бундай деди: “Девонов қариб қолипти, унга нафақа белгилаш масаласида окрижрокўмда ҳужжатларни расмийлаштириб, бизга, Тошкентга юборинглар. Биз унга ойлик нафақа тайинлаймиз”. Шу ҳодисадан кейин мен бевосита округ халқ маориф бўлими (раиси) Раҳмоновга мурожаат этиб, унга Икромовнинг топшириғини етказдим... Тошкентда Берегин менга: “Файзулла Хўжаев орқали расмийлаштиринг”, деди ва дарҳол Файзулла Хўжаевнинг котиби Абдуллажоновга қўнғироқ қилиб, қабул кунини белгилаб беришини айтди.

У (Абдуллажонов) менга 21-куни ариза билан келишимни тайинлади. Роса уч кундан кейин менга 300

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

сўм ойлик нафақа бериш ҳақидаги Халқ Комиссарлари Советининг Файзулла Хўжаев имзо чеккан фармойиши қўлимга тегди. Агар 1926 ёки 1927 йилда 15,5 таноб еримни давлатга бермаганимда, мени, албатта, қулоқ қилишган ва хўжалигимни тортиб олишган бўларди. Мен шу ҳолни эътиборга олганман...”

(Наим Каримовнинг “Киномиз кашшофи” мақоласи, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2003 йил 15 августи).

Худойберган Девонов 1937 йил 25 ноябрда Тошкентга, Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссарияти ихтиёрига жўнатилади. 1937 йилда Девонов қамалгач, нафақат давлат, балки халқ томонидан ҳам “халқ душмани”нинг беваси, қариндошларига муносабат ўзгаради. Шу туфайли Девонов қариндошларининг ҳаёти жуда оғир босим, шубҳа остида қолади. Девоновнинг беваси-Бикажон Отажонованинг таъминоти қийин аҳволда қолиши билан эрининг қолган барча буюмларини сотиш орқали кун кечира бошлайди. Девоновдан қолган, немис усталари томонидан тузатилган чиройли, бежирим шкафлар, мебел жиҳозлари, ҳар хил ошхона анжомлари сув баҳосига айвонга чиқарилиб, ўша даврдаги колхоз раисларига сотиб юборилади.

1938 йил 5 октябр куни эрталаб соат 10 дан 35 дақиқа ўтганда Тошкентда бошланган машъум суд 20 дақиқа давом этиб, унда Девонов тақдири ҳал этилади-биринчи ўзбек фото ва кино оператори, режиссёри, ана шу санъатларининг тарғиботчиси Худойберган Девонов отишга ҳукм этилади. Ҳукм ўша даврдаги одатий тарзга қўра шошилинч ижро ҳам этилган.... Ҳукм Тошкентнинг Юнусобод туманидаги қатлгоҳда ижро этилди.

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Аммо бу мудҳиш ҳукм ва унинг ижроси Х.Девонов оиласидан узоқ вақтгача яширилиб келди.

Шу боисдан унинг синглиси Онажон Девонова 1940 йилда Ўрта Осиё ҳарбий округининг ҳарбий прократурасига, қизи Бибижон Нурматова эса 1957 йили сабиқ иттифоқ Олий суди ҳарбий коллегиясига хатлар йўллаб Девонов ҳақида маълумот олишга интилишган.

1958 йилнинг 28 марта Девоновнинг рафиқаси Бикажон Отажонованинг Москвага-Олий Совет президиуми раиси Ворошиловга йўллаган илтимос хатида эса “Худойберган Девоновнинг ҳеч қанақа айби йўқ эди. У Ежов (1937 йилгача сабиқ иттифоқ НКВД халқ комиссари бўлиб ишлаган) ишлаган вақтда кекса инчилобчи, обрўли киши сифатида қамалди. Унинг қамоқча олинганидан буён 20 йил ўтди. Шу пайтгача унинг тақдирни ҳақида бизга ҳеч нарса маълум эмас. Балки у қамоқда вафот этгандир. Мен 1881 йилда туғилганман, ёлғизман. Ҳеч кимдан ёрдам олмайман. Чунки репрессия қилинган фуқаронинг хотини саналаман. Юқоридагиларни ҳисобга олиб, Худойберган Девоновнинг ишини қайта кўриб чиқиш ва тегишли ҳужжат беришингизни сўрайман”, дейилади. Ниҳоят, СССР Олий Судининг Ҳарбий коллегияси 1959 йил 25 июнда 1938 йил 5 октябрда чиқарилган ҳукмни бекор қилиб, Х.Девоновни оқлаш ҳақида бир битимга келди.

Хуллас, 58 ёшида шўро мустамлакачилик тузуми тараққийпарвар инсон, ажойиб кинооператор, фотограф ҳаётига фожиали тарзда чек қўйди. Аммо унинг серқирра ҳаёти ва ижодий фаолияти ўзи тасмаларга муҳрлаган тарихнинг ёрқин саҳифаси бўлиб қолди.

Сулола давомчилари

1937 йили Худойберган Девонов хонадони ҳақида берилган маълумотномада унинг оила аъзолари ҳам акс этган:

“СПРАВКА

Бериладир ушбу справка 4-участка 4-элатда ўлтурумли Худойберган Девоновга.

Шунинг учунким, мазкурнинг қарамоғидаги жон сонлари:

- 1.Худойберган Девонов, 58 яшар.
- 2.Бекажон Девонова, хотини, 62 яшар.
- 3.Ўғулжон Девонова, укаси, 44 яшар.
- 4.Онажон Девонова, опаси, 62 яшар.
- 5.Ҳожи Машарипов, ахтиқи1, 15 яшар.
- 6.Жуманиёз Машарипов, ахтиғи, 12 яшар.
юқоридагилар дурустдир.

Сайлов ва сайланув ҳуқуқига моликдир.

Хива шаҳри 4-участка совет раиси (Сапаров)

Котиби (Абдуллаев)”.

Маълумки, ҳали Худойберган Девонов ҳаётлик пайтидаёқ унинг Оллаберган ва Тўтижон исмли фарзандлари ҳаётдан кўз юмишганди. Шу боисдан ҳам Девоновнинг 1920-30 йиллари тушган суратларга разм солсак унда маҳзунлик, соч-соқолининг оқариб кексалик аломатлари эртароқ қўрина бошлаганига амин бўламиз. Ваҳоланки, у ҳатто 1937 йилда қамоқقا олинган пайтда бор-йўғи 58 ёшга кирганди.

Худойберган Девоновнинг шогирдлари ичида энг иқтидорлиси жияни Юсуф Ҳасанов эди. Қолаверса, биринчи кинооператор уни ўғил сифатида асраб олган, болалигидан уларнинг хонадонида вояга етганди.

Бора-бора, тоға-жиян, устоз шогирдлар фотосанъатни юксак тараққий этдириб, кўплаб лавҳалар яратдилар.

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Юсуф Ҳасанов 1934 йили Хивадан Урганчга кўчиб келиб вилоят марказида яшаб ижод қила бошлиди. Девонов қатағон этилганидан сўнг, унинг ишини давом қилдириш, меросини ахтариб топиш ва сақлаш билан ҳам айнан Юсуф Ҳасанов шуғулланади.

ОТАМАХЗУМОХУН МУҲАММАДРАҲИМОВ

Хоразмдаги жадид фаолларидан ва республикага раҳбарлик қилган давлат арбоби Отамахзумохун бўлиб, у Хива шаҳрида туғилган ва мадраса таҳсилини тугатиб, Қозикалон мадрасасида мударрис, охун вазифаларида фаолият кўрсатганди.

Афсуски, Хоразм тараққиётида муҳим ўрин тутган сиёсий иродали, қаътиятли шахснинг айнан неchanчи йилда, Хиванинг қайси ҳудудида, қандай оиласда таваллуд топганлиги ҳақида аниқ маълумотлар топилмаган.

Умуман олганда Хоразмнинг хонлик ва республика давридаги қаътиятли шахсияти фаолияти маҳсус илмий тадқиқотни талаб қиласди.

Отахмахзумохуннинг сиёсий иродали, қаътиятилигини бош вазир Исломхўжанинг ислоҳотлар давридаги рақиблари қақшаткич зарба берсада чекинмаганлигига, Бобоохун Салимовнинг РСФСРга бориб мустамлакачиларни тан олдирган шартнома тузишдаги жасоратига тенглаштириш мумкин. Агарки, Хоразмлик жадидларнинг ҳаммасида ҳам Отамахзумохун сингари матонат бўлганида, республиканинг тақдири умуман бошқача бўлиши мумкин эди.

У ўз сафдошлари бўлган Бобоохун Салимов, Полвонниёзҳожи Юсупвларнинг энг яқин маслақдоши бўлган ва жадидчилик ҳаракатидаги энг таъсирчан шахс эди. Отамахзумохун хонлик тугатилгандан кейинги республика даврида адлия нозирлигига маъсул вазифада

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

ишлаган тажрибали ҳуқуқшунос эди. Шу боис ҳам 1921 йил 23 майда 60 кишидан иборат Хоразм Марказий Ижроия Комитети ва унинг ҳайъати таркибига адлия нозири қилиб сайланган. 1921 йил 14 сентябрда ХХСР МИКда “Олий инқилоб жазо маҳкамаси” ташкил қилинганида, бу маҳкамага: Отамахзумохун Мухаммадраҳимов-(адлия нозири) раис сифатида, нозирлар кенгашининг раиси-Менглихўжа Ибнияминов, олий муфаттиш раиси-Худойберган Диванов, зироат нозири-Абдуллахўжа Абдураҳмонхўжаев, дохилия нозири Ҳасан Эрматов, туркман шўъба раиси-Янгибой Муродовлар аъзо сифатида кирган эдилар.

Ушбу маҳкаманинг асосий мақсади 1921 йил 6 мартағи давлат тўнтариши сабаб, ҳукуматга қарши ишларни кимлар амалга ошираётганлигини аниқлаш ва унга қарши курашиш эди. Дастурамалда “ҳукумат билан аҳоли ўртасида низо чиқаришига кимлар сабабчи бўлмоқда? ХХСР ходимларими? ёки четдан келганларми?” деган савол турар эди. Шунингдек, бу дастурамалда “нозирларни кимлар ҳибсга олдилар, уларга қандай айб қўйилган эди, уларни аксилинқилобчи деб айтиш учун сиёсий бирон ҳужжатлари бормиди, ёки нозирлар жиноятни билиб қилдиларми, ёки янглиш қилдиларми?”- сингари саволлар билан ХХСРга нозирлик қилган ҳукумат раҳбарлариниadolatsiz бадном қилинганини исботламокчи эдилар. Ҳатто дастурамалда “четдан келганлар ҳукумат раҳбарлари бўлиши мумкин эмас”, -деб алоҳида таъкидланган эди.

“Олий инқилоб жазо маҳкамаси билан бир вақтда Фавқулодда жазо комиссияси ҳам ташкил қилинган бўлиб уларнинг ҳар иккаласи ҳам ХХСР 1 қурултойи даврида сайланган нозирларни ишларини тўғри аниқлаб баҳо беришни асосий мақсад қилиб қўйган эдилар”.

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

(Ўзбекистон Миллий архиви, Р-71-фонд, 1-рўйхат, 3-дело, 11-варақ, М. Ахангаров. “Хоразм тарихи материаллари”, 1964, 107-бет).

Олий инқилобий жазо маҳкамаси дастурамалини Бекжон Раҳмон ва Муҳаммадёқуб Холмуҳаммедовлар ёзишган ва у XXСР МИК томонидан тасдиқланиб ишга киришилган эди. Бунинг оқибатида қўпгина хуфиёна қилинган ишлар очилиб қолиши мумкинлиги аниқ эди. Шунинг учун марказдан унинг бошқа чораси изланди.

“1921 йил сентябрь ойида XXСР МИК мажлиси чақирилиб “ўз вазифасини бажараолмаган ва ишни чалкаштирганлиги учун”,-деган айб билан Хоразм Марказий Ижроия Комитетининг раиси-Муҳаммадраҳим Оллаберганов ишдан олиб ташланди. Унинг ўрнига XXСР адлия нозирлиги вазифасини бажариб келган-Отамахзумохун Муҳаммадраҳимов тайинланади. Отамахзумохун Муҳаммадраҳимов ўрнига адлия нозири қилиб Маҳмуд Раҳимов тайинланади” (Ўзбекистон Миллий архиви. Р-71-фонд, 1-рўйхат, 2-дело, 26-варақ).

Айнан Отамахзумохун даврида Хоразм ва республиканинг миллий манфаатлари юзасидан ғоятда долзарб ишлар қилинди. Отамахзумохун Муҳаммадраҳимов XXСР МИКга раҳбар бўлгач Ҳасан Муҳаммаджоновнинг ўрнига ўзбек ҳарбий зиёлиларидан етишиб чиққан Миркомил Миршараповни ҳарбий нозир ва рус ҳарбийларидан бўлган Михаил Волошиннинг ўрнига ўзбек ҳарбийларидан бўлган Ҳасан Эрматовни доҳилия нозири қилиб тайинлади.

“Отамахзумохун Муҳаммадраҳимов маориф соҳасида ҳам миллийлаштириш сиёсатини олдинга сурди. Маориф нозири қилиб қўйилган татар зиёлиларидан етишиб чиққан Ҳофиз Зиёвутдинов ўрнига ўзбек зиёлиларидан бўлган Жумамуродохунни маориф нозири қилиб

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси тайинлади". (Ўзбекистан Миллий архиви. Р-71-фонд, 1-рўйхат, 3-дело, 202-варак).

Афсуски 1920 йилдан шу давргача кўпгина тарихий ва қимматбаҳо буюмлар талон-торож қилинган, ўзлаштирилган ва марказга олиб кетилган ва бу жараёнлар яна давом қилмоқда эди. Миркомил Миршаропов ҳарбий нозирлик вазифасига тайинланиши муносабати билан 1921 йил 15 октябрда 63-сонли буйруқ чиқарди ва бу буйруқ XXСР МИКнинг 1921 йил 18 октябрдаги 58-сонли баённомаси билан тасдиқланди.

“Ушбу буйруқда урушда қўлга тушган ўлжалар айrim кишиларнинг мулки бўлмаслиги, Хоразм ҳудудидан четга чиқарилиб кетилмаслиги, шунингдек, ҳозирги вақтда Хоразм коммунистик партияси аъзолари ва XXСРдаги Россияликлар қўлида бўлган нарсаларни тезлик билан Хоразм аскари таъминот шўъбасига топшириш лозимлиги, ушбу вақтга қадар айrim шахслар тарафидан уруш баҳонаси билан олиб кетилган нарсаларни қайтариб беришнинг қатъий чораларини кўриш, шунингдек 2-ўқчи бригадаси штаби ҳам, унинг таъминот шўъбаси тарафидан 1920 йилда ва 1921 йилнинг бошларида олиб кетилган нарсаларни ўз ўрнига қайтариши белгиланди. Шунингдек, Хоразмдан олиб кетилиб Бухорода сотилган бриллиантларни ўз жойига қайтариш вазифаси ҳам кун тартибиға қўйилди. Шунинг билан бирга Хоразм тупроғидан четга олиб чиқилиб кетилган тарихий, қимматли нарсаларнинг кимлардалигини аниқлаш, жумладан Хоразм халқининг ҳарбий ҳаётини кўрсатадиган қурол ва Хоразмнинг сипоҳигарчилик даврини кўрсатадиган олмос, бриллиант, олтин, кумуш каби қимматли нарсаларга бундан кейин эҳтиёт бўлишни XXСР хукуматидан сўралган эди”

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

(Ўзбекистон Миллий архиви, Р-71-фонд, 1-рўйхат, 6-дело, 50-варақ).

Отамахзумохун Муҳаммадраҳимов Хоразм Ҳалқ Совет республикасининг бошқа давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва республикани тараққий қилдириш борасида ҳам бир қанча ишларни амалга оширган эди. Жумладан, қўшни Афғонистон, Бухоро ва бошқа давлатларда Хоразмнинг элчихоналарини очиш ҳамда уларнинг элчихоналарини Хоразмда ташкил этишга руҳсат берди.

Афғонистондаги элчихонага раис қилиб Бобоохун Салимов тайинланди. У 1920 йил апрелдан 1921 йил март ойигача Хоразм Ҳалқ Совет республикасида адлия нозири бўлган, Полвониёзҳожи Юсупов ҳукумати ағдарилгач у ўзини ҳукумат ишларидан четга олиб юрган эди. Унинг котиби қилиб Абдуллаҳўжа Абдураҳмонхўжаев ва элчихона аъзоси қилиб Марат Тўраев белгиланди.

“Бухоро Ҳалқ Совет республикаси элчихонасига раис қилиб Мулла Ўроз Хўжамуҳамедов белгиланди. У республика ҳукумати аъзолигига киритилган эди. Ўроз Хўжамуҳамедов Хоразм Ҳалқ Совет Республикаси делегацияси таркибида Москвага бориб РСФСР ва ХХСР ўртасида имзоланган 1920 йил 13-сентябрдаги 24 моддадан иборат шартномани тузишда қатнашган эди. Шунингдек, у ўзбеклар ва туркманлар ўртасидаги низоларни тугатиш мақсадида ХХСРнинг туркман шўъбаси раҳбари сифатида кўпгина ишларни ҳам амалга оширганди” (Ўзбекистон Миллий архиви, Р-71- фонд, 1-рўйхат, 3-дело, 219-варақ).

Отамахзумохун Муҳаммадраҳимов раҳбарлик қилган даврда хоннинг ва хон амалдорларининг тортиб олинган экин ерлари, кўллар, тўқайлар ва бойлардан тортиб олинган ҳовли жойлар, уларнинг боғлари ерсиз ва кам

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

ерлик дехқонларга бўлиб берилди. “Фақат 1921 йилда 6,5 минг десятина (7095 гектар) ер ерсиз ва кам ерлик дехқонларга бўлиб берилди” (М.М.Маткаримов “Аграрные преобразования в Хорезме и их социально-экономические последствия”, диссертация қўлёзмаси, Тошкент, 1976, 48-бет).

Отамахзумохун Муҳаммадраҳимов динга, диндорларга ва вақф ерига, умуман олганда XXСРнинг ишларига қаътиятли раҳбар сифатида ёндошли ва Кремль томонидан чизиб берилган андозани бутунлай рад қилди.

Тарихий вазиятга кўра, асрлар давомида диний ақидаларга эътиқод қилган халқ оммасида бирданига вақфни бекор қилиб инқилоб ясаш қийин эди. Ерсиз ва кам ерлик дехқонларга вақф ерларидан бўлиб берилган ерларда ҳам иш кўнгилдагидек эмас эди. Шу боисдан ҳам вақф ерларга экиб ҳосил олган дехқонлар ўз ерларида етиширилган ҳосилни кечқурун, яширин равишда ушбу ернинг собиқ эгаларига, масжид имомлари, мадрасалар мутаваллиларига олиб бориб беришарди. Шунинг учун ҳам Отамахзумохун Муҳаммадраҳимов XXСРнинг 11-қурултойида қабул қилинган вақф тўғрисидаги қарорларни бекор қилди. Шариат нормаларини тиклай бошлади. Ислом динига ишонувчиларнинг ҳурматини жойига қўйди. Вақфдан олинадиган солиқни бекор қилди.

Шунингдек, Отамахзумохун Муҳаммадраҳимов XXСР ҳукумати ишларига коммунистик партия аъзоларининг аралишиши ва раҳбарлик қилишига чек қўйишга ҳаракат қилди. Унинг миллий раҳбар сифатида танлаган тўғри стратегиясида, бир республика ҳудудида коммунистик партия марказий комитети ва ҳукумат марказий ижроия

комитетидан иборат қўшҳокимиятчилик бўлиши мумкин эмас эди.

Хоразмда амалга оширилаётган Отамахзумохуннинг бундай миллий раҳбарлик бошқаруви табийки Кремльдан юборилган вакилларга тўсқинлик эди. Тўсқинлик кучаймаслиги ва ХХСРни таъсир доирасидан чиқармаслик учун, РСФСР МИК ва халқ комиссарлар совети 1921 йил октябрь ойининг охирларида Бутун Россия МИК аъзоси, Октябрь тўнтариши кунларида Петроград ҳарбий-революцион комитети аъзоси, РКП (б) МК Туркистон Бюроси ва Туркистон комиссияси раиси, В. И. Лениннинг топшириғига биноан Ўрта Осиёга юборилган Адольф Абрамович Иоффе раҳбарлигига ХХСРга фавқулодда комиссия юборди. Комиссия Хоразмда амалга оширилаётган миллий бошқарув тизимидағи ишларни бекор қилишга ҳаракат қилди."Бунга қарши Хоразм МИКнинг раиси Отамахзумохун Муҳаммадраҳимов Адольф Абрамович Иоффега, Хоразм республикасининг ички ишларига аралашадиган бўлса 24 соат ичида Хоразмни ташлаб чиқиб кетиши ҳақида талабнома топширди" (Н. Қаландаров "Образование и деятельность Хорезмской коммунистической партии", Тошкент, 1975, 154-бет).

Отамахзумохуннинг Хоразмда тинчликни ўрнатиш борасидаги саъийи-ҳаракатларида ҳарбий нозир Миркомил Миршаропов билан ҳамкорлиги катта натижалар берди.

Отамахзумохун Муҳаммадраҳимов ХХСР худудида тинчлик ўрнатиш, бунинг учун муросага бориш мақсадида Қурбон Муҳаммад сардор-(Жунаидхон) билан ҳам 1921 йил 6 ноябрда "Бирлик келишуви шартномаси" тузишга муваффақ бўлди.

Яъни Отамахзумохун Мұхаммадраҳимов шартнома имзолаб, ундан олдинги рус ҳарбийларининг қўполлик билан қилган тактикасини тақрорламаганди. Маълумки, 1921 йил октябрь ойининг бошларида Жунаидхон “Ўрта қудук” номли ҳудудда турганида Закаспий фронтининг қўмондонлари-Биляев ва Белоусовлар уни ўраб олиб бутунлай таслим бўлишга мажбур қилганди. Шартномага биноан Жунаидхон ўз қуролларини ҳам топшириши керак эди. Аммо Жунаидхон бу талабни миллий лидер сифатида тан олмади ва келишилган куни қуролларини топширмади.

Шартнома бажарилмагач Белоусов ва Биляевлар 12 кишилик отлиқ қўшин билан Жунаидхон олдига етиб борди ва шартноманинг бажарилишини талаб қилди. Жунаидхон шартномани рад қилгач эса унга тўппонча ўқталаб асир олинганини маълум қилди. Аммо Жунаидхон ва унинг шериклари ўша вақтда Белоусовни ва Беляевларни отиб ўлдирдилар.

Шу тариқа Беляев ва Белоусовларнинг Жунаидхонни куч ишлатиш йўли билан бўйсундириш нияти амалга ошмаган эди.

Отамахзумохун Мұхаммадраҳимов куч ишлатиш йўли билан иш битмаслигини билгач Жунаидхон билан муросага келиш учун 5 кишилик комиссия тузди. Комиссия раислигига доҳилия нозири Ҳасан Эрматов белгиланди ва унинг аъзолигига ҳарбий ишлар нозири Миркомил Миршарапов, адлия нозири муовини, руҳоний-Исо охун, котиблик вазифасига Мұхаммад Юсуп девон Отажонов, туркманлардан вакил сифатида-Элмуҳаммад Чариевлар комиссия таркибиға киритилди. Ушбу комиссия 1921 йил 5 ноябрда Жунаидхон билан музокаралар олиб бориб яраш шартномасини тузишга муваффақ бўлдилар.

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

“Шартномани Жунаидхон томонидан унинг энг яқин маҳрами Шайх Нафас Холниёз ўғли, Жунаидхоннинг энг эътиқодли руҳонийси Хон Эшон ва бошқа бир қанча кишилар имзолаган эдилар. Шартнома 7 пунктдан иборат бўлиб “Бирлик шартномаси” деб юритилган эди”. (Ўзбекистон Миллий архиви, Р-71-фанд, 1-рўйхат, 3-дело, 204-207-вараклар).

ХХСР раҳбариятининг миллий руҳдаги давлатчилик бошқаруви, ўз ички ишларини ўзи мустақил равишда амалга ошираётганлиги РСФСРнинг Хоразм ХСРдаги муҳтор вакили -Иосиф Маисеевич Быкга, Хоразм коммунистик партияси раҳбарлари номи билан иш олиб бораётган айrim шовинистларга ёқмас эди. Улар халқнинг сиёсий жиҳатдан ўз йўлларини аниқ белгилаб ола олмаганликларини яхши сезиб давлат тўнтаришлари ва давлат раҳбарларини ўзгартириб туриш сиёсатини амалга ошириб турдилар. РСФСРнинг Хоразмдаги муҳтор вакили Иосиф Моисеевич Бык 1921 йил 10 ноябрда РСФСР ташқи ишлар халқ комиссарлигига ёзган хатида “ҳозирги Хоразмнинг ҳукумат раҳбарлари Хоразм учун керак эмас. Ҳукумат бутунлай Менглихўжа Ибняминов ва Отамахзумохун Муҳаммадраҳимов қўлига ўтди. Миллий масала билан айrim интеллигенция шуғулланади”, деб ёзган эди. (Н. Каландаров, “Образование и деятельность Хорезмской Коммунистической партии”, Тошкент, 1975, 155-бет).

Отамахзумохун Хоразм ҳукумати ички ишларига аралашгани учун РСФСРнинг Хоразмдаги муҳтор вакили Иосиф Маисеевич Быкни воҳага қайтиб келмаслик талаби бўйича 19 ноябрь куни РСФСР ҳукуматига мурожаат йўллайди. Бироқ Кремль муносабат билдиравермагач, Отамахзумохун янада жиддийроқ ҳаракат қилишга киришади. Жумладан, 22 ноябрь куни Россия ҳукуматига

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

радиотелеграмма юбориб, РСФСРнинг Хоразмдаги мухтор вакили Иосиф Моисеевич Быкнинг ўз ваколати доирасидан чиқиб, Хоразм ҳукуматини халқ душмани дея тарғибот қилаётгани, миллатлар орасига низо солаётгани, қонхўрлиги ва талончилиги учун зудлик билан чақириб олишни сўрайди. Акс ҳолда, рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсизликлар, икки давлатнинг орасига сиёсий ва иқтисодий алоқаларига раҳна солиши, дўстликнинг ўрни урушга айланиши эҳтимоли юқорилигини маълум қилганди. Бу радиотелеграмма Хоразмнинг РСФСРдаги доимий вакили Султон қори Жуманиёзов, ва таржимон Жуманиёз Оллақулиевлар томонидан Кремлдаги В.И.Ленин, Чичерин, Калининларга етказилади.

Бироқ Кремль маъмурияти ҳам Хоразмдан қилинган иккинчи мурожаатга расман жавоб бермай эътиборсиз қолдиради. Натижада 1921 йил 23 ноябрь куни Отамахзумохун Хоразм ҳукуматининг йиғилишини ўtkазиб, РСФСРнинг Хоразмдаги мухтор вакили Иосиф Моисеевич Быкнинг зудлик билан, 24 соат ичida XXCP ҳудудини тарқ этиши ҳақида қарорини чиқаради. 1921 йилнинг 25 ноябрь куни Хоразм радиоси Хоразм ҳукуматининг 17 нафар раҳбарлари томонидан имзоланган қарорини ўқиб эшитиради. Вазиятнинг таранглигини сезган Кремль шундан сўнггина РСФСРнинг Хоразмдаги мухтор вакили Иосиф Моисеевич Быкни Москвага қайтариш ҳақида расман қарор чиқаради. Бироқ Иосиф Моисеевич Бык 27 ноябрь куни Хивадаги Қизил Армия кучларига таяниб, гўёки XXCP МИК ва Хоразм коммунистик партияси фавқулодда мажлисини қақиради.

Мажлисда республика раҳбари Отамахзумохун ва ҳарбий нозир Миркомил Миршаропов “халқ душмани” дея аталади.

Ана шундай фикрга таянган ҳолда 1921 йил 27 ноябрда Хоразм коммунистик партияси марказий комитети, Хоразм марказий ижроия комитети, республика нозирлар кенгашининг кенгайтирилган қўшма мажлисини чақирди. Ушбу мажлисда Хоразм марказий ижроия комитетининг раиси Отамахзумохун Муҳаммадраҳимовни, Хоразм республикаси нозирлар кенгашининг раиси Менглихўжа Ибнияминовни, Хоразм марказий ижроия комитетининг иш бошқарувчиси-Бекжон Раҳмонни, Хоразм марказий ижроия комитети ижроия бўлимининг бошлиғи Муҳаммаджон Абдаловни, молия нозири-Муҳаммад Юсуп Отажоновни, доҳилия нозири - Ҳасан Эрматовни, хорижия нозири -: Мулла Ўроз Хўжамуҳамедовни, ҳарбий ишлар нозири Миркомил Маршароповни, туркман шўъба раиси-Янгибай Муродовни, Тригуловни, Агайдаровни, Юнгировни Хоразм халқининг душмани,-деб эълон қилишди. Уларни ишдан олиб ташлаш ва қамашга қарор қилинди” (Ўзбекистон Миллий архиви, Р-71-фонд, 1-рўйхат, 3-дело, 235-варақ).

Отамахзумохун Муҳаммадраҳимов мажлисга чақирилмади. У ўз устидан чиқарилган ҳукмдан хабар топгач Оллақулихон мадрасасида яшириниб жон сақлашга ҳаракат қилди.

Бироқ РСФСРнинг Хоразмдаги муҳтор вакили Бық ва бошқа мустамлакачилар томонидан уюштирилган фитна натижасида фақатгина Отамахзумохунгагина эмас, XXРнинг барча раҳбарларига нисбатан навбатдаги тўнтариш қилинди.”1921 йил 27 ноябрда уюштирилган фитнага кўра, XXР марказий ижроия қўмитаси ва

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

нозирлар шўросининг кенгайтирилган қўшма мажлисида ХХР марказқўмининг раиси Отамахзумохун Муҳаммадраҳимов, ХХР нозирлар шўросининг раиси Менглихўжа Ибняминов, Марказқўм иш бошқарувчisi Бекжон Раҳмон, марказқўм бўлим бошлиғи Муҳаммад Абдалов, молия нозири Муҳаммад Юсуф Отажонов, дохилия нозири Ҳасан Эрматов, хорижия нозири Мулла Ўроз Хўжамуҳаммедов, ҳарбий ишлар нозири Миркомил Миршаропов, туркман шўъбаси раиси Янгибой Муродов, шунингдек Тригулов, Агайдаров, Юнгировлар Хоразмнинг душмани деб эълон қилинди. Уларни отиб ташлаш ва қамашга қарор қилинди"(Ўзбекистон Миллий архиви, 71-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 235-варақ).

Бык Хивадаги 300 нафар пулемёт ва милтиқлар билан қуролланган Қизил армия қўшини билан ҳарбий нозир Миркомил Миршароповнинг уйига бостириб, ҳовлини ўққа тутдиради. Тасодиф туфайли омон қолган Миршаропов ҳовлидан олиб чиқилиб, кўчадаги оломоннинг кўз ўнгида дўпосланган ҳолда олиб кетилади. Бык Отамахзумохуннинг ҳам уйини ўраб олдиради , аммо уни топишнинг иложи бўлмайди. Қизил Армияга таянган Бык Нуриллабойдаги ҳукумат уйи олдида “ Сенларга мустақил давлатлигингизни шундай кўрсатиб қўяман”, дея очиқчасига қичқиради.

Отамахзумохун Муҳаммадраҳимов ўз устидан чиқарилган ҳукмдан хабар топгач, қочиб яширинишига мажбур бўлади. Полвонниёз ҳожи Юсуповнинг “Хотиралари”да ёзилишича,” Отахмаҳзум Хивада яшириниб юрган жойларида касал бўлиб вафот этган. (айrim манбаларда уни Оллоқулихон мадрасасида яшириниб юрганини билиб, топиб отиб ташлашган-У.Б.) Маҳалла оқсоқоли келиб ҳукуматга маълум қилди. Ҳукумат товариш Быкга эълон қилди. Бык докторни

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

юбориб кўрсатиб, ондин сўнг дафн қилмоқға буюрди. Бул докторни кўрсатганидин мақсад шул турур, ёлғондин айтғон бўлмасунлар, деб. Докторнинг айтгани бирлан хотиржам бўлиб қолди. Ҳам ҳукуматнинг тамоми ихтиёри товариш Быкнинг қўлинда бўлди”.

Шу тариқа Отамахзумохуннинг республика давридаги раҳбарлик фаолияти шовинист раҳбарлар туфайли кўп вақт давом этмади. 1921 йил май-сентябрь ойларида адлия нозири, сентябрь-ноябр ойларида эса республика марказий ижроия комитети раиси вазифасида икки ойгина фаолият кўрсатди.

Отамахзумохун Муҳаммадраҳимовнинг ҳаёти ва фаолияти маҳсус илмий тадқиқотни талаб қиласиган долзарб мавзу. Умуман олганда Хоразм жадид намояндадалида орасидаги энг фаол, қаътиятли . сиёсий иродали шахснинг шиддат билан кечган фаолиятини ўрганиш, тарғиб қилишда тарихчи, сиёсатшунос, журналист, ижодкорлар сусткашлик қилишмоқда ва улар Отахзумохун олдида маънан қарздорлардир.

НАЗИР ШОЛИКОРОВ

“Ёш хиваликлар” партиясининг намояндадалидан ва Хоразм республикасининг раҳбарларидан бири Назир Шоликоров ҳисобланади. Аждодлари Сайд Ниёзбой шоликор сингари Хивада масjid ва минора барпо этдирган маърифатли шахсга бориб тақалувчи Назир Шоликоров 1881 йил Хива шаҳрининг Ур маҳалласида бой савдогар Қурбонниёз Шоликоров хонадонида дунёга келганди. Назир Шоликоров олдинига Хивадаги эски мактаб ва мадрасаларда ўқиб таълим олади. Савдогар фарзанди бўлгани боис, ота касби савдо ишлари билан Оренбург, Москва, Петербург шаҳарларига қатнаб, рус тилини ўрганади. Россия фуқаролигини қабул қилган

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

Назир Шоликоров Европа маданияти, илм фани ютуқлари билан танишиб, ўрта асрча ишлаб чиқариш ва бошқарув ҳукмронлик қилаётган Хива хонлигига ислоҳотлар ўтказиш тарафдори эди.

Шу сабаб Назир Шоликоров жадидлар томонидан 1904 йил ташкил этилган “Жамияти хайрия” уюшмасига биринчилардан бўлиб аъзо бўлди. Ташкилотнинг асосий мақсади ўлкада жадид мактабларини очиш, уларни педагоглар ва дарслик, қўлланмалари билан таъминлаш ва маърифатпарварлик ғояларини кенг тарқатишдан иборат эди. Назир Шоликоров Хоразмда ана шу ташкилотнинг раҳбарларидан бири сифатида жадид мактабларининг ташкил этилишига ўз ҳиссасини қўшди.

Шунингдек, 1914 йил августда “Ёш хиваликлар” ҳаракатининг шаклланишида Полвонниёз ҳожи Юсупов, Бобониёз Жуманиёзов, Ҳусайнбек Матмуродов, Бобоохун Салимов каби шахслар билан бир сафда бўлди. Сафдошлари билан, 1917 йил 6 апрель куни юз берган намойишларда Кўҳна арк майдонидан йиғилган аҳоли ўртасида Асфандиёрхон томонидан тасдиқланган манифестни ўқиб эшилтиришда ва “Идораи машрутия”нинг тузилишида ҳам айнан Назир Шоликоров катта роль ўйнади. 1917 йил 23 май куни Асфандиёрхон ва унинг тарафдорлари томонидан “Иродай машрутия” тарқатилиб, унинг аъзолари қамоқقا олинади. Кейинчалик Назир Шоликоров ҳам бошқа “Ёш хиваликлар” партияси вакиллари қаторида “динсизликда” айбланиб қози судига топширилади. Шундан сўнг у хонлик ҳудудини тарк этиб Тошкентга чиқиб кетишига мажбур бўлади.

Фоятда қизиққон феъл атворли ва ўзига хос шиддаткор Назир Шоликоров хонликни тугатиш ва республикани ташкил этишда энг фаоллик билан

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

қатнашди. Шу боисдан ҳам 1920 йил 27-30 апрель кунлари ўтказилган Бутун Хоразм халқ вакилларининг 1-курултойида Назир Шоликоров мазкур ҳукуматда дастлаб хорижия нозири, сўнг ички ишлар нозири лавозимларга тайинланди. Шунингдек, Хоразм Халқ Шўролар Республикаси Адлия нозирлиги қошида тузилган милиция бошқармаси бошлиғи ва Хива шаҳар мудофаа бўлими бошлиғи лавозимларида фаолият юритиб келди. Яъни Хоразмда ўтмишдаги миршаблик тизимининг тугатилиб, ўз даври учун янгилик бўлган милициянинг ташкил этилишида Назир Шоликоров ташаббускор бўлди.

Бироқ, 1921 йил мартаидаги Полвонниёз Юсупов ҳукумати, кейин эса Отахзумохун Муҳаммадраҳимов бошчилигидаги раҳбарларнинг советлар томонидан бадном қилиниб, ишдан бўшатилганидан сўнг Назир Шоликоров ҳам ҳукумат ишидан четлашди.

Республика даврининг кейинги йилларида жадидларнинг “Ёш хиваликлар” партияси аъзоси, савдогар буржуа қатлам вакили сифатида совет идоралари томонидан яна таъқибга олина бошлайди. 1930 йилга келиб эса Назир Шоликоров моддий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолади. Шу сабаб 1931 йил 20 марта ЎзССР ХКС раиси Файзулла Хўжаев қабулида бўлиб, ўзига 150 сўм миқдорида нафақа белгиланишига эришади. Бироқ, шундан кейин ҳам таъқибдан қутила олмади. 1933 йилда яна қамоққа олиниб, 5 ой давомида қамоқда бўлади..

Қамоқдан чиқиб яна ўзининг шахсий ишлари билан банд бўлади. Аммо жамиятда кечган қатағонлар даври-“Катта террор” пайтида у “халқ душмани” сифатида қамоққа олинади. 1937 йил 25 август куни ЎзССР ИИХК Загвоздин Назир Шоликоровни қамоққа олиш учун қарор

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

қилади. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Баҳром Ирзаевнинг изланишларига ва архив ҳужжатларини ўрганишларига кўра, Назир Шоликоров 1921 йилдан “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, Файзулла Хўжаев, Давлат Ризаев каби “халқ душманлари”нинг думи, Англия агенти деб ЎзССР ЖКнинг 60, 67 - моддалари билан айбланади. Шу куни уни қамоққа олиш учун ордер ҳам берилди. Аслида Н.Шоликоров 1937 йил 16 август куни Хоразм округ ИИХК бўлими бошлиғи Калмиковнинг қарори асосида қамоққа олинган эди. Унинг Хива шаҳри, 1-участка 2-элат, 314 хонадонида тинтуб ўтказилиб, уйидан паспорти ва бошқа 100 варақдан ортиқ хат, ёзишмалари, ҳужжатлари, 75 та турли суратлар олиб кетилади. 1937 йил 25 август куни тўлдирилган анкетасида унинг оиласи турмуш ўртоғи Бибижон (42 ёш) фарзандлари қизи Азизахон (18 ёш), Ҳожархон (9 ёш), Сораҳон (6 ёш), ўғли Файзулла (4 ёш) ҳамда кенжা қизи Марямхон (4 ойлик)лардан иборат деб кўрсатилган. 1937 йил 15 ноябрь кунги сўроқ баённомасида унинг номидан “Миллий иттиҳод” аъзолари сифатида Бекжон Раҳмон, Абдулла Заргар Ҳусайнов, мулла Муҳаммаджон Абдалов, Жуманиёз Бобониёзов, Бекжон Назаров, Полвониёз Юсупов, Бобожон Отажонов, Давлат Ризаев, Ваис Раҳимов каби кўплаб инсонларнинг номлари келтиради. 1937 йил 14 декабрь куни сўроқда терговчининг Троцкий ва Зиновьевларнинг китобларини нега уйда сақлагансиз деган саволига “уйимда бунаقا китоблар йўқ эди, қаердан келганини ҳам билмайман. Ўзи Троцкийни расмидан танишим мумкин, лекин Зиновьевнинг ким эканини ҳам билмайман”, дейди. Назир Шоликоров 1937 йил 1 декабрь куни Мадамин Ишжонов, 1937 йил 19 декабрь куни Худойберган Девонов, 1938 йил 3 октябрь куни Ваис

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Раҳимиylар билан юзлаштирилган. 1938 йил 1 октябрь куни терговчи Назир Шоликоровни сўроқقا чақириб, унинг 1-корпус 1-камерада маҳбусларга “мен судда барча кўрсатмаларимдан воз кечаман” деган демаганини сўрайди. У судда ўзининг аввал айтган сўзларининг ҳаммасини албатта, тан олишини ваъда беради... Назир Шоликоров айблов баённомасида ЎзССР ЖКнинг 57-моддаси 1- қисми, 58-, 64-, 67-моддалари билан айбланди. Унинг иши 1938 йил 5 октябрь куни соат 10 10 – 10 25 гача давом этди. Суд баённомасида ёзилишича, у ўзига қўйилган барча айбларини тан олган ва сўзининг сўнгига ўзининг жонини асраб қолишларини сўраган. Ваҳоланки, Назир Шоликоров 4 октябрь тунида отиб ташланган эди...

1958 йил 8 март санаси билан Султон Раҳмонов Н.Шоликоровнинг турмуш ўртоғи Бибижон Машарипова номидан ЎзССР ИИВ Урганч шаҳар бошлиғи номига ариза билан мурожаат этишади. Шундан сўнг Н.Шоликоровнинг иши қайта қўрилиб, 1958 йил 4 декабрь куни СССР Олий Суди ҳарбий коллегияси томонидан оқланади.

Хоразмлик жадид намояндаси Назир Шоликоровнинг ҳаёти ва фаолияти ҳам маҳсус илмий тадқиқот олиб бориладиган мавзу ҳисобланади ...

БЕКЖОН РАҲМОН

Ўзбек жадид адабиётидаги Фитрат, Чўлпон каби сиймоларнинг сафдоши, шунингдек ўз даврида Хоразмдан биринчи бўлиб Истамбулда таҳсил олган жадид зиёлисининг номи тарихий манбаларда Бекжон Раҳмон тарзида келтирилади. Бекжон Раҳмон Хоразмда илк бор “Инқилоб қуёши” газетасига асос соглан журналист ва муҳаррир, адабиётшунос ва фольклоршунос, Иchan Қаъла музей қўриқхонасининг

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

ташкилотчиси, мактаблар учун дарслик, ўқув қўлланмалари ёзган педагог сифатида тарихда қолган.

Фитрат “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” асарида Бекжон Раҳмон ҳамда Муҳаммад Юсуф Девонзодаларнинг асаридан ғоят таъсиrlанганини ёзган ва ушбу китобнинг мусиқашуносликда тутган ўрнига ғоят юксак баҳо берган эди. Ҳақиқатан ҳам, 1925 йилда Москвада нашр этилган “Хоразм мусиқий тарихчаси” китоби мусиқа назарияси ва тарихига доир энг эътиборли манба бўлгани боис, Б.Беляев ҳамда Г.Формер каби рус ва хориж мусиқашунослари ҳам Бекжон Раҳмон ва Девонзодаларнинг асарига мурожаат қилишган.

Ана шундай довруқли асар битган муаллифлардан бири Девонзоданинг Чокар тахаллуси билан ижод қилган моҳир созанда, хонанда бўлганлиги ҳам маълум. Хўш, Бекжон Раҳмон-чи? Афсуски, бу шахснинг ҳаёти ҳанузгача тўла ўрганилмай келинмоқда. Аслида Бекжон Раҳмон Хоразм жадидларининг етакчиларидан бири, маданият ва маърифат арбобларидан эди.

1887 йилда Хивалик хон маҳрамларидан бўлган Раҳмонберган оиласида туғилган Бекжон болалигидан илму маърифатга интилиб вояга етади. Отаси Раҳмонберган Хива хонлиги тарихида ислоҳотчи бош вазир Исломхўжа (1872-1913) нинг ёрдамчisi эди. У ўз устози билан 20 аср бошларида Хивада барпо этилган почта, телеграф, шифохона, масжид ва минора бунёд этилишида катта хизмат кўрсатган, ушбу иншоаатларнинг қурилиш ишларига бошлиқ қилган. Раҳмонберган жадидларни қўллаб қувватловчи бош вазир Исломхўжанинг маслаҳатига кўра, ғайратшижоатли ўғли Бекжонни Истамбулга ўқишга юборди. Шу тариқа, Бекжон 1913 йилнинг июлидан 1918 йилгача Истанбул университетида таҳсил олди. Бу пайтда Фитрат

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Истамбулдаги таҳсилни тугатиб Бухорога қайтаётган дамлар эди. У Бухоролик сафдошларига Бекжонга ёрдам беришни топшириб ўз юртига қайтиб келади. Фитрат ва Бекжоннинг оға-ини, дўстлиги, маслакдошлиги ўша Истамбулдалик пайтидан бошланган эди.

Бу даврда Усмонийлар салтанатида И smoил Гаспралиниң “Динда, тилда, ишда бирлик” шиори остидаги “Ёш турклар” ҳаракати жамиятда кенг фаолият кўрсатарди. Хивадаги мадрасани битириб, Истанбулда ўқиётган Бекжон шу ҳаракат таъсири билан жадидчилик ғояларига берилди. Натижада 1918 йилда Истамбулдан жадид зиёлиси бўлиб қайтган Бекжон Раҳмон Хоразмда ҳам кенг ёйилган, аммо таъқибга учрай бошлаган “Ёш хиваликлар” сафига қўшилди. Хива мадрасаларида мударрислик фаолияти билан шуғулланади.

1920 йилда хонлик тугатилиб, Хоразм ҳалқ республикаси барпо этилгач, у “Ёш хиваликлар” каби ислоҳотчи сафдошлари билан ҳукумат таркибиға кирди. Дастреб маданият, сўнгра ҳалқ маорифи нозири, кейин XXР марказий ижроия қўмита иш бошқарувчиси бўлди.

Бекжон Раҳмоннинг маданият нозири сифатида қилган энг катта иши 1920 йил 11 апрелда Хоразмнинг ўтмишдаги маданияти ва осори-атиқаларини келгуси авлодлар учун сақлаб қолиш мақсадида ҳалқ маданияти музейини барпо этгани ҳамда унга раҳбарлик қилганидир. Шунингдек, 1923 йилда Хоразмда ilk бор мусиқа мактабини ташкил этиб, воҳа мусиқа назарияси ва тарихи, Хоразм мақомлари ҳамда усуслари, нота ёзувининг ихтиро қилинишига оид “Хоразм мусиқий тарихчаси” китобини Девонзода билан бирга ёзиб, Москвада нашр эттиради.

Шунингдек, Бекжон Раҳмон 1920 йил 8 марта воҳа тарихида ilk бор матбуотга асос солди. Яъни, шу санадан

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

бошлаб нашр этила бошланган “Инқилоб қуёши” газетасининг бош муҳаррири сифатида фаолият кўрсатди. Шунингдек, 1920-24йилларда воҳада нашр этилган “Қизил Хоразм”, “Маориф”, “Хоразм хабарлари”, “Ёрдам”, “Ёшлилар овози”, “Ишчилар товуши”, “Қопқон” сингари газеталарни ҳам ташкил этишга бош-қош бўлди. Ушбу нашрларда Фақирий, Комил Девоний, Мутриб, Роғиб сингари шоирларнинг шеъру ғазалларини чоп этдирибгина қолмай, уларни таҳлил этган ҳолда адабий таҳлилий мақолалар ёзди.

1923йилда “Оталар сўзи”номли китобини нашр қилдириб, унга Хоразмликлар орасида кенг тарқалган мақол, ҳикматларни киритди. Китобда “Эртага ош қолсадавлат, иш қолса-меҳнат”, “Давлат-оғзибирчилик”, “Роҳат-меҳнатнинг орқасида”, “Тек турган тўқ юрар”, “Бир кун туз еган ерга 40кун салом”, “Ота-она таҳт этар-баҳт эта билмас”, “Ўтни кавласанг ўчар, қўшнини ковласанг кўчар”, “Ўғри бойимас, ёлғончи ёлчимас”, “Онасини кўр қизини ол, қироғини кўр, бўзини ол” сингари тарбиявий, панд насиҳат руҳидаги 580та мақоллар, ҳикматли сўзлар мавжуд.

Халқ маорифи нозири бўлиб ишлаган пайтида Бекжон Раҳмон воҳада янги мактаблар ташкил қилиш, узоқ овуллардаги болаларни мактабга жалб этиш, таълим масканларини ўқитувчилар билан таъминлаш учун жонкуярлик қилган. Шунингдек, Бобоохун Салимов билан бирга мактаблар учун “Алифбе” ва “Ўқиш китоби” дарсликларини ёзиб, чоп эттирди. Дарсликга мумтоз ва ўз давридаги шарқ ҳамда Хоразмлик шоирларнинг дидактик асарларини ҳам киритди. Шунингдек, Худойберган Девонов билан ҳамкорликда Хоразм қоғоз фабрикасини қуриш бўйича ҳам саъии-ҳаракатлар олиб борди.

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Бекжон Раҳмон ХХР раҳбарлари орасида энг салоҳиятли ва миллий давлат қуриш ташаббускори бўлгани учун ҳам 1920 йилда Хоразмга келган туркий халқлар озодлик ҳаракатининг ғоявий йўлбошчиси Закий Валидий унинг уйида бўлганди. З.Валидийнинг 1969 йилда Туркияда нашр этилган “Хотиралар” китобида Бекжон Раҳмоннинг дунёқараши, иш фаолияти ўрин олган. Муаллиф бир ўринда долғали даврларни қуидагича хотирлайди: “Мулла Бекжон Хивада замонавий маданиятни ривожлантириш учун катта фидойилик кўрсатди. Агар Русия халақит бермаганида, улар ёш Хива ҳукуматига катта хизмат қилган бўлур эдилар. Маориф вакили бўлган мулла Бекжон-Истанбулда ўқиб келган бир йигит. Ҳукумат ишларидан бўш вақтларида мадрасадаги ҳужрасига келар, ўз қўли билан палов пиширар, ўша вақт узоқ сухбатлашар эдик. У бир қанча асарлар ёзди”.

Бекжон Раҳмон Закий Валидий каби Шафқи Бектўра, Фитрат, Чўлпон, Файзулла Хўжаевлар билан ҳам дўст эди. У 1920 йилнинг августида Боку шаҳрида ўтказилган, 30дан ортиқ мусулмон давлатлари вакиллари иштирок этган шарқ халқлари қурултойида ҳам фаол қатнашганди. Айнан Чўлпон билан ҳам Бокуда ўтказилган қурултойда танишиб дўст тутинганди. Маълумки Боку қурултойида Бекжон Раҳмон, Чўлпон, Закий Валидий, Анвар Пошшолардан ташқари Мунаввар қори, Фози Олим Юнусов, Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, Собиржон Раҳимий сингари кўплаб Туркистонлик жадидлар иштирок этишганди.

Айни пайтда, Бекжон Раҳмон 1920 йил 13 ноябрда Бухоро ва Хоразм республикалари ўртасида тузилган дўстона ҳамда иқтисодий, маданий алоқаларга доир шартнома тузишга ҳам раҳбарлик қилган.

1921 йил Хивада Халқ университети очилишининг ташаббускори ва биринчи ректори бўлган. 1921 йил 23 майда Хоразм Марказий ижроия қўмитаси иш бошқарувчиси вазифасидаги фаолиятини бошлаган. 1923 йил 27 ноябрда РСФСРнинг Хоразмдаги шовинист вакиллари ва Қизил Армия томонидан “Ёш хиваликлар” партияси аъзолари қаторида “Хоразм халқининг душмани” дея қамоққа олинади ва дастлаб ўлимга, кейин эса 10 йилга қамоққа ҳукм қилинади. Кўп ўтмай авф этилади ва мадрасада мударрисликни давом қилдиради.

1924 йилда ўтказилган миллий давлат чегараланишидан кейин ХХР тугатилиб Хоразм округи ташкил этилгач, Бекжон Раҳмон 1925-26йилларда округ маориф бўлими мудири вазифасида ишлайди. Кейин жадид дўстларидан, ўша вақтда Ўзбекистон халқ комиссарлари советининг раиси бўлиб ишлаётган Файзулла Хўжаевнинг таклифиға кўра Самарқандда ташкил этилган Фан қўмитасида фаолиятини давом этдиради.

Шу даврдаги “Аланга”, “Ер юзи” журналларида адабиётшунослик, тилшуносликка оид мақолаларини чоп этдириб, республиканинг олд зиёлиларидан бири сифатида танилади. Шу боисдан ҳам уни 1926йилнинг 26 феврал-5 март кунлари Боку шаҳрида ўтказилган Биринчи Туркология қурултойида қатнашиш учун Ўзбекистон делегацияси таркибиға киритилади.

Маълумки ушбу қурултойда В.В.Бартольд, С.Е.Малов, А.А.Миллер, С.Ф.Олденбург, Р.Р.Поппе, А.Н.Самойлович, К.Юдахин, В.Б.Томашевский каби рус, М.Ф.Кўпрулузода (турк), Паул Виттек (немис), Бакир Чўпонзода (қrim татар), А.Бойтурсун (қозоқ) сингари дунёдаги машҳур 131 та олими қатнашган. Ўзбекистондан эса Ашурали Зоҳирий, Элбек, Раҳим Иноғомов, Ғози Олим Юнусов,

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Назир Тўракулов, Шокиржон Раҳимий, И.Садрий, А.Абдужабборовлар қаторида Бекчон Раҳмонов ҳам бор эди. Қурултойда туркий халқлар адабиёти ва тилшуносликка оид 38 та маъруза ўқилган ва муҳокама қилинганди. Муҳокамада сўзга чиққанлар орасида Бекжон Раҳмон ҳам бор эди. Айнан ана шу қурултойда Навоийнинг 500йиллигига тайёргарлик кўриш ва унинг ижодини дунёда оммалаштириш, тарғиб қилиш масалалари кўриб чиқилганди.

Бекжон Раҳмон 1926-29 йилларда Ўзбекистон ССР халқ комиссарлари кенгаши раиси Файзулла Хўжаевнинг таклифи билан Самарқандга келиб республика маориф комиссарлигининг “Маориф”, “Аланга” журналларида ва “Янги алифбо” қўмитасида фаолият кўрсатган ҳамда “Ўзбекистонда лотинчилик ҳаракати”, “Янги алифбе ҳарфи сираси тўғрисида”, “Бағдон шеваси” сингари тилшунослик, адабиётшунослик ва санъатшуносликка оид мақолалар, “Салом” шеърини 1930 йилда ёзиб чоп этдиради.

1929 йилда Чордўй орқали Хоразмга етиб келганида, Амударёдаги кемада бир гуруҳ кишилар томонидан калтаклаб кетилган. Таниқли журналист ва фидойи олим, санъатшунослик фанлари номзоди Сирожиддин Аҳмаднинг “Қизил мустамлака: эълон қилинмаган уруш. Катта қирғин қомуси(1929-1950) китобидаги маълумотларга кўра, (“Info Capital Books” нашриёти, Тошкент-2022) “Бекжон Раҳмон 1932 йилда Тошкентга келиб фаолиятини давом этдиради ва Фози Олим Юнусовнинг уйида яшаган”. Чўлпоннинг 1937 йилда терговчига берган сўроқидаги маълумотда, Бекжон Чўлпоннинг дўсти бўлгани боис у ҳақда ҳам сўраб суриштиришган. Шунда Чўлпон уни 1935 йилда охирги маротаба Самарқандда кўриб сухбатлашганлигини

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

айтган. Закий Валидий “Хотиралар” асарида (Истамбул, 1969 йил) унинг қатағон қурбони бўлганини ёзган. Сирожиддин Аҳмад шунга асосланган ҳолда, Бекжон Раҳмоннинг 1937 йилда ИИХК Хоразм бўлими томонидан қамоқقا олинган ва тарихчи Закий Валидийнинг маълумотига қарагандага сургунда вафот этганлигини ёзиб ўтган ўз асарида.

Шу тарзда нафақат Ўзбекистон миқёсидаги маданий, адабий тадбирларда, балки дунёда бўлиб ўтаётган етук олимлар иштирокидаги анжуманларда ҳам фаол қатнашаётган Бекжон Раҳмон республикамизнинг энг фаол зиёлиси сифатида танилаётган даврда совет тузуми қурбони бўлди.

Унинг қатағон давр қурбони бўлиши жадид зиёлиси сифатида шаклланган шахснинг кўплаб орзулари армон бўлиб қолишига олиб келди. Бекжон Раҳмоннинг ижтимоий сиёсий, маданий, матбуот ва адабиёт соҳасидаги фаолиятини тадқиқ қилиш бугунги истиқлол даври тадқиқотчилари олдидаги долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда. Тарихчи, сиёсатшунос, адабиётшунос, санъатшунос, журналист, ижодкорлар Бекжон Раҳмон шахсияти олдида маънан қарздордирлар.

3-БОБ. ХОРАЗМ ЖАДИДЛАРИНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ.

3.1. Хоразмлик жадид ижодкорлар.

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент Шаҳноза Назарова жадид адабиёти, ўзбек шеъриятига таъсири ва унинг янгиланиш тамойилларини тадқиқ қилганича шундай хуносага келган: “Жаҳон адабиётшунослигида жадидчилик ҳаракати, жадид адабиётини ўрганишга доир энг янги илмий изланишлар натижасида қуйидаги олтин йўналиш устувор тадқиқот тармоғига айланди: 1) умумтурк жадидчилиги фалсафаси ва мафкураси (тарихий-сиёсий-мафкуравий жараёнларни қамраб олади); 2) умумтурк жадид зиёлиларининг муаммолари (миллий, диний, ижтимоий жиҳатларни, тил-имло-маориф, хотин-қизлар масалаларини назарда тутади); 3). Умумтурк жадид адабиёти (шеърият, наср, драматургия, халқ оғзаки ижоди, адабий-танқид масалалари ўрганилади); 4) умумтурк жадид матбуоти ва нашр фаолияти; 5) хайрия ва адабий жамиятлар, вақфлар, фондлар фаолияти; 6) умумтурк жадид театри ва санъати” (Ш.Назарова “XX аср ўзбек шеъриягининг янгиланиш тамойиллари”(Янги ўзбек шеърияти контекстида). “Академнашр”, Тошкент-2022 йил, 3 бет).

Табиийки Хоразм жадид адабиёти ҳам жадид, умумтурк жадид адабиётининг таркибий қисми бўлиб, фақат 1920 йилгача жадид матбуоти, 1922 йилгача жадид театри, драматургияси фаолият кўрсатмагани эътиборга олинса, қолган жиҳатлари айни бир хил тарзда ижодий шаклланишда, умумийликда давом қилган.

Негаки, профессор Бегали Қосимов “Миллий уйғониш” асарида ёзганидек, “жадид адабиёти моҳиятан янги

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

адабиёт эди. Чунки у қарашларни янгилади, фикрларни янгилади, ўзликни қайтарди “ (“Маънавият”нашиёти, Тошкент-2002 йил, 124-бет).

Бегали Қосимов шу тарзда жадид адабиётига баҳо бераркан, тадқиқотларига асосланиб яратилган асарларни таҳлил қиласи ва шуларга таяниб қўйидагича холосаларга келади:

“Жадидчиликнинг руҳи ва мазмунини ўзида беками кўст намоён этган жадид адабиёти миллий онг ва сезим тараққиётида беқиёс рол ўйнайди. Бу адабиётнинг илк намуналари бадииятига кўра у қадар юксак эмас, ғоялар яйдоқ берилади. Яланғоч даъват ва чақириқлар, шиорбозлик кўзга ташланади. Жадид адабиёти 1910 йилларнинг охири, 1920 йилларнинг бошидагина ҳар жиҳатдан тўлақонли адабиётга айланди.

Жадид адабиётининг биринчи босқичи-1905-17 йиллар адабиётида Туркистан жадидчилигининг қўйидаги хусусиятлари ўз ифодасини топди:

1. Маърифатга мақсад эмас, восита сифатида қараш.
2. Эрксизликни, мустамлака идора усулини англаш, унинг сабабларини ва ундан қутулиш йўлларини излаш.
3. Миллат озод ва мустақил бўлиши керак. Ўз миллий ватанига, тилига, илм-фанига, қонун-қоидасига эга бўлмоғи лозим. Буларсиз ҳеч бир миллатнинг келажаги йўқ.
4. Иқтисод ҳамма нарсанинг асосидир.
5. Жадидчилик динни рад этмади. Аксинча уни тараққий қилдириш, замонавийлаштириш йўлидан борди. Жадидларнинг катта қисми жумҳурӣ идора усулини қўллаб чиққан бўлсалар-да, унинг мутлақо шаръий асосларга қурилишини орзу қилдилар. Бироқ бу шаърий давлат мутассисблиқдан холи бўлмоғи лозим эди. (юқоридаги нашр, 128-134 бетлар).

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Нафакат жадидшунос, балки ўзи ҳам ўзбек олиму ижодкорлари томонидан “Сўнгги жадид”, Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон эса “янги жадид” деган виқорли эътирофларга сазовор бўлган ва бу минг карра ҳақиқат бўлган профессор Бегали Қосимов, шу тарзда жадид адабиётидаги асосий жиҳатларни даврда кечган жараёнлар, жадидчилик ҳаракати, уларнинг мақсад, вазифалари, ғоялари асосида таҳлил қилиб чиқади ва уларнинг ҳар бирига оид кўплаб ижодкорлар асарларидан мисоллар келтиради.

Табиийки, Туркистон, Бухоро жадидчилик ҳаракатидан Хоразм жадидчилигининг фарқли жиҳатлари борлиги сингари, жадид адабиётида ҳам Хоразмнинг алоҳида ўрни борки, бу борада афсуски ҳали мукаммал тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Фақатгина ушбу монография ҳаммуаллифи Умид Бекмуҳаммад томонидан Ўзбекистонда биринчи маротаба яратилган “Хоразм жадидчилик ҳаракати энциклопедияси” ҳамда мазкур ҳаммуаллифлар нашр қилдирган “Хоразм жадидчилиги: ислоҳотлар, таълим ва адабиёт”, “Бобоохун Салимов-жадид, давлат арбоби ва шоир” асарларимизда воҳадаги адабий жараён, хусусан Хоразм жадид адабиёти хусусида илк бор тадқиқот ишлари олиб борилганди.

Маълумки, публицистика ҳам ижодкорларнинг шаклланиши, адабиёт оламига, насрда изланишлар олиб боришнинг дастлабки тажрибаси сифатида қаралади.Хоразм жадид адабиётида эса публицистика муҳим ўрин тутади.Шу боис, аввало жадид публицистикасига тўхталиб ўтсак.

“Таржимон” газетасидаги тарихий фактлардан маълумки, Рамазон Сайдашевнинг жадид мактабидаги педагоглигидан ташқари Хоразмдан Қrimга-“Таржимон”

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

газетаси бош муҳаррири Исмоил Гаспралига мақолалар ёзиб турганлигидир. Табиийки, вазиятни, бораётган жараённи кузатиб, таҳлил қилиб шулар асосида ўз муносабатини, таъсирини билдириб турган Исмоилбек Гаспрали Хоразмдан келган ҳар бир хабарни газетада “Хивадан мактуб” рукнида чоп этиб турган. Шу тарзда “Мулла Рамазон”, Рамазон Сайдашев”, Р.Сайдашев” номлари билан воҳада кечаётган ҳар бир жараён, воқеликлар газетада нашр қилиниб турилган. Олдинлари Россия, Кавказ, Туркистондаги газеталар ва мухбирлар орқали ёритиб борилган Хоразм билан боғлиқ жараёнлар бевосита Рамазон Сайдашевнинг журналистлик фаолияти орқали Кримда нашр этилиб, минглаб мухлислар ва турли ҳудудларга етиб борди. Афсуски, Рамазон Сайдашевнинг педагоглик ва журналистик фаолияти тарих фанида умуман тадқиқ қилинмаган.

Рамазон Сайдашев ўзи сингари “Таржимон” газетасига мақолалар ёзадиган яна бир маслакдош шогирдини етиштирдики, бу ижодкор Фофур Усмоний эди. У XX аср бошларида Хива, Янги Урганч шаҳарларидаги жадид мактабларида ўқитувчилик қилган ва Рамазон Сайдашевнинг таълим ва матбуот соҳасидаги шогирди бўлганди.

Фофур Усмоний “Таржимон”дан ташқари “Вақт” газетасига ҳам Хоразмдаги таълим, тиббиёт ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тўғрисидаги мақолаларини чоп этдириб турган. Афсуски, Фофур Усмонийнинг ҳаёти ва фаолияти тарих фанида тадқиқ қилинмаган.

Агарки, Рамазон Сайдашев ва Фофур Усмонийлар ҳаёти, фаолияти, ижоди тадқиқ қилинса, катта эҳтимол билан уларнинг жадид адабиётига қўшган ҳиссалари борлиги ҳам маълум бўларди.

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Маълумки, ўзбек адабиёти, хусусан 20 аср бошларидаги Хоразм адабий мұхитини Аваз Ўтар ижодисиз тасаввур қилиш қийин.

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент Шаҳноза Назарова тадқиқ қилганидек “ХІХ аср охири-ХХ аср бошларида мумтоз адабиёт маърифатпарварлик адабиётига, маърифатпарварлик жадид адабиётига сингиб кетди. Шеърий системалар, қофия тизимлари, шеърий шакллар, поэтик образлар маънодорлиги кенгайиб, торайиб, янгиланиб борди ва буларнинг барчаси жуда қисқа вақт оралиғида содир бўлди. Янги адабиёт кечиктириб бўлмас заруратга айланди” (юқоридаги нашр, 229-бет).

Айнан ана шу даврдаги, яъни Хоразм жадид адабиётининг пешқадам намояндаси Аваз Ўтар (15.08.1884-1919) бўлиб, адабиётшунослар томонидан унинг ижоди маърифатпарвар шоир сифатида эътироф этилиб келинди. Бироқ унинг “Тил”, “Хуррият” ҳақидаги шеърларидаги руҳият, ғоя Чўлпон асарларидаги сингари жадид адабиёти намунасиdir. Шунингдек шоир ижодига оид бошқа асарларида ҳам жадидчилик ғоялари акс этган ва Аваз Ўтар доимий равишда Хоразм жадидларини қўллаб қувватлаган ижодкор. У Кримда нашр этиладиган “Таржимон” газетасини ўқиб уни Хоразмда тарғиб қилиб борган ва Хивада 1905 йилда жадид мактаби очган Мамат маҳрамнинг энг яқин маслақдоши бўлган.

Аваз Ўтар Хивалик Полвонниёз Гадониёз ўғлининг Гадикбўйи ҳудуди Тўрт шоввозбобо мачитқавмидаги хонадонида туғилганди. Аждодлари, хусусан отаси Полвонниёз Гадониёз ўғли хон саройида Ўтар лавозимида фаолият кўрсатган ва ўз даврининг машҳур ижодкорларидан Огаҳий, Комил Хоразмий, Баёнийлар билан дўст тутинган..

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

Шу боис Аваз ҳам сулола номидаги Ўтар сўзини ўзига тахаллус қилиб танлаган. Ўтар Хива хонларининг хос сартароши бўлиб, ҳукмдор ва шаҳзодаларнинг сочсоқолини олган, ўғил болаларни суннат қилган ва шу фаолияти учун хазинадан маош олган.

Аваз дастлаб Хивадаги эски мактабда, кейин эса Мадаминхон мадрасасида таҳсил олади. Отаси ва унинг ижодкор дўстлари таъсирида Аваз адабиётга ҳавас руҳида вояга етиб, мадрасада ўқиб юрган давридаёқ шарқ адабиёти мумтоз вакилларидан Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Лутфий, Алишер Навоийларнинг ижодига ихлос қўйиб, уларнинг мероси билан якиндан танишди ва шеърлар ёза бошлайди. 20 аср бошларига келиб Аваз Ўтар халқ ўртасида танилиб, шеърлари созанда ва хонандалар томонидан куйга солиниб қўшиқ бўлиб айтила бошланади.

Шоирнинг устозлари Баёний, Табибий, замондоши Жуманиёз Хивақий, дўсти Ҳасанмурод Қори- Лаффасий, Бобожон Тарроҳ ва бошқалар унинг истеъдодига юксак баҳо берганлар. Натижада Аваз Ўтар ҳақидаги бу хилдаги таърифлар Хива хони Муҳаммад Раҳим соний - Ферузхонга етиб боради ва Авазни саройга чақиртириб, Табибийга шогирд қилиб топширади. Табибий жуда кўп илм аҳлига ғамхўрлик қилганидек Авазга ҳам ахлоқ, илм ва шеърият бобида кўп нарса ўргатади. Шунинг учун шоир турли даврларда ёзилган шеърларида Табибийни ўзига устоз билиб зўр хурмат билан тилга олади.

*Не ғам эмди, Аваз, назм илмида бўлсанг Табибийдек,
Ки дерлар, қўрган эл назминги устодишта салломно.*

Аваз камолотга етган бир пайтда сил касалига чалинади ва даволаниш учун Кавказ ва Қrimга (1905-1906) боради. Таракқийпарвар Аваз Ўтар Бокуда озарбайжон жадид мактаблари билан танишади ҳамда

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Тоҳирзода Собир (1860-1911) сингари шоирлар билан учрашиб дўстлашади ва улар билан кейин ҳам ижодий алоқада бўлади. Шунингдек, Султон Мажид Ғанизода (1886-1937) томонидан ташкил этилган мактаблар фаолияти билан танишади. Сафарали Валибейов (1861-1902)нинг “Ватан тили”, “Усули жадид”, “Лисоний форсий” номли асарлари ва “Хазинаи ахбор” номли икки жилдлик қомусий луғатини ҳам Хоразмга олиб келади. Кавказ ва Қрим сафари Аваз Ўтар ижодида алоҳида аҳамиятга эга бўлди. У сафар давомида Кавказ, Қрим халқлари ҳаёти, маданияти, адабиёти ва бошқалар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди, ҳамда озарбайжон, қрим татар халқларининг илм-фан, маданият янгиликлари билан қизиқди. Қримдаги “Таржимон” газетаси таҳририятида бўлади.

Хоразмга келганида Россия, Кавказ, Қримда нашр этиладиган кўплаб газета-журналлар, китобларни олиб келади. Аваз Ўтар кейинчалик ҳам доимий равишда рус, озарбайжон, татар тилларида чиқадиган газеталарни мунтазам равишда кузатиб борган. Тошкент, Фарғона ва Самарқандда чоп этилган жадид матбуоти билан бевосита алоқада бўлиб, ёзган ғазалларидан баъзиларини уларда нашр ҳам эттиради. Фарзандини бош вазир Исломхўжа томонидан ташкил этилган Хивадаги жадид мактабига беради. Шунингдек, Хоразмда биринчи бўлиб жадид мактабини ташкил қилган Мамат маҳрамнинг ҳам энг яқин маслакдоши Аваз Ўтар эди.

Шоир ижоди жуда ҳам ранг-баранг бўлиб, қамрови ниҳоятда кенг эди. У мумтоз адабиётимиздаги ғазал, мухаммас, мустазод, мусамман, мураббаъ, муламмаъ, таржеъбанд, соқийнома, рубоий, қитъа, фард каби турларида ижод қилди. Ўзидан ана шундай бой адабий

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

мерос қолдирган Аваз Ўтар 1919 йилда 35 ёшида вафот этади.

Аваз Ўтардан бой ижодий мерос қолди. У ҳаётлик вақтидаёқ шеърларини бир жойга тўплаб девон тартиб қилди ва уларни “Саодат ул-иқбол” деб номлади. Шоир тузган девонларини 1908 йилда хаттот мулла Болтаниёз Қурбонниёз ўғлига бериб кўчиритирган. Шоирнинг бу девонлари ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номли Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда. Унинг ғазаллари Хивада литография усулида ўзи ҳаёт вақтидаёқ чоп этилган эди. Шу сингари Аваз Ўтар ижодидан намуналар Хоразмда кўчирилган турли хил баёз ва тазкиралардан муносиб ўрин олди. Шоирнинг асарлари “Ойна”, “Вақт”, “Мулло Насриддин” каби ўз давридаги вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилган. Аваз Ўтарнинг Фузулий, Мунис, Огаҳий, Комил, Феруз ва бошқа шоирларнинг ғазалларига боғланган тахмислари ҳам мавжуд. Шоир озарбайжон адабиётининг буюк сиймоси Муҳаммад Фузулийнинг ҳурлиқ, муҳаббат ва шахс эркинлиги масаласига бағишлиланган “Ёзмишлар” радифли ғазалига гўзал мухаммас боғлайди. Мухаммасда шоир инсонларнинг баҳтли бўлишлари ижтимоий тузум билан ҳам мустаҳкам боғлиқ деган хулосага келади.

Жадидчилик ғояларини кенг тарғиб этиш Аваз Ўтар ижодига хос хусусиятлардан биридир. Бу унинг “Тил”, “Мактаб”, “Халқ”, “Фидоий халқим”, “Топар экан қачон?” деган шеърларида яққол кўринади.

Аваз Ўтарнинг ҳажвий асарларида эса Россиянинг мустамлакачи ва маҳаллий амалдорлари, бойлик орттириш йўлида алдамчилик, риёкорлик килувчи тутуруқсиз бойлар, судхўрлар ва шуларга ўхшаш разил шахсларнинг қилмишлари фош этилган.

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Аваз Ўтар бир қатор асарларида ижтимоий тенгсизликни ва унинг кескинлашиб бораётганлигини ҳаққоний тасвиrlаб, фалакни “ғаддор”, замонани эса “каж” деб атайди. Шоир ижтимоий руҳдаги шеърларида ўзининг озодлик, баҳтли ҳаёт ҳақидаги қарашларини баён қилган. “Хуррият”, “Сипоҳийларга”, “Халқ”, “Топар экан қачон?” “Фидойи халқим”, “Уламоларга” каби қатор асарларида Аваз Ўтарнинг келажак хусусидаги фикрлари ўз аксини топган.

Аваз Ўтар ижтимоий шеърияти замирида зулм ва зўравонлик ҳисобига тўпланган бойликларга нафрат, икки томонлама зулм остида қолган меҳнаткаш халқ ҳаётига ачиниш туйғуси ётади. Шоир ўша жамиятда яшаб турган кишилар ўртасидаги тафовутларни, қарама-қаршиликларни рўй-рост очиб ташлайди.

Айниқса Авазнинг кўз ўнгидаги жараёнлар, хусусан Россия империясининг биринчи жаҳон урушига қўшилиши, мустамлака хоразмликлар ҳаётини оғир аҳволга тушириши ижодига таъсир қилди. Натижада меҳнаткаш халқ аҳволи баттар оғирлашиб, солиқларнинг кўплиги халқнинг дардини янада қийинлаштирди. Шу боисдан ҳам Аваз Ўтар халқ дардини ўз дарди сифатида ифодалаганди :

*Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ,
Зулм тифи бирла бўлған бағри юз минг пора халқ...
Эй, Аваз, бўлмас шунингдек барҳо оввора халқ,*

Тарихдан маълумки, Аваз Ўтар оғир касал бўлгани боис шу даврдаги жадидларнинг сиёсий курашларига қўшилмаган. Бироқ у маънан уларни қўллаб қувватлаб, “Мактаб”, “Тил”, “Халқ”, “Хуррият” номли шеърлар ёзган. Айниқса, 1917 йил апрелида Бобоохун Салимов, Ҳусайнбек Матмуродвларнинг “Идорайи маршрутия”-

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

парламент тузишни хуррият йўлидаги қадамлардан деб билди ва “Хуррият”номли шеър яратди.

*Сиёсат маҳв бўлди, яласун оламда хуррият,
Бори эл иттифоқ ила жаҳонни айласун жаннат...*

Хива шахрида маърифатпарвар, жадидчилик ғояларини куйлаган Аваз Ўтарнинг уй-музейи ташкил этилган ва ҳайкали, бюести ўрнатилган. У ҳақда Эркин Самандарнинг “Эрк садоси” достони, Аҳмад Бобожоннинг “Ғазал фожиаси” драмаси, Саъдулла Сиёевнинг “Аваз “номли романи яратилган. Н.Қобулов, В.Мўминова, Иброҳим Ҳаққул томонидан “Аваз ва унинг адабий муҳити” номли монография, Нурмуҳаммад Қобуловнинг икки жилдлик “Хоразм адабий муҳити” тўпламида ҳам Аваз Ўтарнинг ҳаёти ва ижоди ёритиб ўтилган. А.Ўтар ҳаёти ва ижоди бўйича филология, педагогика йўналишларида бир нечта диссертациялар ҳимоя қилинган. Бироқ Аваз Ўтар ҳаёти ва ижодини янгича ракурсларда, ўша даврдаги реал вазиятдан келиб чиқиб, қолаверса жадидлар билан боғлаган ҳолдаги маҳсус тадқиқот иши олиб бориш адабиётшунослар олдидаги масъул, долзарб вазифадир.

Аваз Ўтар 1919 йилда вафот этгач, Хивадаги Чодирли Эшон қабристонига дағн этилган. Агарки шоир тақдири азал сабабли 1919 йилда эмас, кейинги даврларда вафот этганида республика давридаги Бекжон Раҳмон, Комил Девоний сингари шоирлар қаторида янгича руҳдаги, Ҷўлпон, Фитрат, Гулом Зафарийдек жадидона ғоялар сингдирилган асарлар ёзиши давом этдиради. Шунингдек Ҳамза Ҳакимзода Хоразмга келиб драмалар яратган, пьесаларни саҳналаштирган даврда агарки ҳаёт бўлганида, ўзи ҳам томошабинлар олқишига сазовор бўладиган пьесалар яратган бўларди.

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Бироқ тақдири азал сабабли у хонлик тугатилиши арафасида-1919 йилда вафот этди...

Академик Наим Каримов Аваз Ўтарлар яшаб ўтган, аниқроғи Беҳбудий, Чўлпон, Фитрат, Қодирийлар ижод қилган даврга баҳо бериб ёзганидек “адабиётшунослар бу даврни гоҳ миллий уйғониш даври адабиёти, гоҳ жадид адабиёти деб атайдилар. Аммо бу ҳар икки ном замирида битта ҳақиқат ётади: жадидлар ўзларининг адабий ҳайқириқлари билан 20 аср бошларида Туркистоннинг мудраб ўтган халқини уйғотиб, унда дунёда Ватан, Эрк ва Хуррият деган буюқ қадриятлар борлигига ишонч уйғотдилар. Улар янги усул мактабларини ташкил этиб, 20 асрнинг Форобийлари, Берунийлари, Ибн Синолари майдонга келишига замин ҳозирладилар. Миллий матбуотга пойдевор қўйиб, “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона” сингари газеталари, “Ойина” сингари журналларида эълон қилинган бадиий ва публицистик асарлари билан янги ўзбек халқининг туғилишида доя вазифасини бажардилар”(Ш.Назарованинг юқоридаги монографияси, ўша нашрга ёзилган “Зукко олиманинг яна бир илмий асари”номли сўнгсўзи”, 253-бет).

Гарчи Хоразмда 1920 йилда жадид намояндаси Бекжон Раҳмон томонидан матбуотга асос солингангача воҳада биронта газета-журнал нашр этилмаган бўлсада, Аваз Ўтар, Бобоохун Салимов, Сўфизода ва бошқа ижодкорларнинг ёзган ижодлари уларнинг қўлёзма асарларида сақланиб келди.

Хоразмлик жадидлар томонидан яратилган назмдаги асарлар жадид адабиёти, шеъриятининг таркибий қисмини ташкил этадики, бу борада Аваз Ўтар ижоди сингари Бобоохун Салимовнинг ижодий фаолияти ҳам жадид шеъриятининг ёрқин намуналариdir.

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

Хоразмдаги жадидчилик ҳаракати ва улар мансуб бўлган сиёсий ҳаракат-“Ёш хиваликлар”нинг намояндалари орасида асосан Бобоохун Салимов бошқа сафдошларидан ижодкорлиги билан алоҳида ажралиб турган. Яъни, Полвонниёзҳожи Юсупов, Худойберган Девонов, Назир Шоликоров ва бошқа жадид лидерлар каби унинг ҳам сиёсий фаолияти курашлар, ислоҳотчилик ғоялари билан ўтган бўлсада, ундан асосийси бой ижодий, маънавий мерос қолди.

Бобоохун Салимов шеъриятида жадидлар ғояларидаги сингари маърифат, таълим мавзулари ёритилган. Шунингдек, у жамиятда рўй бераётган салбий муносабатларни йўқотиш учун ҳам мудроқ ғурурни уйғотиш лозимлигини англаб етганди. Шу боис ҳам Бобоохуннинг хонлик даврида яратилган ушбу шеърида жадидларнинг ғояси акс этганди”:

*Хазон фаслида булбулдек,
Дил афгор ўлғон ўхшайдур.
Жаҳолат дардига барча
Гирифтор ўлғон ўхшайдур,
Суқут айлаб демас бу қун
Рост сўзни шайхулисломлар.
Халойиқ ичра бидъатлар,
Баддийдор ўлғон ўхшайдур...*

“Ожиз” тахаллуси билан туркий, “Бобо” тахаллуси билан форсий тилда ижод қилган Бобоохун Салимовнинг бошқа шеърларида ҳам мустамлакачилик асорати даврига хос маҳзунлик, жамиятдаги воқеликларга реал баҳо бериш акс этдирилган.

Шоирнинг қуйидаги шеърида шундай шу ҳолатга оид мисралар бор:

*Ожизо, зор қўнгиллар,
Бўлди хандон оқибат.*

Бизларга зулм этганлар,

Бўлди яксон оқибат...

Айниқса унинг “Мактаб” сарлавҳали шеъри халқ таълими учун сидқидилдан фаолият кўрсатган жадид зиёлисининг ёрқин қиёфасини кўрсатади:

Хушдур не бало ҳавои мактаб,

Жон ўлса раво фидойи мактаб.

Мактаб демаки мадори илмдир,

То илм иладур бақои мактаб,

Рашқ ўтига ўртамиш Эрамни,

Гулзори фараҳ фазои мактаб

Анвойи илм маъданидир.

Ҳар гўшайи бир сарои мактаб.

Тан ўлғуси булбули баҳорда.

Тифлони ғазал сарои мактаб.

Ҳар кимда бор эрса жаҳл дарди

Даф айлагуси давои мактаб

Гўдаклар адибу олим ўлмас.

То чекмагунча жафо мактаб,

Топмоқ тиласанг икки жаҳонни

Зинҳор бўл ошнои мактаб,

Хоразм элин айлагай мунаввар,

Нури қамари саймойи мактаб,

Мингдан бирини тугатмас Ожиз

Юз йил деса ҳам санои мактаб.

Жадид шеъриятининг ёрқин намунаси бўлган Бобоохун Салимовнинг ҳаёти, шунингдек ижоди умуман тадқиқотчилар томонидан ўрганилмаган бўлиб, маҳсус илмий тадқиқотни талаб қиласиди. Сулолага мансуб Матюсуф Салимовнинг шахсий архивида, Салимохун шажарасига оид кўплаб ҳужжатлар, қўлёзмалар, расмлар қаторида, туркий тилдаги шеърлари ва 18 та форсий тилда яратилган ноёб шеърлари сақланиб келмоқда.

Бобоохун Салимовнинг сафдоши бўлган Ҳусайнбек Муҳаммадмуродов хонликдаги нуфузли давлат арбоби Матмурод девонбегининг ўғли эди. Ана шундай мавқега эга сулола вакили 20 аср бошларидағи Хоразм жадид лидерларидан бири бўлиб, 1917 йил апрелида ташкил этилган ҳукумат раиси қилиб сайланган ва ислоҳотларни амалга оширишга киришганди.

Ферузхон давридан бошлаб саройдаги нафақат амалдорлар, балки ижодкорлар орасида ҳам ўз шеърияти билан эътибор топган Ҳусайнбек Ферузхоннинг тавсияси билан ўзига Нозирий тахаллусини танлаганди. Нозирий мумтоз адабиётга хос кўплаб ғазаллар ёзиб бой ижодий мерос қолдирган ва адабий асарлари Тошкентдаги шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланмоқда. Агарки Нозирий ижодий мероси тадқиқ қилинса, унинг ижодида лирик шеърларгина эмас, жадид адабиётига хос ижтимоий-маърифий мавзудаги асарлар ҳам топилиши аниқ.

Негаки, ўз давридаги сиёсий жараёнларнинг энг олд сафларида юрган, жамиятни ҳаракатлантирувчи таъсир кучига, нуфузига эга шахс табиийки ўзи орзу қилган, интилган ғояларни ижодида акс этдирган бўлиши аниқ.

Бекжон Раҳмондек жадидларнинг илғор вакили эса Фитрат, Чўлпон, Закий Валидий сингари ижоду илм аҳли билан маслақдош дўст эди. У “Инқилоб қуёши” номи билан Хоразмда матбуотга асос солган ижодкор ва 1923 йилда 580 та Хоразмнинг халқ мақолларини тўплаб “Оталар сўзи” номи билан нашр этдирган фольклоршунос ҳам бўлган. Бекжон Раҳмоннинг мазкур тўпламида “эртага ош қолса-давлат, иш қолса-меҳнат”, “Давлат-оғзибирчилик”, “Роҳат-меҳнатнинг орқасида”, “Тек турган тўқ юрар”, “Бир кун туз еган ерга 40 кун салом”, “Ота-она таҳт этар-баҳт эта билмас”, “Ўтни кавласанг ўчар,

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

қўшнини ковласанг кўчар", "Ўғри бойимас, ёлғончи ёлчимас", "Онасини кўр қизини ол, қироғини кўр, бўзини ол" сингари тарбиявий, панд насиҳат руҳидаги мақоллар, ҳикматли сўзлар мавжуд.

1925 йилда у Мухаммад Юсуф Девонзода билан ҳаммуаллифликда "Хоразм мусиқий тарихчаси" китобини Москва шаҳрида нашр қилдирганди. Фитрат "Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи" асарида Бекжон Раҳмон ҳамда Мухаммад Юсуф Девонзодаларнинг асаридан ғоят таъсирланганини ёзган ва ушбу китобнинг мусиқашуносликда туттган ўрнига ғоят юксак баҳо берган эди. Мусиқа назарияси ва тарихига доир энг эътиборли манба бўлгани боис, Б. Беляев ҳамда Г. Формер каби рус ва хориж мусиқашунослари ҳам Бекжон Раҳмон, Девонзодаларнинг асарига мурожаат қилишгандилар.

Шу йили яна "Хилвати сўфиҳо" асарини ҳам ёзиб бошлайди.

Бекжон Раҳмон тилшунос сифатида 1926 йилнинг 26 феврал-5 март кунлари Боку шаҳрида ўтказилган Биринчи Туркология қурултойида қатнашиш учун Ўзбекистон делегацияси таркибига киритилади. Маълумки, ушбу қурултойда В.В.Бартольд, С.Е.Малов, А.А.Миллер, С.Ф.Олденбург, Р.Р.Поппе, А.Н. Самойлович, К. Юдахин, В.Б.Томашевский каби рус, М.Ф. Кўпрулузода (турк), Паул Виттек (немис), Бакир Чўпонзода(қрим татар), А. Бойтурсун (қозоқ) сингари дунёдаги машҳур 131 та олимни қатнашганди. Ўзбекистондан эса Ашурали Зоҳирий, Элбек, Раҳим Иноғомов, Гози Олим Юнусов, Назир Тўрақулов, Шокиржон Раҳимий, И.Садрий, А. Абдужабборовлар қаторида Бекжон Раҳмон ҳам бор эди.

Қурултойда туркий халқлар адабиёти ва тилшуносликка оид 38 та маъруза ўқилган ва муҳокама қилинганди. Муҳокамада сўзга чиққанлар орасида Бекжон

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

Раҳмон ҳам бор бўлиб айнан ана шу қурултойда Навоийнинг 500 йиллигига тайёргарлик кўриш ва унинг ижодини дунёда оммалаштириш, тарғиб қилиш масалалари кўриб чиқилганди. Шу тарзда нафақат Ўзбекистон миқёсидаги маданий, адабий тадбирларда, балки дунёда бўлиб ўтаётган етук олимлар иштирокидаги анжуманларда ҳам фаол қатнашаётган Бекжон Раҳмон республикамизнинг энг фаол зиёлиси сифатида танилган.

1926-29 йилларда Ўзбекистон ССР ҳалқ комиссарлари кенгаши раиси Файзулла Хўжаевнинг таклифи билан Самарқандга келиб республика маориф комиссарлигининг “Маориф”, “Аланга” журналларида ва “Янги алифбо” қўмитасида фаолият кўрсатади ҳамда “Ўзбекистонда лотинчилик ҳаракати”, “Янги алифбе ҳарфи сираси тўғрисида”, “Бағдон шеваси” сингари тилшунослик, адабиётшунослик ва санъатшуносликка оид мақолалар, “Салом” шеърини 1930 йилда ёзиб чоп этдиради.

Афсуски, Бекжон Раҳмондек серқирра фаолият соҳибининг ижтимоий-сиёсий, маърифий, дипломатик, матбуот, педагогик соҳаларига қўшган ҳиссаси сингари, адабий-илмий мероси ҳам тадқиқ қилинмай келинмоқда. Агар адабиётшунослар изланишлар олиб боришса, Бекжон Раҳмоннинг Истамбул,Хоразм ва Бокуда яратилган шеърлари ҳам топилиш эҳтимоли бор. Негаки, Чўлпон, Фитрат, Бобоохун Салимов, Закий Валидийлар даврасида юрган ижодкор Бекжон Раҳмон ўзидан бой адабий мерос қолдиргани аниқ.

“Катта террор” дея аталадиган машъум 1937-38 йиллардаги қатағон курбонлари номи қайд этилганда, Комил Девоний, Сафо Муғанний номлари ҳам келтириб ўтилади. Агарки, уларнинг ижтимоий-сиёсий

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

фаолиятидан келиб чиқиб, адабий меросига, умуман ҳаётига разм солсак, ижодидаги маълум бир даврлар жадидлар ғоясида кечганлиги аён бўлади.

Тарихий фактлардан маълумки, Комил Девоний (1887-1938) жадидларнинг "Ёш хиваликлар" партияси аъзоси бўлган ижодкор. У 1887 йилда Хиванинг Сангар қишлоғида туғилган бўлиб, асл исми Муҳаммад Комил Исмоилжон ўғли эди. Бобоси Муҳаммад Паноҳ Хива хонлигининг тўп қуювчи қуролсоз устаси, шунингдек наққош, хаттот, мусиқа ва адабиёт бўйича ҳам маҳоратга эга бўлган. Хоразмдаги ижтимоий маърифий, адабий жараёнларнинг фаол иштирокчisi бўлган Комил Девоний ҳаёти, ижодий мероси ҳам афсуски тўлиқ тадқиқ этилмаган. Фақатгина таниқли шоир, драматург Комил Аваз томонидан 2008 йилда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида Девонийнинг ҳаёти ёритилган очерк ва айрим ижод намуналари нашр этилганди.

Комил Девоний сингари Сафо Муғаний ҳам Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий ва маърифий жараёнлар, шу сингари адабий ҳаракатчиликда фаол қатнашган ижодкор эди.

Сафо Муғаний номи шоир ва хонанда, бастакор сифатида машҳур .Бироқ унинг асл исми шарифи эса ҳужжатларда Сафо Оллоберганов бўлиб, 1882 йил Хива хонлигига қарашли Гандимиён (Гандумикон) қишлоғида камбағал дехқон оиласида туғилганди. Ферузхон саройига Сафо Муғанийни олиб келган ва унга ҳомийлик қилган инсон хонликнинг энг мўътабар зотларидан Вазири акбар Исломхўжа эди. Натижада Сафо Муғаний Ферузхон саройида кўзга кўринган созандаларидан танбур, дутор ва бошқа миллий мусиқа созларида куй чалиш маҳоратини ва бастакорлик сирларини мукаммал даражада ўзлаштиргди. Санъат ва шеърият илмини

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси
ўрганиб, Хоразм шоирларининг, шунингдек, ўзининг ёзган шеърларига куйлар басталаб ижро этди.

Сафо Муғанний нафақат адабиёт, санъат маданият ходими, балки жамиятни ислоҳ қилиш, давлат бошқарувини такомиллаштириш, Европа маданияти ютуқларини воҳага тадбиқ этиш билан шуғулланишга ҳаракат қиласи. Сафо Муғанний хонлик ағдарилиши билан тараққийпарвар инсон сифатида “Ёш хиваликлар”ни қўллаб-қувватлаб, жадидларнинг ушбу партиясига аъзо ҳам бўлиб кирганди..

Афсуски, Сафо Муғанний 1937 йилда “халқ душмани “ сифатида қамоқقا олинади ва 1938 йилда 10 йилга МТЛ(меҳнат тузатув лагери) га сургун қилинади. Дастреб Ўзбекистондаги Малик совхозида, кейин эса 1941 йил 20 февраль санаси билан ишга тикилган маълумотномада, Ярославль вилояти, Рибин тумани, Волжский МТЛда ҳукмни ўтаган ва вафот этган.

Сафо Муғанний ҳаёти, фаолиятигина эмас, адабий мероси ҳам маҳсус тадқиқотни талаб қиласи.

Комил Девоний, Сафо Муғаннийларнинг ижоди, хусусан уларнинг “Ёш хиваликлар” партиясидаги фаолияти, жадидчилик ғоялари асосидаги асарларини тадқиқ қилиш, адабиётшунослар олдиради долзарб вазифа бўлиб турибди.

Тарихдаги реал вазиятдан келиб чиқилса, жадид адабиёти, хусусан драматургиясини Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийсиз тасаввур қилиш қийин. Эътиборли томони Хоразмда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий томонидан яратилган саҳна асарлари воҳадаги театр, драматургиянинг асоси ҳисобланади..

Маълумки, 1921 йил ноябридан Ҳамза Хоразм республикасидаги касаба уюшмалари ташкилотида ишлаш билан бирга, кўплаб драмалар яратди ва уларда

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

жадидчилик ғоялари ўз ифодасини топган. 1922 йил 2 марта Хива шаҳрида театрга асос солди ва ўзи кўплаб драмаларни режиссёр сифатида саҳналаштириди, айримларида ролларни ҳам ижро қилди. Тожизода, Машариф Полвонов, Умар Қурбоний ва бошқа саънаткорларни театр атрофига жипслаштириди. Ҳамзанинг бевосита Хоразмда яратилган “Хоразм инқилобининг учинчи лойиҳаси” номли тўрт пардали, етти кўринишдан иборат пьесасини “Хон зулми” деб ҳам атади.

Профессор Лазиз Қаюмовнинг “Ҳамза” (Тошкент-1989) ҳамда Олланазар Собировнинг “Хоразм театри” (Тошкент-1991 йил) монографияларидағи таҳлилларга кўра, “бундан ташқари Ҳамза яна ўз асарлари асосида саҳналаштирган “Бой ила хизматчи”, “Туҳматчилар жазоси”, “Заҳарли ҳаёт”, “Фарғона фожиалари” асарларинигина эмас, Ғулом Зафарийнинг “Эрк болалари” ни ҳам Хива театрида намойиш этган драматург, режиссёр эди. Ҳамза саҳналаштирилган пьесаларини фақат Хивадагина эмас, Хоразм воҳасининг турли ҳудудларида ҳам намойиш қилиб борган” ижодкор бўлган.

Ўзбек жадид адабиётининг намояндадаридан бири ва 1910-13 йилларда Хоразмда фаолият кўрсатган педагог, шоир Муҳаммадшариф Сўфизода бўлиб, ўзбек демократик ва маърифатпарварлик даври адабиёти анъаналарини давом эттирган ижодкор эди. У уч йил давомида Хоразмдаги жадид мактабида фаолият кўрсатибгина қолмай, жадидлар ғоясини акс этдирган адабий асарлар яратган ва ўз давридаги адабий муҳитнинг фаол ижодкори эди.

Сўфизода ҳаёти, фаолияти, ижодий мероси гарчи истиқлол йилларида тадқиқ ва тарғиб қилинаётган

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси

бўлсада, унинг Хоразмдаги уч йиллик педагоглик, шоирлик фаолияти, яратган асарлари ҳануз тўлиқ тадқиқ қилинмай келинмоқда.

Умуман олганда Хоразм жадид адабиёти, унинг ўзига хос хусусиятлари, бошқа ҳудуддаги адабий жараёнлардан фарқли ва ўхшаш жиҳатлари, яратилган асарлар, жанрлари, улардаги ғоя, ижодкорларнинг фаолияти, адабий портретлари фундаментал тадқиқ қилинишини кутиб турибдики, бу адабиётшунослар зиммасидаги масъулиятли вазифалардан бири ҳисобланади. Агарки, “Жадид адабиёти антологияси” нашрга тайёрланса, табиийки ушбу тадқиқотдан Хоразмлик юқоридаги ва изланишлар олиб борилса яна бошқа жадид ижодкорлар ҳам адабий мероси киритилиши аниқ.

3.2. Жадид ижодкорларининг асарларидан намуналар.

Хоразмлик жадид намояндалари, хусусан улар сафидаги ижодкорлар ҳаёти, фаолиятини тадқиқ қилиш, афсуски ҳанузгача амалга оширилмай келмоқда ва бу тарихчи, адабиётшунослар олдидаги энг долзарб вазифа бўлиб келмоқда.

Бундан ташқари, жадид ижодкорларнинг ҳар бирига бағишенган махсус филологик тадқиқот ва асарларини тўплаш, тарғиб қилиш ҳам шу пайтгача қилинмади.

Бу борада ушбу монография ҳаммуаллифи умид Бекмуҳаммад томонидан яратилган “Хоразм жадидчилик ҳаракати энциклопедияси” ва ушбу монография муаллифларининг “Хоразм жадидчилиги: ислоҳотлар, таълим ва адабиёт”, “Бобоохун Салимов-жадид, давлат арбоби ва шоир” монографияларидағина бу борадаги дастлабки изланишлар олиб борилди. Қолаверса ушбу нашрларда Хоразмлик ижодкорларнинг айрим ижод

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

намуналари, қолаверса маълум бир муддат воҳадаги жадид мактаби, театрида фаолият кўрсатган Сўфизода, Ҳамза Ҳакимзодаларнинг ижодий фаолияти Хоразм жадидлари билан боғланган ҳолда тадқиқ қилинди.

Шулардан келиб чиқсан ҳолда, Бобоохун Салимов, Бекжон Раҳмон, Сўфизода, Ҳамза Ҳакимзода ва бошқаларнинг ҳар бирига бағишлиланган маҳсус тадқиқот иши ва “Хоразм жадид адабиёти” монографияси яратилишига эҳтиёж бор. Шу сингари “Жадид адабиёти антологияси” нашрга тайёрланса ушбу нашрга Хоразмлик жадид ижодкорлар асарлари ҳам киритилиши аниқ.

Ана шуларни эътиборга олиб, ушбу монографияга қуйидаги жадид ижодкорларнинг асарларини киритишни маъқул деб топдик ва ўйлаймизки изланишлар давомида бу сингари ижод намуналар кўпайиб, мукаммал антология ҳам юзага келади.

БОБООХУН САЛИМОВ

Хазон фаслида булбулдек,
Дил афгор ўлғон ўхшайдур.
Жаҳолат дардига барча
Гирифтор ўлғон ўхшайдур,
Сукут айлаб демас бу кун
Рост сўзни шайхулисломлар.
Халойиқ ичра бидъатлар,
Баддийдор ўлғон ўхшайдур...

МАКТАБ

Хушдур не бало ҳавои мактаб,
Жон ўлса раво фидойи мактаб.
Мактаб демаки мадори илмдир,
То илм иладур бақои мактаб,

Рашк ўтига ўртамиш Эрамни,
Гулзори фараҳ фазойи мактаб
Анвойи илм маъданидир.
Ҳар гўшайи бир саройи мактаб.
Тан ўлғуси булбули баҳорда.
Тифлони ғазал саройи мактаб.
Ҳар кимда бор эрса жаҳл дарди
Даф айлагуси давоий мактаб
Гўдаклар адибу олим ўлмас.
То чекмагунча жафо мактаб,
Топмоқ тиласанг икки жаҳонни
Зинҳор бўл ошнойи мактаб,
Хоразм элин айлагай мунаvvар,
Нури қамари саймойи мактаб,
Мингдан бирини тугатмас Ожиз
Юз йил деса ҳам санойи мактаб.

* * * *

Рўзи шаб андар пароход сайри дарё мекунам,
Қудрати бори тоолоро томоша мекунам.
Мавотан гаштам ва sod ҳасратро орушти жудо,
Ва намедонам бидомон чикас мекунам.
То ба музлумон Хоразми шавам роҳатрасон,
Чун алиф қомат дариж афкори дута мекунам.
Халқи оламро мусовот аз зобони соз одил,
Гоҳ дар Тошканд ва гоҳ Маскав иншо мекунам.

ТИЛ

Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,
Тил воситаи робитаи оламиёндур.

Ғайри тилини саъй қилинг билгали, ёшлар,
Ким илму ҳунарлар билонки ондин аёндур.

Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,
Билмакка они ғайрат этинг, фоида кондур.

Илму фан уйиға юборинглар болангизни,
Онда ўқуғонлар бори яктои замондур.

Зор ўлмасун онлар доғи тил билмай Аваздек,
Тил билмаганидин они бағри тўла қондур.

МАКТАБ

*Очинглар, миллати вайронни обод этгуси мактаб,
Ўқусин ёшларимиз, қўнглини шод этгуси мактаб.*

*Дилу жон бирла эл мактаб очарга ижтиҳод этсин,
Нединким бизни ғам, қайғудин озод этгуси мактаб.*

*Кўнгулларнинг суури, дағи қўзлар нуридур фарзанд,
Аларнинг умрини албатта обод этгуси мактаб.
Ота бирла онага фарз ўқутмоқ бизни мажбурий,
Ки бизни яхшилик қилмоқда муътод этгуси мактаб.*

*Қаю миллатга биздек гар насими инқироз етса,
Анга албатта мустаҳкамлик ижод этгуси мактаб.
Бу не навмидликдур, мактаб очсақ, оқибат бизни
Аруси ком ила мақсудга домод этгуси мактаб.*

*Аваз, ҳимматни қил олий очарга эмди мактабким,
Балойи жаҳлу нодонликни барбод этгуси мактаб.*

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси
ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ

ЖОНЛАРНИ ЖОНОНИ ВАТАН

Ватан, ватан дер эдилар, на дер эдим билмай они,
Энди билсам Ватан эркон бу танларнинг ширин жони.
Бир жон эмас, эй суйгули, томирларнинг қони
Ватан, Сенсан, бале, билганлара жонларни жонони Ватан!

Сенсан бизлара чин туғмиш бир мунглиқ ано,
Боқғунг тирик бўлсақ, агар ўлсок қучоғинда яно,
Бир жон эмас, эй суйгули, томирларнинг қони Ватан,
Сенсан, бале, билганлара жонларни жонони Ватан!

Эсиз, эсиз, туғонларинг кўз юмиб ўқ отуб сани,
Боғлаб қўлинг ёвузларга не олдилар сотуб сани?
Бир жон эмас, эй суйгули, томирларнинг қони Ватан,
Сенсан, бале, билганлара жонларни жонони Ватан!

Билувчилар қўл тутмади, бизга сани тонутмади,
Билмам, неларга алдануб тангри буйруғин тутмади.
Бир жон эмас, эй суйгули, томирларнинг қони Ватан,
Сенсан, бале, билганлара жонларни жонони Ватан!

Билимсизлар англашмади, оҳ-у войинг тинглашмади,
Билгувчилар бурчи экан ўнғайламоқ, ўнглашмади.
Бир жон эмас, эй суйгули, томирларнинг қони Ватан,
Сенсан, бале, билганлара жонларни жонони Ватан!

Ниҳон йиғлаб қон ютунур, кечмоғлиғингни ўтунур
Мундин буён ўғлонларинг чандон тонурга тутунур.
Бир жон эмас, эй суйгули, томирларнинг қони Ватан,
Сенсан, бале, билганлара жонларни жонони Ватан!

ГАЗЕТА ТҮҒРИСИНДА

Яшнатиб дил ғунчасин, фасли баҳор айлар газет,
Сув бериб күнгүл боғини сабзавор айлар газет.

Шарқдан Мағрибгача бўлғон ҳаводисни ёзиб,
Не гўзал марғуб хабарлар ошкор айлар газет.

Кўб ўқур бўлсанг, бўлурсен эл аро чун нуктадон,
Сўзлаганда сўзларингни беғубор айлар газет.

Гоҳи-гоҳи келмайин қолса ўзининг дўстларин
Шавқида телмуртириб кўп интизор айлар газет.

Чиқса бир хурсандлик сафҳасида дарж ўлуб,
Фикри завқ-ла қалбни беихтиёр айлар газет.

Э нехушким, халқимиз суймақда кун-кундан сени,
Бир вақт зарларни бошингдан нисор айлар газет.

Ноумид бўлма, чиқар бир кун ҳақиқий дўстларинг,
Ёрдам айлаб, муштариини бешумор айлар газет.

Йўқсул эл аҳволидан гар сен ёзиб берсанг хабар,
Дарж этиб бу йўлга жалби эътибор айлар газет.

Гар қорайғон дил, тўнук руҳларга бердиқчи зиё,
Бўлгани жон доимо бошқа тумор айлар газет.

Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси
АСФАНДИЁРХОН

Ё раб, жаъми қулларингга қилди баҳравар,
Зиддинг ўлуб сарир асоратда жилвагар,
Бу Бакр вақти канди замонида чун Умар,
Усмон каби ҳалим ва шиҷоатда Ҳайдар,
Асфандиёрхон абулнаср ва алзафар
Хоразма верди равнак, адли-ла зебу фар.

Вордир умидимиз кена хоқон иззу жоҳ
Этмаз деюб раия ҳуқуқини хоки роҳ,
Зеро, бу кун низоми, ўлуб аскару сипоҳ,
Кийди либос аскарий ва черкасий қулоҳ,
Асфандиёрхон абулнаср ва алзафар
Хоразма верди равнак, адли-ла зебу фар.

Эҳсон эдуб принслара ҳаржи солия,
Қозилара мувожиб ва тан хоҳ волия,
Фармон доғнитди сўнгра умум аҳолия,
Ришват ясоқ, маош верар жайби молия,
Асфандиёрхон абулнаср ва алзафар
Хоразма верди равнак, адли-ла зебу фар.

Танзим этилди доҳилий ишлар идораси,
Ўлмоқдадир ҳуқуқ милал истишораси,
Дуз чиқса гар зиёлиларга истихораси,
Фатҳ макотибингга ўлур балки чораси,
Асфандиёрхон абулнаср ва алзафар
Хоразма верди равнак, адли-ла зебу фар.

Вордур гарчи муҳтасиб шаръ ўлуб раис,
Маъмур ўлунди ўлсада даврия ва полис,
Ахлотдан сўқоқлари этмак учун нафас,

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Ҳар бир сабил омада вор бир нафар каниз,
Асфандиёрхон абулнаср ва алзафар
Хоразма верди равнак, адли-ла зебу фар.

Субҳи саодат маданият явош-явош,
Ваҳшат қаронлиги доғидуб ўлди ламъа пош,
Адли-ла ўлса шоҳи жаҳон ўйлаким қуёш,
Қонуна қаршу ким эдажак фитна ва талош,
Асфандиёрхон абулнаср ва алзафар
Хоразма верди равнак, адли-ла зебу фар.

“Шўро” журнали 1911 йил 12-сон

ХУЛОСА

Кримдан бошланган И smoил Гаспралиниң жадидчилик ҳаракати туркий мусулмон халқлар орасыда шиддат билан ўз ғояларини амалиётга айлантириди, тезда жадид мактаблари, матбуоти, театри, сиёсий ташкилотлари юзага кела бошлади. Умуман олганда 19 аср охири ва 20 асрнинг биринчи чорагини жадидчилик ҳаракати ҳамда унинг намояндаларисиз тасаввур қилиш қийин. Негаки, жадидчилик феномен сифатида жамиятдаги барча соҳаларни қамраб олган ва ўтказилган ислоҳотлар тараққиётга асос бўлиб хизмат қилганди.

Ана шу жараёнларни бошқарган шахслар эса И smoил Гаспралиниң ҳудудлардаги маслакдош намояндалари эди. Жадид намояндалари ўzlари яшаётган ҳудуддаги неки муаммо бўлса унга эътибор қаратиб, уларга ечим излаган ва дунё билан ҳамқадамликда бўлишга интилишганди.

Биз ушбу монографиямизда Хоразмлик энг фаол, тарихдаги жараёнларни, хусусан ижтимоий-сиёсий воқеликларни ҳаракатга келтирган шахслардан айримлари фаолиятигагина тўхталиб ўтдик. Кейинги тадқиқотларимиз, монографиямизда эса таълим, маърифий жараёнларда лидерлик қилган Хоразм жадид намояндалари фаолиятига тўхталиб ўтамиз.

Бизнинг ушбу тадқиқотимиздан келиб чиқган ҳолда Хоразм жадид намояндаларини фақат тарихчи, сиёсатшунос, филологлар, тадқиқотчилар орасидагина эмас, кенг халқ орасыда танитиш, тарғиб қилиш учун қуйидаги тавсия ва таклифларимизни билдириб ўтишни жоиз деб билдик:

1. Хоразмлик жадид намояндаларнинг ҳар бирига бағишиланган маҳсус илмий тадқиқот ишлари олиб

бориш;

2. Жадид намояндаларни уларнинг туғилган, фаолият кўрсатган ҳудудларда номларини абадийлаштириш;

3. Намояндаларнинг ҳар бирiga бағишиланган ҳужжатли фильм ишлаш ва уларни тарғиб қилиш;

4. Жадид намояндалар орасидаги ижодкорларнинг асарларини тўплаб нашр этиш ва “Жадид адабиёти антологияси”га киритиши;

5. Ҳар бир жадид намояндасига бағишиланган алоҳида публицистик эссе, очерклар яратилиши ва уларнинг медиаварианти ҳам тайёрланиши, ижтимоий тармоқларда тарғиб қилиниши керак.

Шу ва шу сингари таклифларимиз амалга ошса, жадид намояндалар фаолияти маҳсус тадқиқот ишлари, монографияларда акс этиб, ёритилибгина қолмай, кенг халқ оммасига, айниқса ёшларга етиб борар, улар учун маънавий далда, матонат, жасорат намунаси бўлиб хизмат қиласарди.

МУНДАРИЖА

Жадид намояндалар фаолиятига бир назар	3
Кириш.....	7
I боб. Жадидчилик ғояларининг туркий мусулмон ўлкаларга таъсири ва тарихда тутган ўрни.....	12
1.1. Жадидчилик ғояларининг Туркистон, Бухоро ва Хоразмга тарқалиши ҳамда унинг фарқли жиҳатлари.	12
1.2. “Таржимон” газетасида Хоразмга оид мақолаларнинг ёритилиши ва уларнинг тарихни ўрганишдаги аҳамияти.....	17
II боб. Хоразм жадид намояндаларининг фаолияти, жамиятдаги нуфузи ва тарихда тутган ўрни.	44
2.1. Хоразмдаги жадидчилик ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари.....	44
2.2. Жадид намояндалари фаолияти ва уларнинг тарихда тутган ўрни	50
Исломхўжа	50
Хусайнбек Матмуродов.....	76
Полвонниёзҳожи Юсупов	79
Бобоохун Салимов.....	89
Худойберган Девонов	120
Отамахзумохун Мухаммадраҳимов.....	146
Назир Шоликоров	158
Бекжон Раҳмон.....	162
3-боб. Хоразм жадидларининг адабий мероси.....	170
3.1. Хоразмлик жадид ижодкорлар.	170
3.2. Жадид ижодкорларининг асарларидан намуналар.....	189
Хулоса	197

**САЙЁРА САМАНДАР,
УМИД БЕКМУҲАММАД**

**ХОРАЗМ ЖАДИД НАМОЯНДАЛАРИ: ҲАЁТИ, ФАОЛИЯТИ ВА
АДАБИЙ МЕРОСИ**

Масъул муҳаррир:

Хондамир Қодирий-Абдулла Қодирий уй-музейи директори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Сўзбоши муаллифи: Жавлон Жовлиев-филология фанлари бўйича
фалсафа доктори, доцент.

Муҳаррир: Ғуломжон Отажонов

Саҳифаловчи:

М.Жуманиёзов

Мусаҳҳиҳ:

Ж.Собиров

Тақризчилар:

Дилноза Жамолова, тарих фанлари доктори, доцент,
Баҳром Ирзаев-тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент.

Тасдиқнома рақами X-119629. Босишга 3.07.2024 да рухсат этилди.

Бичими 60x84_{1/16}. Офсет қоғози. Таймс гарнитураси.

Шартли босма табоги 12,5. Адади 200 нусха.

Баҳоси келишилган нархда.

“Milleniumus print” МЧЖда оффсет усулида чоп этилди.

Урганч тумани, “Шерматлар” МФЙ, Тадбиркорлар кўчаси, 69-уй.

Тел: (+998) 91-994-24-00